

МЕРОС

АБДУҚОДИР ҲАЙИТМЕТОВ

АДАБИЁТДАН ТУРКИЙДА БИРИНЧИ НАЗАРИЙ ҚУЛЛАНМА

1993 йили таниқли тилшунос олим, филология фанлари доктори Эргаш Умаров АҚШнинг Блумингтон шаҳридаги Индиана университетида маърузалар ўқиш билан бирга, илмий текшириш ишларини ҳам олиб борган эди. Бу сафар ғоят муваффақиятли бўлиб, юртига қайтишда у ўзбек адабиёти тарихи учун ниҳоятда зарур бўлган бир қанча қўлёзмаларнинг фотонусхаларини олиб келиб, Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтига топширди. Бу қўлёзмалар орасида Яқиний, Саккокий, Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Убайдий, Шайх Саъдий, Шайбоний ва бошқалар асарларининг нодир нусхалари бор¹.

Бу қўлёзмалардан шу пайтгача бизга номаълум бўлиб келган янги муаллиф — Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозийнинг «Фунун ул-балоға» деган асари диққатимизни ўзига тортди. Шайх Аҳмад, тахаллусидан кўринишича, Тароз шаҳридан (ҳозирги Жамбул) бўлиб, ўз даврининг адабиёт соҳасида ниҳоятда билимдон кишиси ҳамда истеъдодли шоир бўлган. Қўлёзмани Э. Умаров билан бирга дастлабки ўрганиш шунини кўрсатдики, Шайх Аҳмаднинг бу асари ҳижрий 840 (мел. 1436—1437) йилларда ўзбек тилида ёзилган ва Шарқ шеърий назариясининг жанр, қофия, радиф, шеърий санъатлар («илми бадеъ»), аруз вази ва шеърнинг ўша даврда кенг тарқалган муаммо тури ва унинг қондалари масалаларини илмий ёритиб, изоҳлаб беришга бағишланган. Биз бу қўлёзма ва унинг муаллифи тўғрисида 1994 йил 20 январда Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти Илмий кенгашида ахборот бердик². Кенгаш уни катта қизиқиш билан эшитди ва мазкур сатрлар муаллифига бу ноёб қўлёзмани нашрга тайёрлашни топширди.

XV асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрда адабий ҳаёт қайнаган, бадний адабиёт икки тилда ривожланишда, Самарқанддагина эмас, бошқа шаҳарларда ҳам адабий суҳбат ва мажлислар қизғин эди. Бу даврда Хуросон ва Мовароуннаҳрда яшаб ижод этган йирик ўзбек шоирларидан Лутфий, Ҳайдар Хоразмий, Юсуф Амирий, Атоий, Саккокий, Гадоий, Яқиний, Муқимий кабиларнинг номлари ҳаммага маълум. Кейинги йилларда уларнинг ёнига Ҳофиз Хоразмий, Саййид Қосимийларнинг номлари қўшилди. Шайх Аҳмад Тарозийнинг «Фунун ул-балоға» асари бу даврда Мовароуннаҳрда Бу Насақ, Қутбиддин Саройи, Жалолий, Шамс Қисорий, Ҳожи Хўжандий, Муҳаммад Темур Буго, Ҳотифий, Ҳожи Ақча Киндий (Кандий) каби шоирлар ҳам бўлганни кўрсатади. Ушбу рўйхатга Шайх Аҳмад Тарозийнинг

¹ Бу ҳақда қаранг: Мирзаев Т., Ҳайитметов А. Олимнинг ноёб тухфалари//Ўзбек тили ва адабиёти, 1993. 5—6-сонлар; Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1994 йил, 18 март.

² Бу ҳақда қаранг: Тарозий қомуси//Фан ва турмуш, 1994. 1-сон; Шайх Аҳмад Тарозий: Фунун ул-балоға//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1994; 18 март.

ўзини ҳам қўшиш жойиз. Чунки Тарозийнинг шеърлари ҳам ўз даврида машҳур бўлиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур аруз ҳақидаги китобида унинг шеърларидан икки байт мисол келтирган³.

Тарозийнинг «Фунун ул-балоға» асари ўз давридаги адабий ҳаёт эҳтиёжи ва талаблари асосида юзага келган, дейиш мумкин. Чунки форсий тилда шеър ёзадиган истеъдод эгаларига, хусусан, ёшларга шеър қондалари — аруз вазни, қофия, шеърий санъатлар, шеърларнинг жанр хусусиятлари ҳақида китоблар, турли қўлланмалар кўп бўлгани ҳолда, ўзбек тилида бундай илмий асар, рисолалар йўқ эди. Ўзбек тилида асар ёзишга, ўзбек адабиётини бойитишга, уни ривожлантиришга бел боғлаган қобилият эгалари эса Улуғбек даврида тобора кўпайиб борар эди. Бинобарин, Тарозийнинг бу асари ўзбек халқи маънавий ва маданий тараққиёти билан чамбарчас боғланган эди.

Илгари ўтган адабиётшунос олимлар адабиёт назарияси бўйича китоб ёзганларида кўпинча бир — ё шеър турлари, ёки вазн, ёки бадий санъат масаласига тўхталганлар ёки бирор шеърий жанр хусусиятларини ёритиб берганлар. Шайх Аҳмад эса бу соҳада мукаммал бир қўлланма яратишни, ўз «рисола»сида назария масалаларининг барчасини ёритиб, таҳлил қилиб беришни ният қилади, токи уни ўқиган кишилар назариядан мумкин қадар тўла маълумот ва фойда олсинлар.

Тарозий ўз китобини замон подшоси — Улуғбекка бағишлашга қарор қилади. Асарнинг кириш қисми Улуғбек ҳақидаги қуйидаги таъриф-тавсиф билан тугалланган: «...салтанат дарёсининг гавҳари ва маъдалат конининг жавҳари, саховат боронининг абри ва шижоат бешасининг бабри, фаросат сипеҳрининг моҳи, каёсат мулкининг шоҳи, шоҳаншоҳи аъзам, шаҳриёри аълам, соҳибус-сайфул-қалам, маъдани лутфу карам, молики рикоби умам, фармондеҳи турк, араб ва ажам, мағисиддин вад-даврон Амир Улуғбек Кўрагон...».

Шайх Аҳмад Тарозийнинг «Фунун ул-балоға» («Етуклик илмлари») асари киришдан ташқари, беш қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм Шарқ шеъриясида, хусусан, XV аср ўзбек адабиётида истеъмолда бўлган шеър турлари (жанрлари)нинг илмий таърифига бағишланган. Шайх Аҳмад бу ўринда шоирларнинг ижодий тажрибасидан келиб чиқиб, шеърнинг ўн турини тан олади ҳамда ана шу ўн турига таъриф беришни, уларни мисоллар билан изоҳлашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди: «Билгилким, мажмуи шуаро истилоҳинда шеърнинг ақсоми (қисмлари), ул ким муътабардур, ўн навъ келибдур: қасида, ғазал, қитъа, рубоий, маснавий, таржеъ, мусаммат, мустазод, мутаввал, фард».

«Фунун ул-балоға»нинг қофия ва радиф масаласига бағишланган қисми ҳам катта билим, аниқ илмий тасаввур ва тушунча билан ёзилган. Шайх Аҳмад ўз асарида бу масалаларни олдинги олимларнинг фикрларини умумлаштириш, ўз давридаги адабий ҳаёт, адабий жараёнга боғлаш орқали таҳлил этади ва бу таҳлил давомида уларни узил-кесил тушунтириб беришни ҳеч қачон ўз олдига қўймайди. Илмда у баҳс йўлидан, бошқаларнинг фикрларини ҳурмат қилиш йўлидан боради.

Китобнинг учинчи қисми илми бадеъ, яъни шеърий ва бадий санъатлар масаласига бағишланган бўлиб, унда муаллиф унинг тарсеъ, тажнис, ташбеҳ, тазмин, ирсолул-масал, иҳом, эънот, илтифот, интибоҳ, истиора, истидрок, лаффу нашр, раддул-матлаъ, сеҳри ҳилол,

³ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Мухтасар. Тошкент, 1971. 69, 71-бетлар.

ма ат-тафриқ ват-тақсим, ҳуснўл-матлаъ ҳусни таҳаллус каби (97) турига тўхталган ва изоҳлаган.

Шайх Аҳмад асарининг энг катта қисмини аруз вазни ҳақидаги тўртинчи қисми ташкил этади. «Фунун ул-балоға»нинг қўлёзмаси 139 варақдан иборат бўлса, унинг 76—139 варақлари, яъни ярмига яқини аруз масалалари талқинидир.

Аруз ҳақида туркий тилда биринчи бўлиб дарсликка ўхшаш бир асар ёзишнинг масъулияти катта эди. Шайх Аҳмад аруз баҳрлари сонини қирққа етказиш, унинг қайси бирлари арузнинг ўзига хос асосий баҳрлар, қайсилари зиҳофлардан ясалган баҳрлар, қайси бирлари баҳрларнинг ўзаро қўшилганидан ясалган баҳрлар, ҳар баҳрдан юзага келган тармоқларни аниқлаб бериш билан аруз илми соҳасида жуда катта ижодкорлик кўрсатган. Навонийнинг «Мезон ул-авзон» асарида ҳаммаси бўлиб, 120 атрофида вазн изоҳланган бўлса, Шайх Аҳмад «Фунун ул-балоға»да 366 вазнга тўхтаган ва уларнинг ҳар биттасини аниқ мисоллар билан тушунтириб берган. Бу унинг ўзбек адабиётшунослик илми тараққиётига қўшган катта ҳиссаси эди.

Лекин Шайх Аҳмад асаридаги аруз қисмининг охири бизгача тўлиқ етиб келмаган. У арузга доир аксар масалаларни ёритиб: «Эмди намудор учун олти асл баҳрнинг доираларин кўргузоли...»,— деб ёзади. Асар қўлёзмаси шу ерда чала ҳолда тугаган. Шайх Аҳмаднинг ўзи «кириш»да бу асарини ёзиб тугаллаганини айтади. Афсуски, асар қўлёзмаси ўша даврлардаёқ шу аҳволга келган, уни котиб ҳам шу аҳволда кўчирган кўринади. Асарнинг муаммога бағишланган бешинчи қисми ҳам йўқ.

«Фунун ул-балоға» ўзбек тилидаги адабиётнинг назарий масалари бўйича илк мукамал қўлланма бўлиши билан бирга, шеърӣ тазкира характеридаги бир асар ҳамдир. Унда адабий қоидаларга кўргазма, далил сифатида ўзбек шоирлари билан бир қаторда, жуда кўп форс-тожик, озарбайжон шоирлари ижодидан ҳам юзлаб шеърӣ намуналар, парчалар келтирилади. Шайх Аҳмад форс-тожик шоирлари ижодини жуда яхши билган, улар асарларининг энг мукамал ва мўътабар қўлёзма нусхаларидан фойдаланган. Унинг Камол Хўжандийнинг нафақат форсий, балки ўзбек тилидаги шеърларидан ҳам мисоллар келтириши катта янгиликдир. Чунки шу пайтгача Камол Хўжандийнинг ўзбек тилида ҳам шеър ёзгани баҳсли бўлиб, Э. Шодиевгина бу масалага ижобий қарар эди.

Шайх Аҳмад ўз давридаги шоирларнинг ижодинигина эмас, таржимаи ҳолини ҳам яхши билган. Қўлёзманинг 25^о варағида Лутфий ғазалларига мурожаат қилар экан, уни «Лутфийи Шоший» — «Шошлик (тошкентлик) Лутфий» деб кўрсатади. Унинг бу маълумотига ишонадиган бўлсак, биз шу пайтгача ҳиротлик деб юрган Мавлоно Лутфий асли тошкентлик бўлиб чиқади. У асли Шошдан бўлиб, бирор сабаб билан Хуросонга кўчиб кетган кўринади.

«Фунун ул-балоға» «Гул ва Наврўз» достонининг муаллифи масаласини ҳам узил-кесил ҳал қилиб берди. Олим ундан Ҳайдар Хоразмийнинг асари сифатида қўлёзманинг 13^а, 47^а-варағида иккита мисол келтиради. Ҳайдар Хоразмий, Лутфий Шайх Аҳмаднинг замондошлари бўлиб, олим уларнинг ижодини жуда яхши билган ва бунда шубҳага ўрин йўқ. Маълумки, «Мухтасар» асарида Бобур ҳам бу достоннинг Ҳайдар Хоразмийники эканини айтиб ўтган эди.

Шайх Аҳмаднинг «Фунун ул-балоға» асари ёзилганидан 144 йил кейин Бухорода ҳижрий 989 йили Мир Қуланки номи билан машҳур бўлган Мир Ҳусайн Ҳусайний томонидан оддий насталиқда кўчирилган. Асар адабиёт назариясига бағишланган бўлгани сабабли ниҳоятда мураккаб, истилоҳлари кўп ҳолларда арабий бўлган адабий ёдгорлик. Уни тўғри оққа кўчиришнинг ўзи ҳам қийин вазифа эди.

Умуман олганда, Мир Қуланки бунинг уддасидан чиққан ва шу йўл билан бу муҳим асарнинг келажак авлодларга етиб боришига сабабчи бўлган.

Биз «Фунун ул-балоға» асарини нашрга тайёрлар эканмиз, қатор қийинчиликларга дуч келдик. Қўлёманинг айрим жойлари ўчиб кетган. Шу билан бирга, бир қатор сўз ва ибораларни (хусусан, форсий қисмларда) тўғри ўқий олмаган бўлишимиз эҳтимолдан узоқ эмас. Бундай камчиликлар ва «Изоҳлар»даги номукамалликлар учун китобхонлардан олдиндан узр сўраймиз. Қўлёмани ўқиш ва нашрга тайёрлашда бизга кўмаклашган, қимматли мулоҳазалар билдирган олимлардан академиклар Иззат Султон (марҳум), Алибек Рустамов, филология фанлари докторлари Эргаш Умаров, Тўра Мирзаев, Умат Тўйчиев, филология фанлари номзодлари Ёқубжон Исҳоқов, Алимулла Ҳабибуллаев, Муҳаммаджон Абдуллаев ва бошқаларга самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз. Асар матни нашрдан-нашрга яхшилана боради, деб умид қиламиз. Мазкур нашр ҳақидаги мулоҳазаларингизни қўйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: 700170, Тошкент, И, Мўминов кўчаси, 9-уй. Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти.

ШАЙХ АҲМАД ИБН ХУДОЙДОД ТАРОЗИЙ
ФУНУН УЛ-БАЛОҒА
(«Етуклик илмлари»)

Ҳамду саноеким, ваҳмининг бодпойи сонсиз йиллар югурса, анинг ибтидосининг сарҳадига кела билмагай ва шукру сипоским, фаҳмининг симириги ададсиз умрлар учса, анинг интиҳосининг доираеига ета олмагай,— ул зулжалолнинг ҳазратигаким, азал суҳбатинда иноят меъмори бирла иншо қувватин ва имло қудратин тақтеъ ва тақсим айлаб, бани одамнинг хотиринда таъбия қилди, то назм гавҳари ва наер жавҳари зуҳурга келгай ва каромат нури бирла ақл чироғин ёндуруб, инсоннинг вужудинда қўйди, то залолат зулумотиндин ҳидоят ламаотига интиқол қилгай ва зеҳн хурдадодин муаммокушойи мушкулот этти, то синоат қуввати ва истидрок қудрати бирла ҳалл ва дарк айлагай ва таъб (1^а) кемасин тафаккур дарёсинда гаввос айлади,— то маони лўлўсин нутқ тори бирла баҳр қаъридин авроқ соҳилига келтургай¹. Ва балоғат шаққаристонин анвойи саноеъ бирла мажалли қилди, то нотиқа тўтиси парвариш топқай ва фасоҳат гулистонин алвон-и бадоеъ бирла таъйин этти, то тил булбули оғиз қафаси ичинда навоға келгай. Назм:

Гар бад-и гавҳари ва ройи-и сухан,
Он фуруд омади ба жой-и сухан*.

Фи наътир-расул аълайҳис-салоту ват-таҳийёти фаровон ва дуруди бегарон ул меҳтар-и оламға ва беҳтарин Одамға, ул Саййиди

¹ «Фунун ул-балоға» асарининг муаллифи Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий унинг муқаддима қисмини ушбу узун жумла билан бошлар экан, унда бадий асар яратиш билан боғлиқ «иншо қувватин ва имло қудратин» аввало Оллоҳ Таолонинг ўзи «тақтеъ ва тақсим» қилгани, яъни бўлак-бўлакларга, қисм-қисмларга бўлгани, уларга хос маънолар бериб, шу асосда назм ва наср юзага келгани, бу эса инсонларда «ақл чироғин ёндуруб», уни зулматдан ёруғликқа олиб чиққани, натижада унинг онги, тушунчаси, таъби юксалганини алоҳида таъкидлаб кўрсатган.

* Мазмуни: «Сўз — гавҳари ёмонми ёки шоҳонами (бундан қатъи назар), у осмондан сўзнинг (олий) мақомига тушгандир». Форсий тилдаги шеърин мисоллар бу асарда кўп бўлгани, ушбу нашр кўпроқ мутахассисларга мўлжаллангани ҳамда уни ихчамлаштириш мақсадида бошқа мисолларнинг таржималари берилмади.— *Таҳр.*

Расул ва ҳодий-и сабил, муфакхари коинот ва хулосай-и мавжудот, шаҳсувори майдон-и балоғат ва булбул-и бўстон-и фасоҳат, суфий-и суффа-и сафоҳат², яъни Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи в-ассалам ва ало олиҳи ат-таййибин ва хулафойир-рошидин ва асҳобиҳи ат-тобинин. Назм:

Дар наъти ў забони фасоҳат кужо расад?
Худ пеши офтоб чи партавиҳо деҳад!

Бу сабаб-и таълиф эди³. Азза ва жалла ҳамдидин ва Расул алайҳиссалом наътидин сўнг Шайх Аҳмад бин Худойдод Тарозий, рафаъаллоҳу қадраҳу фид-дорайнким, бу иморатнинг муҳандиси ва бу иборатнинг мударрисидур, анингтеқ тақрир қилурким, мажму-и арбоби ақл ва асҳоб-и нақл эътибори бирла инсоннинг шарафи (2^а) кулли мақнот ва жамеъ мавжудотқа ақл жавҳари ва нутқ гавҳари бирла зоҳирдур, нетокким ҳукамо айтур: «Лавлал-лисану молал инсонун». (Маъноси: Агар тил бўлмаганда, инсон малолатда қолган бўлур эди).

Ва ҳар одамеким, анинг кўнгли нутқпазир ва нутқи дилпазир эрмас, инсоният доирасиндин ташқаридур. Ва уламо қошинда нутқ икки навъдур: наср ва назм. Ониким, истисвоб⁴ бобинда муруттаб қўрдилар, «назм» атадилар. Ва ониким, авроқ висоқинда⁵ паришон топдилар, «наسر» дедилар. Қитъа:

Назм товусест дар боғ-и балоғат жилвагар,
Қ-аз камол-и жилва-и ў ақли кулл шайдо шавад.
Наср дар бўстон-и хотир тўти-и ширин навест;
З-он сабаб таъсир-и фаҳм аз неъматаш пайдо шавад.

(М а з м у н и: Балоғат боғида назм товус сингари шундай жилвалар қиладики, Унинг бундай етук жилвалари ҳар қандай ақлни ўзига шайдо этади. Наср эса фикр бўстонида тўтига ўхшаб шундай ширинсўзлик кўрсатадики. Шу сабабдан, бунинг неъматини туфайли (бир нарсани) тез тушуниб олиш мумкин).

Агарчи калом-и Изиди ва аҳодис-и набавий воситасиндин насрнинг шарафи назмға (нисбатан) собитдур, аммо ҳақими алимға назмда ҳикматтур, зероким, ҳар жоҳили лаим анга йўл топмас. Бас, маълум бўлдиким, ҳар одамеким, инсоният яқосидин бош чиқорур, анга назм ва насрнинг қондасин билмактин гурез йўқтур. Ва (бурун) кечган фусаҳо ва булаҳо бу маънидин наср ва назмнинг кайфиятинда қондалар таркиб этиб, рисоалар тартиб қилиб (дурлар). Ва ҳар саноъ ва дақойиқким, наср ва назмда воқеъ (2^б) бўлур, барчасини фил-маҳал зикр этибтурлар.

Ва бу заиф ҳам тилар эрдиким, аларнинг тавринда рисолае таълиф қилса. Ва лекин бу маънидин ихтироз⁶ қилур эрдиким, ногоҳ бўлмағайким, сабаби маломат ва муъжиб-и надомат бўлғайким, уламо айтибтур: «Ман санна қадистаҳдафа» («Қимки мусаннифлик қилса, ўзини ўққа тутган бўлади»).

Аммо кўп киши бу тариқада нусха тасниф қилибтурлар. Ва лекин ҳеч кимарса назмнинг тамом фунунун бир ерда жамъ қилмайту-

² «Сўфийи суффа-и сафоҳат» — кечиримлилик суфасининг сўфиси.

³ Бу жумлада муаллиф Муҳаммад пайғамбарни таъриф ва тавсиф қилиб, уни «булбули бўстони фасоҳат» деб атар экан, бундан у жамиятда, одамлар орасида ижодкорлик, ёзувчилик юзага келди ва бунга Пайғамбаримиз ҳам ўз ҳиссаларини қўшди, — демоқчи бўлади.

⁴ Истисвоб — тўғрилиқ.

⁵ Висоқ — хона, манзил.

⁶ Ихтироз — эҳтиёт, эҳтиёткорлик.

рур. Бу сабабдин раъба⁷ ҳавоси ғолиб бўлуб, ҳавас дилбари кўнгул пардасиндин бу тариқа юз кўргуздиким, нусха(е) қаламга келтурсаким, наср ва назмининг жамиъ қавоид ва ақсомиға муштамил бўлса, то ҳар ким балоғатқа мойил ва фасоҳатқа қобил эрур, фойда олса.

Чун бу фикр фарзи айн⁷, балки аини фарз кўрунди эрса, муддати мадид ва аҳли банд⁸ бу тааммул бирла авқот кечурдум. Оқибатуламр... Расул алайҳис-салавот вассалом ҳижратиндин секкиз юз қирқ йил ўтуб эрдиким, бу илмға шуруъ этиб, форс ва турк алфозини таркиб айлаб, рисолае тартиб қилдук. Тамом бўлди. Отини «Фунун ул-балоға» қўйдук. Ва баъзи яронлар «Латофийи Тарозий» ҳам дедилар. Ва таваққу-и асҳоб-и (3^a) завқдин ва арбоб-и шавқдин улдурким, бу дурар сафинасидин⁹ ва гуҳар хазинасидин баҳра ва файз олсалар, риоят этоки бирла айбин ёпиб, иноят қалами бирла саҳвин рост қилгайлар ва мусанниф ва қойил ва котиб ва соҳибин дуойи хайр бирла ёд тутқайлар...

Билгилким, мажму-и арбоб-и ақл ва асҳоб-и фазл ҳазратинда маълум ва муқаррардурким, ҳар кимки бу балоҳат кони ва бу фасоҳат уммониға йўл топса, раводур. Кимки малолат гардининг илки анинг хотири этокининг гирдига даст топмаса, алалхусуским, дебочаи шарифаси подшоҳининг ҳумоюн алқоби бирла музаййандурким, ул салтанат дарёсининг гавҳари ва маъдалат конининг жавҳари, саховат боронининг абри ва шижоат бешасининг бабри, фаросат сипеҳрининг моҳи, каёсат мамлакатининг шоҳи, шоҳаншоҳи аъзам, шаҳриёр-и аълам, соҳибус-сайф в-ал-қалам, маъдан-и лутфу карам, молики риқоби умам, фармондеҳи турку арабу ажам, мағисидин¹⁰ в-ад-даврон амир Улуғбек Кўрагон... Атолал-лоҳу умраҳу ва ажалла қадраҳу ва адома иқболаҳу ва зоафа (ёб) ва жалолаҳу. Аллоҳумма ижъал зиллаҳу донман ала равосил Ислам вал-муслимин ила явмиддин (Худо унинг умрини узоқ қилсин, қадрини юксалтисин, иқболини донмий қилсин ва юксаклигини чандон қилсин. Эй худо, соясини ислом ва мусулмонлар устига охиратгача соябон қилғил).

ФЕҲРЕСТ УЛ-ФУНУН¹¹:

Аввалғи фанда шеърнинг ақсомин¹² ва анвоин¹³ шарҳ қилур.

Иккинчи фанда қофия ва радифнинг қавоидин¹⁴ баён айлар.

Учинчи фанда сўзнинг бадоеъин¹⁵ ва саноеъин¹⁶ зикр этар.

Тўртинчи фанда шеърнинг тақтеъ¹⁷ ва авзонин¹⁸ тақрир қилур.

Бешинчи фанда муаммонинг усул ва арконин таҳрир этар.

(1)... Ал-фанн ул аввал фи ақсоми аш-шеър¹⁹.

Билгилким, мажму-и шуаро истилоҳинда шеърнинг ақсоми улким, муътабардур, ўн (4^a) навъ келибтур: қасида, ғазал, қитъа, ру-

⁷ Фарзи айн — ўта зарур, ниҳоятда лозим.

⁸ Муддати мадид ва аҳли банд — узоқ муддат ва анча замон.

⁹ Сафина — кема.

¹⁰ Мағисиддин — диннинг ёмғири, ёмғир ёгдирувчиси.

¹¹ «Феҳрест ул-фунун» — «Фанлар (фан соҳалари) мундарижаси».

¹² Ақсом — қисмлар.

¹³ Анвоъ — навлари, турлари.

¹⁴ Қавоид — қоидалар.

¹⁵ Бадоеъ — «бадеъ»нинг кўплиги, бадеъалар, бадиятлар, бадий усул ва йўсинлар.

¹⁶ Саноеъ — санъатлар (бадий, шеърин санъатлар, сўз ўйинлари кўзда тутилади).

¹⁷ Тақтеъ — бўлакларга бўлиш. Бу ўринда сўз ва сўз туркумларини арузда вазн ва оҳангига қараб, маълум қисм ва бўлакларга бўлиш кўзда тутилади.

¹⁸ Авзон — вазнлар.

¹⁹ «Ал-фанн ул-аввал фи ақсоми аш-шеър» — «Биринчи фан шеър қисм (тур)-лари хусусида».

бойи, маснавий, таржеъ, мусаммат, мустазод, мутававал, фард. Бу ўн навъ шеърким, зикр қилдуқ, ҳар қойсида агар Тенгри азза ва жаллага ҳамд айтсалар, они тавҳид дерлар. Ва агар Муҳаммад Мустафо алайҳиссалот вас-саломни васф қилсалар, наът дерлар. Ж²⁰. Агар Тенгри ҳазратинда тазарруъ қилсалар, муножот ўқурлар. Ва хулофойи рошиддинни таъриф қилсалар, маноқиб ва манқабат дерлар. Агар салотин ё умаро ё вузарони ўксалар, мадҳ ва мадҳат ва тамаддуҳ ўқурлар. Ва агар ўлган кишини зикр қилсалар, марсия дерлар. Агар кимарсани нафрин қилсалар, ҳажв ва мазаммат дерлар. Ва агар ҳазл қилсалар, мутойиба дерлар.

Фасл. Нуханинг ибтидосин, агар наср бўлсун ё назм, фотиҳа ўқурлар. Ва интиҳосин хотима. Ва аввалиндин оғози дostonғача дебоча дерларким, ул тавҳид ва муножот ва наът ва маноқиб ва мадҳ ва сабаби таълиф бўлғай. Ва шеърнинг ибтидоси матлаъ ва охирин мақтаъ дерлар. Ва байтнинг аввалғи жузвин садр ўқурлар ва охир жузвин ажз ва зарб. Ва қофия ва мисраънинг ўртасин ҳашв дерлар. Ва аввалғи мисраънинг охирин аруз дерлар. Ва сўнгги мисраънинг (4⁶) аввалин ибтидо.

Ал-навъи аввал фи баён-ил-қасида²¹.

Қасиданинг ақалли²² йигирма етти бўлур ё андин ўксукрак ва аксари муайян эрмас. Ҳар неча қофия даст берса айтурлар. Ва ҳар не мақсуд бўлса, баёнга келтурурлар. Мисоли бу тариқадур — ҳусни матлаъ:

Эй қади тўбий, хадинг эрур ғайрати жинон,
 Ҳайрон эрур санға малаку ҳуру инеу жон.
 Гар халқе меҳру моҳни равшан этур ўгон,
 Равшан будурки, йўқтур алар сенча дилситон²³.

Иккинчи — мамдуҳнинг адлу инсофин ҳам Амир Муиззий айтур — қитъа:

Аё шаҳеки, зи адл-и ту шер-и шодурвон —
 Зи дасти хеш ба дандон берун кунад чангол.
 Туики, адли ту дар Шарқу Ғарб то маҳшар
 Ниҳод дин-и худоро ба жой-и зулму залол.

Учинчи — шижоатин зикр қилур. Мисолин ҳам бу қасида ичинда келтурур:

Аё шаҳеки, ба ҳангоми... (?) * расули ажал
 Зи ханжар-и ту бурд рўзномаи ожол.
 Ба зўри хавфи мужавваф куни ба як фарсанг,
 Ба тир-и дар раҳи танг жалта нуқтау хол.
 Муҳолиф-и ту агар тир дар камон ронад,
 Чу хорпушт сар андар кашад ба тири нисол (5^a).

²⁰ Ж.— «жавоб», «жамъ» каби сўзларнинг қисқартирилгани. Бу ўринда «жумладан» деган сўзнинг қисқартирилгани.

²¹ «Ал-навъи аввал фи баён-ил-қасида». — «Биринчи тур — қасида баёнида».

²² Ақалли — кичиги, ози.

²³ Қасиданинг бу «ҳусни матлаъ» деб аталмиш бошланғич икки байтининг муаллифи исми ёки таҳаллуси айтилмаган. Мазкур асарда бундай муаллифи ноаниқ мисоллар талайгина. Уларни, хусусан, ўзбек тилида бўлгани учун Шайх Аҳмад ибн Худойдод Гарозийнинг ўзи сзган, деб ҳисоблаш мумкин. Чунки у ўз даврининг яхшигина шоири бўлиб, унинг бир қанча шеъри ва улардан айрим мисоллар бу китобда «Гарозий» таҳаллуси билан ҳам келтирилган.

* Турли сабаблар билан ўқилиши қийин бўлган ўринларга қавс ичида савол аломати қўйиб кетилди — А. Ҳ.

Тўртинчи — саховатин ёд айлар ҳам бу қасида ичинда кўр (гуз)-
ур — шеър:

Зи жуд-и даст-и вай андар нигин-и хотам-и ў
Ҳамекушода шавад чашмҳой-и оби зилол.
Магар, ки дар азал, эй шоҳ-и ҳакам, ризқ-и ажал
Нигин-и тиг-и туро дод Изиди мутаол.

Ва бу тўрт хислаттин ортуқ ҳар нечаким сифат қилур, ихтиёр
шонрадаур.

Табийни ғараз ул бўлурким, мадҳдин сўнг мақсудни баён қилур.
Мисолин ҳам Амир Муиззий айтур:

Чу таб-и ман раҳи аз мадҳ-и ту барандешад,
Қашад зи мартаба бар осмон мақол-и мақол.
Худойигон агар ин чанд байт биписанданд,
Маро ба боғ-и тараб шох-и сарв гардад нол.
Ва гар азимат-и он сарвар-и офтобойин
Ба ком-и дил расаму раста кардам аз амвол.
Ба Иззи давлат-и шоҳ ва баро-и хидмат-и ман,
Қасида барниҳод аз моҳ-и нав, фалак теъзол.

Мақтаъ улким, қасидани тамом қилурға иштиғол кўргузурлар.
Ҳам Муиззий айтур:

Ҳамиша то ки бувад ҳамчу миму долу алиф,
Даҳону зулфу қади дилбарони мушкинхол.
Зи ди хужастатару хўбтарат бод имрўз,
Зи пор хўштару фархундатарат бод имсол.

Ва қасиданинг яна бир навъи улдурким, бу тўрт важҳни²⁴ тамо-
мин риоят қилмаслар. Сўзни мадҳ бирла ибтидо қилурлар, нетакким
мисолин (5^о) аблағул-фусаҳо Рашидиддин Ватвот айтур — байт
(ҳусн ул-матлаъ):

Зи шоҳам парчам-и султон ҳилол-и фатҳ шуд пайдо,
Чу шамъ аз бар гирифт ин бори кори мулку дин воло.
Насим-и субҳи нусрат дод руҳ-и шаръро моя;
Ҳаво-йи жоми давлат кард бахти пурро барно.
Ба сон-и чашма-и хуршид об-и мулк шуд равшан,
Зи гирди мавкаб-и султон Аловуддин в-ад-дунё.
Шаҳи Султоннишон Санжарки, чун дар сафи кин омад,
Мужавваф гардад аз тираш чу новак найза-и аъдо.
Жаҳонро эътидоли дод адли ў, ки то маҳшар
Наёяд пеш жунбонид, мўйиро таби сармо (Иғроқ).

Ва қасиданинг ё... ғазалнинг матлаи хўб лафз бирла айтилса,
ҳусн ул-матлаъ, дерлар. Мисолин устоди комил ва аълами фозил
Рашид айтур — байт:

Тартиби мулку қоида, адлу расми дод —
Абдуҳамид Аҳмади Абдуссамад ниҳод.

Мисоли дигар. Малик ул-калом ва афзал ул-онем Хоқоний ай-
тур:

²⁴ Важҳ — тартиб, тарик.

Дар коми субҳ аз нофи шаб мушк аст умдан рехта,
Заррин ҳазорон наргиси з-ин сақфи миноҳ пухта.

Мисоли дигар. Ажал ул-фузало ва афзал уш-шуаро Сайфиддин
Испарангий айтур:

Сапедадам, ки намояд сипеҳри меҳри жабин
Шуои зевари субҳ аз нигорхонаи Чин.

Мисоли дигар. Афсаҳ уш-шуаро в-ал-фузало Саъдий айтур (6^а):

Гарам боз омади, маҳбуи симандоми сангиндил;
Гул аз хорам бароварди-ю хор аз ёна, пой аз гил.

Мисоли дигар. Афсаҳ уш-шуаро ва афзал ул-фусаҳо айтур —
тажнис-ун-ноқис:

Эй дар ҳавоии меҳрат зарроти кави гарди,
Эй аз сафои чехрат жанноти адн варди (Тарсеъ).

Мисоли дигар. Аблағ ул-булағо ва аълам уш-шуаро Носир ай-
тур — шеър:

Чун тийра-у танг аст дил дарди насозам масканаш,
Нураст ў, жоме деҳам дар ҳар ду чашми равшанаш.

Мисоли дигар. Афсаҳ уш-шуаро... Амир Хусрав айтур:

Боз он сувори маст ба нахчир меравад,
Дастам зи қору қору зи тадбир меравад.

Мисоли дигар. Аблағ ул-зурафо ва акмал уш-шуаро Ҳожа Қамол
айтур — байт:

Зи моҳтоби жамолат зи моҳтоб равад,
Чи жойи маҳ, ки суҳан ҳам дар офтоб равад (тажнис
ул-мағруқ).

Мисоли дигар. Аблағ ул-мутааххирин Мавлоно Бадахший айтур:

Гар зи чини зулфи пур чини ту тоб ояд бирун,
Офтоб аз тобу тоб аз офтоб ояд бирун (тажниси том).

Мисоли дигар. Афзали мутақаддамин Хожуйи Қирмоний айтур:

Бидеҳ он роҳи равонбахш, ки дар мажлиси хос,
Мояи руҳи фароии бувад аз рӯи хавос.

Мисоли дигар. (?) Ҳожа Ҳофизи Шероз айтур (6^о):

Айб-и риндон макун, эй зоҳид-и покизасиришт,
Ки гуноҳ-и дигарон бар ту нахоҳанд навишт.

Мисоли дигар. Аҳсан ул-мутааххирин Мавлоно Лутфий айтур:

Эй жафо бобинда тасниф эткучи юз макру фан,
Мутгасил ҳуснунг сӯзидур қайда бўлса анжуман.

Мисоли дигар. Заҳр ул-мутааххирин²⁵ Саккокий айтур:

Эй сочинг шайдо кўнгулларнинг саводи аъзами,
Ҳалқа-ҳалқа руҳнинг сарманзилидур ҳар хами.

Мағлаъда бир санъате бўлур, они бароат-и истиҳлол дерлар. Анингтеқ бўлурким, мусаннифлар нусхасининг аввалинда бир неча лафз келтурурларким, ул алфоз далили мутлақдур мақсудқа. Яъни, андин маълум бўлурким, бир нусха қайси фандадур, нетокким бу китобнинг аввалинда келибтур ва шоир ҳам қасидани ё манзум қиссани мақсудқа айтур бўлса, мағлаъда лафзе истеъмол қилурким, арз ва муроди маълум бўлур, нетокким мисоли малик уш-шуаро ва афзал ул-уламо Фирдавсий Рустам Сухробни ўлтурган қиссанинг аввалинда айтур — байт:

Агар тунубоди барояд зи ганж,
Ба хок афганад норасида туранж²⁶.

Бу байтдин барчаға зоҳирдурким, Рустам Сухробни ўлтургусидур (7^a).

Ҳикоя қилурларким, подшоҳи аъзам Султон Маҳмуд Ғазнавий асринда андоқ иттифоқ туштиким, қадр кечасининг сабоҳи Наврӯз кунининг таҳиятинда қасидае иншо қилур эрди. Ихтиёр қилдиким, мағлаъда бароати-и истиҳлол риоят қилинса — байт:

Чу сари зулфи ту бар орази зебо дидам,
Рӯзи наврӯзу шаби қадр ба як жо дидам.

Сўз анга еттиким, сари ғазалдин мадҳқа андин келурлар, ул байтни таҳаллус дерлар. Агар яхши тариқа бирла кирсалар, ҳусни таҳаллус дерлар. Мисолин Имом Умид Қамолий айтур:

Зулфи нйгор гуфт:— Ман аз қари чанбарам,
Шаби сурати шабаҳ, сифати мушки пайкарам.
Таркибам аз шаб аст, зи рӯзист маркабам,
Болинам аз гуласту зи лола ает бистарам.
Ё дар миёни моҳ буд соли маҳ танам,
Ё бар канори рӯз буд рӯзу шаб сарам.
Рух тира, сар бурида, нигунсору мушкбор,
Гўйи, ки нўги хомаи дастури кишварам.

Мисоли дигар. Абжад уш-шуаро Заҳириддин Форёбий айтур:

Дар ин ҳавас, ки ман афтодаам ба нодони,
Маро ба жон хатар аст ғами ту то дони.
Макун ва гар мадади зулфи кофират, ки қавист,
Ба аҳди Шоҳи жаҳонбор, вай мусулмони.

Ва шоир мамдуҳдин нимарса илтимос қилса, ани талаб дерлар. Агар яхши иборат бирла (7^b) тиласа, ҳусн-и талаб ўқурлар. Маснавийи Қавомиддин Ганжавий...:

²⁵ Заҳр ул-мутааххирин — кейин ўтган (улуғ)ларнинг гули.

²⁶ Мазкур байт Фирдавсий «Шоҳнома»сининг Душанбе нашрида (1964) 291-бетда Сухроб ҳақидаги бобнинг бошида («аввалинда») эмас, ўнинчи байт бўлиб келган. «Шоҳнома»нинг илмий-танқидий матнида (II том, Москва, 1962. 160-бет) эса шу бобнинг энг бошида келган. Демак, Шайх Аҳмад ўз асарига «Шоҳнома»дан кўп мисоллар келтирар экан, унинг қўлида бу асарнинг энг қадимги бир қўлёзма нусхаси бўлган.

Хусраво, бо замона дар жангам,
Ки ба ғам мегузордам ҳамвор.
Чи буд гар кафи ту бардорад
Аз миёни ману замона ғубор.

Агар мақтағни хўб тавр бирла адо қилсалар, они **ҳусни мақтаъ** дерлар. Мисолин устод Рашид Ватвот айтур:

То бувад андар фалак авжи нужум,
То бувад андар мадар асли шажар,
Ҳамроҳи аҳбоби ту бодо тараб!
Хонаи бадҳоҳи ту зеру забар!

Мисоли дигар. Мавлоно Авҳадий айтур:

Умри ту бодо беадад, андар сурури беадад;
То «Қул ҳуваллоҳи аҳад» бошад пас «Таббат ядо».

Агар мамдуҳ сифатинда муболағани камолға еткурсалар, они аҳли бадеъ **игроқ фис-сифат** дерлар. Ва бу илмнинг шарҳи учинчи фанда келур. Мисолин аблағ ул-булағо Салмон айтур:

Баъд ҳазор сол ба боми Зуҳал расад,
Гар посбони қасри ту санги кунад раҳо.

Мисоли дигар. Афсаҳ ул-фусаҳо ва афзал ул-фузало Азрий айтур:

Савсани лаъл резад аз пари ҳумойи дар ҳаво,
Гар беҳ ба рӯзи гашта лаъли лаби ту устухон (8^а).

Ғазалнинг аксари йигирма байт бўлур. Ва ақалли беш байт. Андин ўксук бўлмас. Магар қофия табилмаса, тўрт байт қилурлар. Ул ҳам зарурат ҳукмидин жойиздур. Мисолин... (Тарозий) айтур:

Гар сабо ул ой юзидин олса ҳар соат ниқоб,
Тоби айб тутқонидин бўлғай пушаймон офтоб.
Қомату рафторини кўрди магар сарву тазарв,
Рашк ўтидин еарв куйдию тазарв ўлди кабоб.
Кўзларим узра хаёлинг бир гузар қилғайму деб,
Ҳар замон киприklarим жоруб уруб, сепар гулоб.
Фурқатингдин йиғламоқдин бўлдум онингдек заиф,
Ким синмамоқдин адоқ қўйдим²⁷ бузулмоди ҳубоб.
Эл аросинда Тарозий бўлғуси исонафас,
Гар лабинг ёдинда май ўрнига ичса заҳри ноб.

Мисоли дигар. Фахр уш-шуаро **Ҳожа Ҳасан** айтур:

Макун бо ошиқони зори худ зўр,
Сулаймонро чи фахр аз куштани мўр.
Бирун ифлос дорам в-андарун заъф;
На зар моро дар ин тадбир, не зўр.
Ба ташрифи шифо уммид доранд,
Жаҳони аз либоси офият ғур.
Агар мирем, бар ёди ту мирем,
Пушаймони набояд бурд дар ғўр.

²⁷ Адоқ қўйдум — аёқ қўйдим.

Чи пурси ҳадди ишқ аз муфтийи ақл,
Чи донад нури маҳро мардуми кўр (8^с).
Фигон аз турраи ҳиндуват моро,
Ки чашми турквору ғорати гўр.
Дили мискин Ҳасан дарёи дард аст,
Маҳол аст ин, ки аз дарё равад шўр.

Мисоли дигар. ...Хожа Камол айтур:

Дийда дар умри зи рўят бо хаёли қонеъ аст,
Умри к-он бигзашт бе рўйи ту умри зоеъ аст.
Жон, ки рафт аз пеши мо хоҳад ба он лаб бозгашт.
Чун ба асли хеш ҳар чизе, ки бини, рожеъ аст.
Нуқтаи холу хатат оёти ҳуснанду жамол,
Як-як ин оётро он рўи чун маҳ қотеъ аст.
Мешавад ҳар рўз толеъ з-он гирибон офтоб,
Бар бадан пироханаш, ёраб, чи соҳибтолеъ аст.
Пеши маҳруён чу абри ҳаё сад пора бод,
Ҳар рақиби к-аз тамошо ошиқонро монёъ аст.
Ҳар кужо дил меравад дар жустужўйи дилбари,
Пеши рў ашк аст он жо оҳу нола тобеъ аст.
З-оби чашмат гашт тўфони дигар воқеъ, Камол,
Нест игроқе дар ин маъни — баёни воқеъ аст.

Ва ул байтеким, тахаллусдин сўнгра айтурлар, икки навъ бўлур.
Бириси улким, тахаллус байти маънода нотамои қолур. Бир байт
бирла они тамои қилурлар, они мутаммаи ул-анқос²⁸ ўқурлар.

Ва бир навъи улким, бовужудким тахаллуси тамоидур, бир байт
масал тариқи бирла келтурурларким, андин тахаллус байтига рабт
ҳосил бўлур, они робита²⁹ дерлар. Мисолин Хожа Камол айтур (9^а):

Ҳар касе дар ҳарамии ишқи ту маҳрам нашавад,
Ҳар Бароҳим ба даргоҳи ту Адҳам нашавад.
Мард то рўе наёрад зи ду олам ба худо,
Муштафовор к-аз ин ҳама олам нашавад.
То мушарраф нашавад банда ба султонсифатон,
Ҳаргиз андар назари халқ муқаррам нашавад,
Гар шикасти ту кунад ҳосиди бадгўй, Камол,
Дилат аз жо наравад донаму дарҳам нашавад:
«Санги бадгавҳар агар косаи заррин шиканад,
Қиймати санг наифзоюду зар кам нашавад».

Ал-навъу ас-солису-фи баёнил — қитъа³⁰.

Қитъа улдуким, аввалги мисраинда қофия бўлмас. Ва ақалли
икки байт бўлур. Ва мунинг ҳам аксари муқаррар эрмас. Ҳар нечаким
қофия тобсалар, айтурлар. Тарозий айтур:

Гул юзунгни кўргали, эй рашки ҳур,
Дам-бадам кўзёши қондин дам урар.
Лаълинга нисбат этар ўзин ақиқ,
Ул яманни кўрки, қондин дам урар.

Мисоли дигар. Мавлоно Лутфий айтур — қитъа:

Бермагил дерлар вафосизга кўнгул,
Ким анинг нўшидин ортиқ неши бор.

²⁸ Мутаммаи ул-анқос — қораламада тугаллаш.

²⁹ Робита — боғланиш.

³⁰ «Ал-навъу ас-солису фи баёнил-қитъа» — «учинчи тур — қитъа баёнида».

Мен тамаъ кесмасмен, ўлсам, лаълидин,
Жон менинг жоним, кишининг неши³¹ бор.

Мисоли дигар... Ибн Ямин айтур (9^о).

Эй дил, сабур бош бар ихдоси рўзгор,
Неку шавад ба сабр саранжоми кори ту.
Бо ҳеч кас зи халқи жаҳон душмани макун,
То бар муроди дўст бувад рўзгори ту.
Бо ҳилму бо тавозеъ агар ҳамнишин шави,
Ағёри ту шавад ба сафо ёри ғори ту.
Ҳиммати баланд дор, ки назди худо ва халқ
Бошад ба қадря ҳиммати ту эътибори ту.

Мисоли дигар. Мавлоно Ҳожи Ақча Киндий (Кандий)³² айтур:

Мушкдур ул зулф ё умри дароз,
Ё бўлубтур анбари тар тор-тор.
Қилдин-ар қилса қалам наққоши Чин,
Ул қачон оғзинг бикин бар тор-тор.

Мисоли дигар. Шаҳзодаи мағфур, марҳум Мирзо Бойсунғур айтур:

Фурқатингда сориг ўлди олмангиз,
Эй мусулмонлар, яроқон ўлмасун.
Ўлмагимдин фикрим онча йўқтурур,
Қўрқарам, ўлсам, яро қон ўлмасун.

Ал-навъи робеъ фил-баён-ир-рубойи³³.

Рубойи. Рубойи тўрт мисраъ бўлур. Аввалғи ва иккинчи ва тўртинчи мисраида қофия келтурурлар. Ва учинчи мисраи ихтиёрдур. Агар қофия келтурсалар, **рубойи мусаррафъ**³⁴ дерлар. Мисол:

Хуснунгиз шамъина жон парвонадур,
Зулфингизга ақлу дил девонадур (10^а).
Чунки жоду кўзларинг мастонадур.
Ул сабабгин манзилим ғамхонадур.

Мисоли дигар. Мазҳар уш-шамс Саййид Насимий айтур:

Эй ҳароми ³⁵ кўзларинг яғмочилар,
Қаъба юзунгдур, малойик — ҳожилар.
Ишқинга уммат ўландур ножилар.
Вей, дудоғингдин хижил ҳалвочилар.

Мисоли дигар, Мавлоно Асад айтур:

Чун фондуқи ишқи ту даҳонам тар аст,
Бори ғами ту чу жавз пуштам бишқаст.

³¹ «Неши бор» — «не иши бор» деган маънода.

³² Мавлоно Ҳожи Ақча Киндий (ёки «Кандий») Тарозий замонаси ўзбек шоирларидан бири.

³³ Ал-навъи фил-баён-ир-рубойи — «Тўртинчи тур — рубойи баёнида».

³⁴ Рубойи мусаррафъ — рубойининг учинчи байти ҳам қофияланса, яъни тўрт мисра тўла қофияланса, «рубойи мусаррафъ» деб, баъзан «рубойи тарона» деб атаганлар. Бундай рубойлар ниҳоятда латиф саналиб, шоирдан катта санъаткорликни талаб қилган.

³⁵ «Ҳароми кўзларинг» — «қароқчи, йўлтўсар кўзларинг» деган маънода.

Ҳар тир, ки аз ду чашми бодоми ту жаст,
Дар хаста дилам чу мағз дар писта нишаст.

Ва агар учинчи мисрада қофия келтурмасалар, рубоийи ҳиссий
ўқурлар. Мисоли бу тарз:

Эй малоҳат мулкида соҳибқирон,
Кўзларингдур фитнаи охир замон.
Гар пари эрмассен, эй гул, юзи ҳур,
Не учун кўздин учарсен ҳар замон.

Мисоли дигар. Мавлоно Саккокий айтур:

Гул юзунгни кўрса булбул дар чаман,
Кечиб ўз савдодисин, бўлғай чу ман.
Лабларингга тенг тутар ўзни ақиқ,
Билмасу беҳуда сўзлар ул Яман.

Мисоли дигар. Мазҳар ул-малоҳат Шайх Саъдий айтур (10^о):

Ту ба мавсими жавони бикун он чи метавони,
Ки ба рўзгори пири накунад касе жавони.
Ғами нестию ҳасти нахурад касе, ки донад,
Ки иззат (?) накард ҳаргиз ин жаҳони фоний.

Ва рубоийнинг бир навъи тақи бўлур. Они мужаннас дерлар.
Анингдек бўлурким, рубоийнинг қофиясинда тажнис риоят қилурлар.
Мисоли бу тарз:

То кўнгулда ишқ ўти тобандадур,
Ғам маишат панжасин тобандадур.
Киприк ўқин қисмат этиб отсангиз,
Ҳеч кишига тегмас ул — то бандадур.

Ва бу турк шоирларининг ихтироидур. Муни турклар туюқ дер-
лар. Мисоли дигар:

Ишқсиз узди юраким ёғини;
Ер юзин тутти кўзумда ёғини.
Сирри дилни кўз ёши фош айлади,
Асрамишмен ўз кўзумда ёғини.

Мисоли дигар. Муҳаммад Темур Буғо айтир:

Гар ҳавойи васли дилбар дори дер,
Иўлда тикмишлар муҳаббат дори дер.
Сен агар чин ошиқи содиқ эсанг,
Бу муҳаббат дорини бир дори дер.

Мисоли дигар. Ҳожи Ақча Киндий (Қандий) айтур:

Бергил, эй симинзақан, илик манга,
Неча ёши бўлғасан? Илик манга (11^а).
Дардингиз дармони жонимдур менинг;
Соғинурлар билмаган илик манга*.

* Бу туюқда биринчи «илик» — қўл, иккинчиси — эллик, учинчиси — эгили
маъноларида келган кўринади — А. Ҳ.

Ан-навъ-ул-хомис фил баён-и-маснавий³⁶.
Маснавий икки мисраъ бўлур. Иккаласи муқаффо³⁷, нетакким ман-
зум қиссаларни маснавий қилибтурлар. Мисоли Бу Насақдин³⁸.

Ало, эй ҳусн элининг подшоҳи,
Жамолинг ояти лутфи илоҳий.
Юзунгдур лола, қаддинг сарви озод,
Эрур усрук кўзунг жодуйи устод.
Юзунг узра қаро зулфунг балодур,
Тилармен бўлса ул юздин мало³⁹ дур.
Рақибни орзулар юзи қироқин,
Тилар ўзига ул юзи қароқин*.

Мисоли дигар. Маъдан ул-балоғат Хожу айтур:

Бидеҳ, соқий, он лаъли ёқутранг,
Ки бурд аз руҳи лаълу ёқут занг.
Равон дар деҳ он айни оби равон,
На оби равон, к-офтоби равон.
К-у онҳо, ки бо мо нишастанд шод,
Бирафтанду аз мо, накарданд ёд.
Қадам аст жоми Жаму Жам кужост?
Сулаймон кужо рафту Хотам кужост?
Ки медонад аз файласуфони ҳай,
Ки Жамшид кай буду Ковус кай? (11⁶).

Мисоли дигар. Олим ул-муҳаққиқин, фозил ул-мудаққиқин Мав-
лоно Румий айтур:

Бишнава аз най чун ҳикоят мекунад,
Аз жудойиҳо шикоят мекунад.
Аз найистон то маро буридаанд,
Аз нафирам марду зан нолидаанд,
Сирри ман аз нолаи ман дур нест,
Лек чашму гўшро он нур нест.
Тан зи жону жон зи тан мастур нест,
Лек касро дид жон дастур нест.
Сийна хоҳам шарҳа-шарҳа аз фиروق,
То бигўям шарҳи дарди иштиёқ.
Оташ аст ин бонги ною нест бод,
Ҳар ки ин оташ надорад, нест бод⁴⁰.

Ва маснавийнинг шароитидин бириси улдурким, агар ҳикоятни
назм қилур бўлса, керакким дебодчасин хўб иборат ва яхши тариқа
бирла таъриф қилса ва саъйе кўргузсаким, фотиҳа бирла хотимаси
писандида келгай. Ва бир шарт улдурким, мухтасар адфоз бирла
шарҳга келтургай. Ва бир шарт улдурким, ҳар ердаким разм ва базм
ва субҳу шом воқеъ бўлур, ғариб лафз бирла таъриф қилгай, нетакким
разм сифатинда Фирдавсий айтур:

³⁶ «Ал-навъ-ул-хомис фил-баён-ул-маснавий» — «Бешинчи тур — маснавий баёнида».

³⁷ Муқаффо — ўзаро қофияланган, қофиядош.

³⁸ Бу Насақ — Шайх Аҳмадга замондош ўзбек шоирларидан бирининг номи.

³⁹ Мало — тўла.

* Кароқ — ҳол.

⁴⁰ Ушбу шеърини парча машҳур форс-тожик шоири ва улуғ мутасаввиф Жа-
лолиддин Румий (12070—1272)нинг «Маснавийи маънавий» асарининг бошланиш
қисмидан келтирилган.

Хуруш омаду нолаи Ков дам,
 Дами нойи румину рўйна хам.
 Яке нима аз рўзи лашкар гузашт,
 Кашиданд саф бар ду фарсанг дашт (12^а).
 Зи гарди сипаҳ рўшноии намонд,
 Зи хуршид шабро жудойи намонд.
 Ҳаво сарбасар гашт зангоргун,
 Замин шуд ба кирдори дарёи хун.
 Шуд аз сими асбон замин сангранг,
 Зи найза ҳаво шуд чу пушти паланг,
 Ту гуфти: жаҳон кӯи оҳан шудааст,
 Сари кӯҳи пуртурку жавшан шудааст.
 Хуруши суворони осмон зи дашт,
 Зи Баҳрому Қайвон ҳаме баргузашт.
 Зи жавшансуворону заҳми табар
 Уқоби диловар бигустард пар.
 Зи тийру зи пайкон ҳаво тира гашт,
 Ҳаме офтоб андарун хира гашт.
 Дурахшидани тигҳойи бинафш
 Ба абр андар омад синони дурафш.
 Ҳама тигу соид зи хун гашта лаъл,
 Хурушони дил хок дар зери наъл.

Мисоли дигар. Мазҳар ул-фазойил Шайх Саъдий айтур:

Ду лашкар баҳам барзаданд аз камин,
 Ту гуфти, ки зад осмон бар замин.
 Зи боридани тир ҳамчун тагарг*,
 Ба ҳар гӯша бархост тўфони марг.
 Замин осмон шуд зи гарди кабуд,
 Чу анжум дуру барқ — шамширу хўд.

Мисоли дигар. Аблағ ул-мутааххирин Мавлоно Ҳайдар айтур (12^б):

Туман ўлтурди-ю, бўлди ҳаво соф,
 Черик тутти жаҳонни Қоф то Қоф.
 Хуруш этти кевурға, кўкроди кўс,
 Уруб чавгон духулнинг юзина бўс.
 Нафиру бурғую туғу нақора —
 Диловарлар юрокин қилди пора.
 Ясоди тоғ янглиғ ўнгни, сўлни.
 Ҳировул турғузуб, тўқтотти гулни,
 Ҳамажийлар** қўйди, беркитти қунбил***,
 Қаро тоғдек ясаб турди муқобил.
 Баҳодирлар уни, отлар хуруши —
 Фалак то кар қилур, Миррих гўши⁴¹.

* Тагарг — дўл.

** Ҳамажи — қоровул (?).

*** Қунбил — пистирма.

⁴¹ Бу шеърӣй парча XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод қилган катта ўзбек шоири Ҳайдар Хоразмийнинг «Гул ва Наврӯз» достонидан келтирилган бўлиб, унинг таркибидаги қуйидаги икки байт ҳозирги нашрларда (Қаранг: Лутфӣй. Сенсан севарим. Тошкент, 1987. 427-бет) йўқ:

Ясоди тоғ янглиғ ўнгни, сўлни.
 Ҳировул турғузуб, тўқтотти гулни.
 Ҳама жийлар қўйди, беркитти қунбил.
 Қаро тоғдек ясаб турди муқобил.

Ва базм таърифида устод уш-шуаро Фирдавсий айтур:

Чу аз хони солор бархостанд,
Нишанстан гаҳ-у май биёростанд.
Фурузанда-и мажлису майгусор,
Навозанда-и чангу бо пешкор.
Зи хон ҳамчу дебо-йи румий ба ранг,
Хурушон зи жанг-и паризода чанг.
Зи нолидан-и ной-у руду суруд,
Зи шоди ҳамедод дилро дуруд.
Табақҳо-йи заррин пур аз мушки ноб;
Ва пеш андарун обгина гулоб.
Ҳама паҳлавонон-и хисравпараст
Бирафтанд аз айвони солор маст.

Базм таърифида устод уш-шуаро Фирдавсий айтур (13^а):

Шакар буду унноси шамъу шароб,
Ваҳ, аз неъмат ободу мардум хароб.
Ҳарифон хароб аз майи лаълранг,
Сипар, соқий, аз хоб дар бар чу чанг.
Яке ғойиб аз худ, яке ниммаст,
Яке шеърғўён, суроҳи ба даст.
Набуд аз надимони гарданфароз
Ба жуз наргис он жо касе дидабоз.
Зи як сў дароварда мутриб хуруш,
Зи дигар сў овози соқий, ки нўш.
Дафу чанг бо якдигар созгор,
Бароварда зер аз миён нола-зор.

Субҳ сифатинда малик ул-калом Фирдавсий айтур:

Чу хуршид сар барзад аз кўҳсор,
Бигустард ёқут бар пушти қор.
Чу товус пайдо шуд аз пушти зоғ,
Баромад ба кирдори заррин чароғ.

Ва яна бир ерда қелтурур:

Чу аз кўҳ бифрўхт гети фирўз,
Ду зулфи шаби тире бигрифт рўз.
Аз он чодири қир берун кашид,
Ба дандон лаби моҳ дар хун кашид.

Мисоли дигар. Маъдан ул-маоний Шайх Саъдий айтур:

Ниҳод аз ҳавсала зоғи сияҳпар,
Ба зери парри тўти байзаи зар (13^б).

Мисоли дигар, Ажал-ул-асфиёи шайхи шуюх Аттор айтур:

Турки рўзи охир чу бо заррин камар,
Ҳиндуйи шабро ба тиг афганд сар.

Ҳайдар Хоразмий Шайх Аҳмад билан замондош бўлиб, Шайх Аҳмад унинг ижодини жуда яхши билган. Бинобарин, унинг «Гул ва Наврўз» достонини Лутфийга эмас, Ҳайдар Хоразмийга нисбат бериши асосли. Кейинги давр тадқиқотчиларининг бу достонни Лутфийга нисбат берганликлари, шу пайтгача унинг асарлари таркибида нашр этганликлари бундан буён такрорланмаслиги керак.

МЕРОС

ШАЙХ АҲМАД ИБН ХУДОЙДОД ТАРОЗИЙ

ФУНУН УЛ-БАЛОҒА⁴²

Мисоли дигар. Анис ул-фузало ва аҳсан ул-уламо Шайх Саъдий айтур:

Хатиби сияҳпӯш шаб беҳилоф,
Баровард шамшири рӯз аз ғилоф.

Мисоли дигар. Писандидаи рӯзгор Мавлоно Ҳайдар айтур:

Чу ёруди, субҳи саҳар урди дам,
Тикти Хўтан хисрави олтун алам⁴³.

Ва шом сифатида ҳам устои замон Фирдавсий айтур:

Чу хуршиди тобанда бинмуд пушт,
Зи ранги бар омад сипоҳи дурушт.

Мисоли дигар. Сурури машойих шайт Аттор айтур:

Чун шаби торик дар шеъри сиёҳ
Шуд ниҳон чун куфр дар зери гуноҳ.

Мисоли дигар. Афсаҳ ул-мутааххирин Қутбиддин Саройи айтур:

Иипор янглиғ сочинким тун тароди,
Ёруғлуқ жумла оламдин яроди.
Ҳазимат бўлди эрса Рум шоҳи,
Хабар англади Ҳиндустон сипоҳи.
Тўлуб ҳинду черики кўкка ерга,
Тузуб бу гунбади хазрода нирга (14^а).

Тикилди обнусдин нарди айни,
Фалак тосинда рӯзи каъбатайни⁴⁴.

Ал-навъи содис фил-баёнит-таржеъ⁴⁵. Таржеъ ул бўлурким, шеъре айтурлар. банд-банд барчаси бир баҳрда, ҳар банднинг ози беш

⁴² Давоми. Боши ўтган сонда.

⁴³ Бароати истеҳлол тарзида ёзилган ва тонг отиши тасвирига бағишланган ушбу байт ҳам Ҳайдар Хоразмийнинг «Гул ва Наврӯз» дostonидан келтирилган бўлиши керак. Лекин дostonнинг мавжуд нашрларида бу байт учрамайди.

⁴⁴ Ушбу байтлар маснавийнинг гўзал намунаси бўлиб, Шайх Аҳмаднинг замондоши Қутбиддин Саройининг номи ёки дostonидан келтирилган. Лекин Қутбиддин Саройининг бу асарлари бизгача етиб келмаган.

⁴⁵ «Ал-навъи содис фил-баёнит-таржеъ» — «Олтинчи тур — таржеъ баёнида».

байт бўлур ва кўпи тўққуз байт ва ҳар бирининг охирида бир ўзга байтни такрор қилурлар... Ул байтни таржеъ дерлар. Мисоли бу сифат:

Эй лаъл, кўнгул экинға марҳам,
Афгор кўнгулни айла хуррам.
Хўблар аросинда ғамза бирла
Жон олмоқ эрур санга мусаллам.
Мафтуну хижил бўлуб эгилди
Қошингни кўруб ҳилоли байрам.
Жон таркини қилмоғунча ушшоқ
Бўлмас ҳараминг ичинда маҳрам.
Таҳқиқ биллингки, мангу ёшор
Умринда ҳузур бирла бир дам.
**Май ичса киши нигор бирла,
Айш этса мудом ёр бирла.**

Ва таржеъ беш қисм бўлур. Аввалғи қисми ул бўлурким, ҳар банднинг қофияси ўзга тариқа бўлур. Ва ҳар бандким тамом бўлса, охирида бир байтни такрор қилурлар, нечукким мисолни кўргуздук. Мисоли дигар. Қутб уш-шуаро Шайх Саъдий айтур (14^а):

Эй, сарви баланди қомати дўст,
Ваҳ-ваҳ, ки шамолият чи некўст.
Дар пойи латофати ту мерод
Ҳар сарв, ки дар канораи жўст.
Он хирмани гул на гул, ки боғаст,
Не боғи Ирам, ки боғи минуст.
Хуни дили ошиқон-и мискин
Дар гардани дидаи балоҷўст.
Дар халқаи савлажони зулфаш
Бемора дилам фитода чун кўст.
Бисёр маломатам бикарданд,
К-андар пайи ў марав, ки бадхўст.
Эй, сахти дилони масти паймон,
Ин шарти вафо бувад, ки бедўст.
**Биншинаму сабр пеш гирам.
Дунболаи кори хеш гирам.**

Дар аҳди, ту, эй, нигори дилбанд,
Бас аҳде, ки бишкананду сўганд.
Дигар наравад ба ҳеч матлуб
Хотир, ки гирифт бо ту пайванд.
Аз пеши ту роҳ рафтаи нест,
Ҳам чун магас аз баробари қанд.
Ишқ омаду расми ақл бардошт,
Шавқ омаду беҳи сабр барканд.
Бо дасти насиҳати рафиқон
В-андуҳи фироқи кўҳи Алванд.
Чун мурғ баройи дона дар дом,
Чун карг ба бўйи дунба дар банд (15^а).
Уфтодаму маслаҳат чунин буд,
Бо тўни чу мардуми хирадманд.
**Биншинаму сабр пеш гирам,
Дунболаи кори хеш гирам.**

Ва таржеънинг салосати ва латофати андадурким, банднинг охир байтига мавқуф бўлса⁴⁶. Ва Хожа Камол Хўжандий бу таржеъбандга жавоб айтиб, ул ҳам банднинг охирин таржеъ байтига мавқуф қилиб-тур. Бағоят хўб тушубтур ва анинг банди битисак, мутаввал бўлгай деб, таржеъин битидук:

Биншинаму тавбу пеш гирам,
Тарк аз баду нек хуш гирам.

Қутб ус-солиқин Мавлоно Жалолиддин Румийнинг таржеъидур:

Ки ба жуз хок нест мазҳари кул (л),
Хок шав, хок то барўяд гул.

Манба ул-латойиф ва мазҳар ул-фасоҳат Хожунинг таржеъидур:

Ки жаҳон сурат аст, маъни дўст,
В-ар ба маъни назар куни, ҳама ўст.

Матлаъ ул-маони Шайх Носирнинг таржеъидур:

Ки жаҳон партавист аз рухи дўст,
Жумлаи коннот сояи ўст.

Ва маъдан ул-балоғат Шайх Салмон айтур:

Ман домани он нигор гирам,
Дар ҳар ду жаҳон канор гирам (15⁶).

Аблағ ул-фазойил Шайх Хусрав айтур:

Бархезаму дасти ёр гирам,
Бе ёр чаро қарор гирам.

Ва маскан ул-ақл Шайх Ироқий айтур:

Дар майкада мекашам сабўе,
Бошад, ки биёбам аз ту бўе.

Иккинчи қисми улким, барча бандни бир қофияда айтурлар ва таржеъ байтини такрор қилмаслар. Ҳар банднинг охиринда бир ўзга байт келтурурлар. Ҳар бири алоҳида қофия бирла. Мисоли Бу Сиёқа⁴⁷ айтур:

Эй парихў, малаксияр одам,
Хусн боғи сенинг била хуррам.
Ишқ асоси агарчи суст эди,
Даври ҳуснунгда бўлди бас маҳкам.
Қилди дунёни лабларинг маъмур,
Урди оламни кўзларинг барҳам.
Ҳар жароҳатки, қилса ғамзанг ўқи,
Лабларинг ёки ангадур марҳам.
Қилди қошинг хижил янги ойни,

⁴⁶ Мавқуф бўлмоқ — боғлиқ бўлмоқ, тегишли бўлмоқ, вобаста.

⁴⁷ Бу Сиёқа — Шайх Аҳмадга замондош ўзбек шоири. Ундан келтирилган шеърий парчадан кўринадики, Бу Сиёқа шеърнинг таржеъбанд тури бўйича маҳорага юксак шоир бўлган.

Ул сабабтин кўрунур элга кам.
Хурсен ё малакмусен ё жон?
Хуснунга бўлди инсу жон ҳайрон.

Уртанур олам иштиёқингдин,—
Оҳим ўқи фалакка урса алам.
Роҳатидур кўнгулга, жонга даво,
Тегса лаълинг ғамида ранжу алам (16^а).
Хўблардин вафо ажаб кўрунур,
Йўқ ажаб, сендин эмди жавру ситам.
Хаста қилди кўнгулни лаълинг, ҳеч
Сўрмади хаста ҳолини бир дам.
Топди лаълинг насимидин бўе,
Бўлди жонбахш Исийи Марям.
Эй лабинг қанд, кўзларинг бодом,
Кўрса юзунгни, жон топар ором.

Мисоли дигар: Муаллифи аср ва мусаннифи даҳр Насир Адиб
айтур — луғз тариқинда:

Чист он лўъбати сипехросор,
Тира-ву ҳам чу кавкаби сайёр?
Дар даванда дар об чун моҳи,
Баржаҳанда чу юз* дар кўҳсор.
Хокро ҳамчу сурма суда кунад,
Чун барангезад аз замона ғубор.
Ҳаст беҳтар зи чарх аз он бошад,
Чархро як ҳилолу ўро чор.
Оташин пой ҳасту оҳани жой,
З-он барорад зи санг сахра-у мор.
Гуфтам:— Эй боди сайр, абр мисол,
В-эй мужаррад ситаму найл ҳилол.

Нест жуз асби паҳлавони замин,
Он, ки дорад зи чархи ҳафтум ор.
Боз пурсид:— Қ-эй, Насири Адиб,
Чист он барқи наъли оташбор?
Суръати ў ба халқ дода сукун,
Жунбуши ў ба мулк дода қарор (16^б).
Уқтул ул-мушрикин зи хомаи сунъ,
Ҳаст ба рўйи ангошта жаббор.
Чун берун ояд ў зи сирқи ниём,
Гардад аз вай жаҳон пур аз анвор.
Гуфтам ин оташи жаҳонафрўз,
В-ин чунин шуълаи муҳолифсўз.

Нест жуз тиги паҳлавон офоқ,
Он жаҳон зийнати замона ясор*.

Учинчи қисми улким, барча банди бир қофияда келур. Мисоли
бу услуб:

Ой юзунга қамар эрур ҳайрон,
Қилди ҳуснунг қуёшни саргардон.

* Юз — дарранда.

* Ясор — чап.

Гарчи ўлмас иши эрур душвор,
Кўзларинг қилди барчаға осон.
Қилди кўзум лабинг хаёлинда
Лаълу маржонни элга, бас, арзон.
Топмади ялғуз офтоб завол,
Топти ҳуснунгдин ой ҳам нуқсон.
Нотавон кўрмасун мени ғамзанг,
Қилмасун қасди ғорати имон.
Чун эмин бўлурки, шоҳи жаҳон
Тиғ уруб, дин очар, қилур эҳсон.

Шаҳриёри замона, фаҳри мулк
Соҳиби миннат, чарху чор аркон.
Шоҳи одил, Улугбек — улким эрур,
Додхоҳ эшикинда Нўширвон.
Подшоҳики, хидматинда камар
Боғлади Рою Қайсару хоқон (17^а).
Шаҳриёрики, доду адли била
Адлидин ер юзи эрур яксон.
Қон бўлур чарх бағри саҳминдин —
Разм ҳолинда олса эл (ал)га камон.
Хусраво, ногоҳ олса ал (ал)га синон,
Эл (ал)га заррин сипар тутар Кайвон.

Мисоли дигар. Маъдан ул-латойиф Хожа Камол Хўжандий⁴⁸ ай-
тур:

Эй зоти ту бо зуҳури олам
Чун хилқати Мустафо ва Одам.
Бар лавҳи вужуди нуқтаи саҳв
Афтода мавохиру муқаддам.
Дар фотиҳа ҳуруфи номат
Мактуби хосу исми аъзам.
Эъломи малак туро мусаххар,
Ақлому дил туро мусаллам.
Бар гўшан қасри ту ҳимоми*
Хонд ин ғазалу баҳо тараннум.
К-эй хаста дилам ба новаки ғам
Баржаста дилони хеш ар ҳам.

Аз турраи ту ба рўйҳо чин,
В-аз обрўйи ту ба пуштаҳо ҳам.
Ошuftаги, ки зи зулфи ту беш,
Коми дилам аз даҳони ту кам.
Карда қаламат чу тиғ дар фатҳ,
Бо касри муҳолифат туро зам.
Дар жону дил адуви ноқис
Ғамҳойи мазбиф аст мудғам (17^б).

⁴⁸ Шайх Аҳмад бу асариди турли шеър турлари, санъатлар бўйича форс-тожик шоирлари, хусусан Камол Хўжандий (тахминан 1318—1321 йилларда туғилган, 1390—1405 йиллар орасида Табризда вафот этган) шеърларидан жуда кўп мисоллар келтирган. Камол Хўжандий унинг энг яхши кўрган шоири, дейиш ҳам мумкин. Бу ўринда Шайх Аҳмад унинг номини мумкин қадар тўла, «Хожа Камол Хўжандий» деб атаган ва уни «маъдан ул-латойиф» («маъданларнинг энг латифи») деб таърифлаган. Шу билан бирга, бу даврда Камол Хўжандий шеърлари Мовароуннаҳрда ҳам ниҳоятда кенг тарқалган ва севиб ўқилган бўлиши керак.

* Ҳимом — кабутар.

**Бо айна атост айна жисм,
Чун чашмаи мим паҳлуи ям.
В-эй бо карами ту хуши лаб ям,
В-аз баҳри кафат ғумомро ғам.**

Тўртинчи қисми улким, ҳар банди алоҳида қофия бирга келур ва таржеъ байтлари барча бир қофияда келур, нетокким таржеъ байтларини жамъ этса, бир банд бўлар ва таржеъ байтларининг аввалғи мисраида қофия бўлмас,— магар аввалғи байтта. Мисоли бу минвол айтур:

Эй кўзлари айн, офати жон,
Хусн элида сенсен энди султон.
Ҳайвон эрур, одамий эмастур,—
Ким деса лабингни оби ҳайвон.
Ким сени париға қилса нисбат,
Таҳқиқ билинг, эмастур инсон.
Куйтурди ғаминг фалакнинг ойин,
Елғуз мен эмон юзунгга ҳайрон.
Вақт ўлдики айласанг тараҳҳум,
Эй орази рашки моҳи тобон.
**Жону кўнгул ўртади фироқинг,
Андозадин ошти иштиёқинг.**

Ганж ул руҳу, зулфунг аждаҳодур,
Ғамзанг била қошинг ўқи ёдур.
Ҳар кимки, юзунгни кўрди бир дам,
Ишқинг ғами бирла мубталодур.
Ғамзангки, тўкар қонимни бебок,
Лаълинг анга, билки, хунбаҳодур (18^а).
Ҳажрингки, қилур кўнгулни хаста,
Васлинг ҳаваси анга даводур.
Ҳар ерда қадамни қўйма зоеъ,
Изинг тузи кўзга тўтиёдур.
**Фурқатда ғубор тутти кўзни,
Қўй бу кўзум узра бир аёқинг.**

Мисоли дигар ҳам Хожа Камол айтур:

Дил бурдию жон равост инҳо,
Эй жони жаҳон, чиҳост инҳо?
Бандам зи ғамат жудо шуд аз банд;
Аз банду ситам жудост инҳо.
Ғуфтию ҳамат ҳазор дашном,
Дашном мағў — дуост инҳо.
Чашмат хушу хол хуш, хатат хуш,—
Аз жумла бутон кирост инҳо.
Дил сўйи ту рафту ақл гум шуд,
Ғар нест ба ту, кужост инҳо.
Дил рафту намонд ақлу тадбир,
Дилбар ба жафо накарду таъсир.
Ғар дарди ту аз ҳабиб бошад,
Дарди сарат аз табиб бошад
Моро чи ғариби шаҳр хони,
Ошиқ ҳама жо ғариб бошад.
Оҳам машинав, ки гул паришон
В-аз нолаи андалиб бошад.

Гўяд ба ту ёр бошам аз дур,
Гўянд, ки анқариб бошад (18^о).
Аз мавъизан фақиҳи воиз,
Ошиқ ҳама бенасиб бошад.
Бо дўст ба гўши хуш Мажнун
Панди падару насихати пир.

Чашми ту кард хоб бисёр,
Лаб дод ба ў шароб бисёр.
Он ғамза, ки маст аз ин шароб аст,
Хўрд аз дигаре кабоб бисёр.
Ҳаргиз нашавад ду чашми ту сер,
Аз нози пуру итоб бисёр.
Беишқ фақиҳро чи суд аст,
Бо дониш кам, китоб бисёр.
Гар куштани ошиқон савоб аст,
Ту ёфтаи савоб бисёр,
Тадбири қатили ишқи тират,
Боз о, ки ба дасти туст тадбир.

Ва бу таржеъ тўққуз банддур. Ҳар банди тўққуз байт. Аммо биз малолат ихтирозидин иктисорни ихтиёр қилдуқ. Ва мунинг банди муқаррар эрмас. Ихтиёр шоиргадур. Вале уч банддин ўксук яхши келмас.

Ва бешинчи қисми улким, ҳар банднинг қофияси бир тариқа бўлур ва таржеъ байтлари тақи ҳар бири алоҳида қофия бирла келур ва муқаррар қилмаслар. Ва бу қисмда марсия ва мадҳ айтурлар. Мисоли бу қабил:

Эйки, ақлинг ҳайбатидин тутти олам интизом,
Зоти покинг бирла тахту тож топти эҳтиром (19^а).
Кеча-кундуз хизмат учун эшикинг ястонғучи
Анбару кофур отлиғ икки қулдур субҳу шом.
Нотамом эрди жаҳонда подшолиқ ойини;
Сенки пайдо бўлдунг очунда, бу иш бўлди тамом.
Абр саққоедур, эшикингда доим сув сепар;
Бод фаррошедур — эшикинг супурар бардавом.
Мажлисингда соғаредур офтоби Зардўш;
Маҳфилингда шишаедур гунбади ферўзафом.
Ҳазратингдаги тобуқчидурки, сақлар тахтин;
Хидматингда Жам аёқчидурким, асрор элда жом.
Хисрави иқлимгиру шаҳриёри тожбахш;
Подшоҳиким, анинг давринда топти дин низом.
Сарвару марди салотин, меҳтари шоҳи жаҳон;
Мафхари дунёву дин Султон Улуғбек Кўрагон.

Мулқдориким, они ўз соясидин зул-минан
Қилди пайдо-ву жаҳонни этти адлидин чаман.
Хусравиким, мажлисининг шамъидур бу офтоб;
Ложувардий чарх эрур шамъиға бир чархи лаган.
Ичса адли жомидин нахчир бўлур шергир;
Тарбият қилса, яримтуқ пашша бўлур пилтан.
Ҳар сўзи эрур хирад дуржинда бир дурр-и самин,—
Ким эрур бир сўзига юз минг гуҳар бори суман.
Гард ичиндин чиқмағай,— бу ашқар-и гардун агар —
Жумладин бўлса камити иш кунинда ком-и зан.
Ғайратидин гурз олиб, майдонда қилса наърае,

Эригай мунунг агар пўлод бўлса Таҳмтан.
Роятин то интизоми мулк учун қилди баланд,
Паст бўлди, ер юзинда қолмади, шўру фитан (19^о).
Эй шаҳаншоҳики, адлингдин қилурлар ифтихор,
Инсу жину мурғу моҳию вуҳушу мўру мор⁴⁹.

Мисоли дигар. Хожа Муҳаммад Асир айтур Хожа Асомиддиннинг марсиясинда:

Зулматободи тани мардум зи нури жон чи дид?
Мардуми чашм аз сафойи гавҳари инсон чи дид?
Ақл к-аз лавҳи вужуд асрори ҳақ маҳфуз дошт,
Ғайри ҳарфи нести дар дафтари имкон чи дид?
Жуз харобийи бинойи хуррамободи ҳаёт,
Дил ба умри хеш аз маъмурийи аркон чи дид?
Жон, ки аз ҳар рўйи дар роҳи вафо сар мениҳод,
Жуз сияҳрўзи зи шоми фурқати жонон чи дид?
Рафт оби рўйи мардум, бас чи гўям к-аз сиришк
Бежамоли нурбахши дидаи аъён чи дид?
Исмату давлат Асоми миллату дин бў сафо;
Он, ки бурди руҳи қудс аз гавҳари покаш сафо.

Дарди дил аз ҳад гузашт, он мояи дармон кужост?
Рафт кори тан зи даст, осори файзи жон кужост?
Боргоҳ орастаасту аҳли хидмат сафзада,
Нест дар садри сарири салтанат султон кужост?
Чун бирафт аз пеши чашм он нури чашми мардуми;
Чашми мардумро назар кардан дигар имкон кужост.
Аҳли дил чун ашри мусҳаф дар ҳавоаш мондаанд,
Насх шуд ҳукми карам, он ояти эҳсон кужост?
Дасту пойи мезанам к-ин ғуссаро поён барам,
Не ғалат к-ин вартаи хунхорро поён кужост? (20^а).
Осмони илму ҳикмат, матлаи субҳи яқин,
Соия лутфи илоҳий, офтоби мулку дин.

Ал-навъул-собеъ фил-баёнул-мусаммат⁵⁰.

Мусаммат беш турлук бўлур: мусаммати мураббаъ, мусаммати мусамман, мусаммати мусаддас, мусаммати муҳаммад, мусаммати муашшар.

Аммо мусаммати мураббаъ анингтеқ бўлурким, шеърни тўрт қисм қилурлар. Уч қисмнинг охирида сажъ риоят қилибтур. Тўртинчи қисмда қофия келтур (ур)лар. Мисоли бу:

Эй орази рашк-и қамар, зулфунг ғамида ҳар саҳар
Чину Хўтанда мушк-и тар ошуфта-у шайдо бўлур.
Ҳар лаҳза, эй моҳ-и Хўтан, бўлсанг хиромон дар чаман,
Фарёду нолиш юз туман ҳар гўшадин пайдо бўлур.

⁴⁹ Таржеъбанд шаклида ёзилган ушбу қасида Улугбекни мадҳ этишга бағишланган бўлиб, унинг муаллифи айtilмаган. Бизнинг тахминимизча, бу шеърнинг муаллифи ҳам Шайх Аҳмад Тарозийнинг ўзи бўлиб, бадийий жиҳатдан улуг шоир Саккокий қасидалари даражасида ва уларнинг таъсирида яратилган.

⁵⁰ «Ал-навъ ул-собеъ фил-баён ул-мусаммат» — «Еттинчи тур — мусаммат баёнида».

Мисоли дигар. Малик уш-шуаро Шайх Саъдий Шерозий айтур:

То нақш мебандад фалак, касро надодаст ин намак,
Хуре, надонам, ё малак, фарзанди одам ё пари.
З-абруйи зангори камон к-аз бурда дорийи аён,
Ноқус бошад дар жаҳон дигар на бояд Муштари.

Мисоли дигар. Салис ул-иборат Мавлоно Хоқоний айтур:

Хуршиди рахшон аст з-он зарду дил ларзон аст май,
Жавжав ҳама жон аст май, феълаш ба ҳарвор омада.
Дар соғари он саҳбо дар кишти он дарё нигар,
Бар хушку тар саҳро нигар, кишти ба рафтор омада.
Май офтоби зарфишон, жоми билураш осмон,
Машриқ кафи соқияш дон, Мағриб лаби ёр омада (20^о).

Мусаммати мухаммас беш мисраъ бўлур. Тўрт мисранинг охи-
ринда сабъ қилиб*, бешинчи мисрада асл қофияга ружуъ қилурлар.
Мисоли бу навъ эрур:

Ғамзанг ўқина қилди сипар ҳуру пари жон;
Кўк аҳли бўлур кўрса қошинг ёсини қурбон,
Лаълинг ғамида кўздин оқар шому саҳар қон,
Бу жавру жафоким, қиладур жонима ҳижрон,
Улмак бу тирикликдин ўлубтур манга осон.

Пайваста жамолингдин эрур субҳ мунаввар,
Зулфунгдин эрур мутгасил ул шоми муаттар,
Лаълинг(ни) кўруб шаҳд хижил бўлдию шаккар,
Юзунгда қаро кўзларинг, эй жон манга мункар,
Ганж устида ким бўлса, ики маснаду нигаҳбон.

Мисоли дигар. Муншиюл-маони Носир Бухорий айтур:

Эй орази ту оина-и сунъи илоҳий,
Асрори ту чун ҳусн-и рухат номутаноҳий,
Дар сояи зулфат шудам эмин заду оҳи,
Ҳар жо, ки занад чеҳраи ту ҳайма-и шоҳий,
Абруйи ту пайваста бувад маснад-и ҳожиб (21^о).

Рафтию фироқи рухи ту мешиканад дил,
Гар хун нашавад аз ғами рўят, чи кунад дил?
Бе ёди лаби ту нафасе хуш назанад дил,
Бо меҳр агар нисбати рўйи ту канад дил,
Жон наъра барорад, ки мағу номутаносиб.

Мисоли дигар. Саҳбони Соний Али Ҳаким Тирмизий айтур:

Омад баҳору гашт чу хулди барин чаман;
Бикушод бод парда зи рухсори ёсуман,
Сад пора кард ҳам зи ҳаво ғунча сари ман,
Булбул даромад аз дари ҳар шох дар сухан,
К-имрўз рўзи бода-у гулзору ишрат аст.

* Сабъ қилиб — ранг бериб, безаб.

Овард ба як боди баҳори паёми гул,
К-омад ба жилва шоҳиду раъно хироми гул,
Булбул бихонад хутбаи хўби ба номи гул,
Қумри навохт навбати хўби паёми гул,
Май хўр ба бонги чанг, ки ин айни ҳикмат аст.

Мусаммати мусаддас ул бўлурким, беш мисрада сажъ сақлаб,
олтинчи мисрада қофия аслига янорлар:

Кўнгул ҳажрингдин, эй сарви хиромон,
Чекар ранжу машаққат юз минг алвон,
Кўзунг ғорат қилур ҳар лаҳза имон,
Қошингдин масжиду меҳроб вайрон (21⁶),
Эрур олам сенинг ҳуснунгга ҳайрон,
Чу сен-сен хўблар мулкинда султон.
Жаҳонки токи пайдо қилди маъбуд,
Сенингек бўлмади ҳусн ичра мавжуд,
Юзунг гул, холу зулфунг анбару уд,
Вафо расми сенинг даврингда нобуд,
Агар зоҳидка жаннат бўлса мақсуд,
Манга сенеиз эрур фирдавс зиндон.

Мисоли дигар. Балоғат дисор Хожа Исмаи Бухорий айтур:

Хусарони мунтазиру бе сару пойи,
Биншаста ба дари пардасаройи.
Ҳам чу хуршид зи хиргаҳи ба дар ойи,
Рух ба арбоби иродат бинамойи,
Зулф чун чатри сияҳ боз кушойи,
Эй бад-ин қоидаи султон касе.

Мисоли дигар. Хожа Маҳмуд Форсий айтур:

Қофилаи шаб гузашту субҳ баромад тамом,
Бода шуд акнун ҳалол, хоб шуд акнун ҳаром,
Қиса бадал шуд ба коси, жома бадал шуд ба жом,
Хуштар аз ин рўзгор ку-у кужо-у кадом?
Аз қадаҳи мушкбўй бода биёри, ғуллом,
В-аз лаби ёқутранг бўса бидеҳ, эй писар (22^а).

Мусаммати мусамман анингтеқ бўлурким, шеърни саккиз қисм
қилурлар. Етти қисми мусаббаъ қилиб, саккизинчи қисмда асл қо-
фияга келурлар. Мисоли бу шакл:

Чу қилдинг ихтиёри ишқ, эй дил,
Кўзунг оч, кел ўзунгга, бўлма ғофил.
Падид эрмас чу бу дарёга соҳил,
Ўзунгсен аввало ўзунгга ҳойил,
Эрур бу ишқ иши бисёр мушкил,
Ки тарки жон эрур аввалги манзил,
Аларким қилдилар мақсуд ҳосил,
Қадам ўрнига аввал қўдилар бош.

Кишига бўлди ошиқлиғ мусаллам,
Ки тутса кўнглини ғам бирла хуррам,
Манга жавру жафодин йўқтурур ғам,
Жафо-у жавр эрур дардиға марҳам,

Нечаким сақладим розимни маҳкам,
Ва лекин билди сиррим халқи олам,
Кишига очмадим оғзимни бир дам,
Билурмен, қилди бу кўзум ёши фoш.

Мисоли дигар. Хожа Маҳмуд Форсий айтур:

Хуш бувад бо дилситони лабшакар, pistaдаҳоне,
Рост чун сарви равони дар миёни бўстоне (22^o),
Қарда аз олам гарони, ёфта аз гам амоне,
Шод бинишаста замони, эмин аз макри замоне.
Гул чу рўйи ёр мавзун омада аз ғунча берун;
Шуд зи акси хоки гулгун, хора шуд пур даққу иксун*.

Ҳайҳот, ки дар давр-и қамар занг барорад оинаи хуршид,
Ин дам, ки барорам зи дил-и сўхта ёр аз ин воқеа оҳи.
Занжири сари зулфи туро бо ҳама хуби сунбул натавон

гуфт,
Ҳаргиз накунад субҳи хирад мушки хиторо нисбати гиёҳи.
Дар доираи хуш писарон боз ба сад сол ҳуққо, ки наёрад,
Дар даври қамар мо дар айёми нигоро монанди ту моҳи.
Аз ҳоли паришонни камолат хабаре нест, эй дўст, чи тадбир,
Қас нест, ки тақрир кунад ҳоли гадоро дар ҳазрати шоҳи.

Мисоли дигар. Мавлоно Шамс Қисорий айтур:

Мискин бу гадо ҳолини ул шоҳи Ажамға йўқ айғучи ҳоли,
Бош бирла келур дам-бадам эмди қадамға, узди висоли.
Сунбулни тутар гул юзи ҳар лаҳза паришон ошиқни
мушавваш,
Тутмоқ учун ашк бу қаро кўзли санамға тутмасму вуболи.

Ва баъзилар байтдин сўнгра ҳам мустазод қилибтурлар. Мисоле
Подшоҳ Али Дарвеш айтур:

Эй рўйи ту офтоб, эй шўх чу муғ,
Дар дасти чунин шави дариг аст дариг.
Чун ту гавҳаре.
Бо ин ҳама ҳусни лутфи қадри ту бидон,
Мулкист ба даст омада бе заҳмати тиг,
Соғари жавҳари.

Ва бу бадиҳада воқеъ бўлубтур. Андоқ эрдиким, бир кун заифа
абушқаси бирла урушиб келдилар. Заифа беҳад хўб эрди. Ва абуш-
қаси бағоят зишт. Подшоҳ Али Дарвеш филҳол бу рубоий буюрди.

Мисоли дигар. Лутфий айтур:

Эй кошки, мен бўлсам эди пираҳанида бир тори заифи,—
То васли тани бўлса эди манга муяссар бир пираҳан ичра.

Ал-нав ут-госеъ фил баёни ул-мутатаввил⁵¹.

Мутатаввил ул бўлурким, ҳеч баҳр секкиз жузвдан ортуқ бўлмас.
Шоир такаллуф қилиб, бу баҳрларда бирисин ихтиёр этиб, ҳар мисра-

* Дақ ва иксун — тўқилган нарсалар, кийимликлар.

⁵¹ «Ал-навъ ул-госеъ фил-баёни ул-мутатаввал» — «Саккизинчи тур — мутатаввал (узун, чўзилган, узунлаштирилган шеър тури) баёнида».

ни ўн жузв қилурлар. Ё йигирма жузв ҳадду ҳудуди юз жузв бўлур. Андин ортиқ бўлса, лутфи қолмас ва мунинг салосати андадурким, мусажаъ бўлса. Мисоли бу қиёс — мисраъ:

Субҳидам уйқудин уйғондиму бир ёри мувофиқ била бўстон сори бордимки, даме бодаи гулранг ичоли ва кечоли бу жаҳондинким, эрур асру ситамкору дилозору сияҳ коса ва хунрези ғамангизким, ул ҳолда булбул қилибон нола-у гулгун, тақи бир шохда қумри бўлубон муқри, ўқур эрдилар овоз қилиб соз, бири-бирига муқобил очибон тил, тақи бўстон ичида ранг-баранг гуллар очилиб (23⁶), қилибон «жи маъийни»⁵² нўш, уруб жўш, яна сару сарафрозун сарандоз бўлуб, саҳи тутуб, жумла раёҳин била; ал-қисса чаман жаннати фирдавс бикин дилкаш ва бисёр хуш эрдикки, баногоҳ кўрарменки, чаман ўртасинда сарви равонеки, гуландом ва дилором ва пари пайкар ва маҳи манзар эрур, орази гул, кокили сунбул, бўйи шамшод ва яна ғамзаси жаллоду баса шўху ситамгар, кўзи кофур, ўзи бисёр диловоз ва шакаррез; юруб ўтру салом этгим ва дедимким:— «Эй гулчеҳраи маҳи пайкар, хуршиджабин, ҳурмусен ё гули фирдавс? Бу боғ ичра нетиб турарсен? Аюр:

— Мен сухани туркий намедонам. Агар порсий пурси, ба ту гўям жавобе, ки:— Ҳама аҳли фасоҳат биписандад».

Ва бу мисра тўқсон жузвдур ва интиҳоси юз жузв. Иккинчи мисраи бу турур:

— Чун бу сўз андин эшиттим, зарур ўлди манга порсий сўз бирла анинг ҳолини сўрмоқ. Дедим:— Эй моҳваш, лоларух, сарвқаду сиймбар, лаъл лабу мушк хат, ғолия кокул, ту бад-ин шаклу бад-ин шева-у рафтор ва бад-ин ҳусну латофат зи кужойи? Зи кадом эли? Ва аз насли кийи? Номи ту дар луғат чи гўянд? Ту фарзанди бани одами ё ҳури — надонам. Пари ё малаки? Баҳри худо, рост бигў! Аз сари лутфи ин чи тариқ аст? Ва чи расм аст ва чи шева аст? Ва чи хўяст дар ин манзили хуррам? Ба чи? Ва чи омада? Гуфт ки:— «Ман форсий билмен. Манга сен туркий айтсанг. Тақи (24^a) рағбат била». Гар тиласанг, айтай санга:— Аҳволим анингдекки, сенга барчаси маълум бўлуб, қиссани билгайсен.— Айтойим ким:— «Оё», фитнаи олам, мени сен тенгри учун қилиб паришон дил ва ошуфта. Ойтилки, не дерлар сени? Отинг недур?»

Айтурки:— Оё хом! Агар ишқда содиқ йўқ эсанг, қилма шу даъвоники, ушшоқ ичинда айтоятиб отингни, ёмонлик била машхур машав,— з-он, ки ба сари вақти ту маҳбуби худаш омада бошад. Ту аз ў гофил ва машғул ба худ гашта ва тарсам, ки ҳама халқ бар аҳволи шанёи-и ту бихандад».

Мисоли дигар. Асадий айтур:

Эй биродар, нарав андар пайи нафс ва як шарии бадомўз, жафокори навандўзи худоро.

Ҳамчу мардони диловар бикан аз бех дарахти ҳасад ва бидъату зулми ситам ва озу ҳаворо».

Ал-навъ ул-оширу-дил-баён ил-фард⁵³.

Фард икки мисраъ бўлур. Аввалги мисраида қофия бўлмас. Мисоли бу масал:

Бордур уммидимки, саъд этгайлар эмди толеъим,
Баски, ялқитти фалак аҳлини афғоним менинг.

⁵² «Жи маъийни» — (арабча), «мен билан бирга».

⁵³ «Ал-навъ ул-оширу-фи-баён ил-фард» — «Учинчи тур — фард баёнида». Бу ўринда муаллиф ёки котиб айби билан шеърнинг тўққизинчи тури изоҳланмасдан, саккизинчи турдан сўнг ўчинчи тур — фард изоҳига ўтиб кетилган. Бу шеър турлари таърифига бағишланган биринчи бобнинг бошида уқтирилишича, тўққизинчи тур мустақод таърифидан иборат бўлиши керак эди.

Мисоли дигар. Манбаъ ул-балоғат Заҳир Фаробий айтур:

Жуз зулфу турраи ту надидам, ки ҳеч кас
Хуршедро аз сони шаб соябон деҳад.

Мисоли дигар. Мазҳар ул-фасоҳат Камол Исфаҳоний айтур:

Даҳанат яксари мўйасту ба ҳангоми сухан
Асари мўйи шикофи ту дар вай пайдост.

Мисоли дигар. Маскан ул-зарофат Хожа Камол Хўжандий айтур:

Мушкили мо даҳани туст, ки ҳаст он ё нест,
Жуз ба мантиқи лаби ту ҳал накунад мушкили мо.

Мисоли дигар. Матла ут-тойиф Салмон Соважий айтур:

Сабо аз чини зулфат жое ба доман мебарад ҳар сў,
Намедонам, ки аз зулфат сабо чун мебарад жонро.

Мисоли дигар. Мажма ул-малоҳат Жалол Самарқандий айтур:

Дорам имшаб гарме дар сар, ки биншинам зи пой,
То саропойи вужуди худ на сўзонам чу шамъ.

Мисоли дигар. Маъдан ул-илм Хожуи Қирмоний айтур:

Ҳавойи кўйи ту дар дил муқим хоҳам дошт:
Ва-гар беҳишт бар ним мақом хоҳад буд.

Мисоли дигар. Мавзу ул-ишқ Хожа Ҳофиз Шерозий айтур:

Мақун дар ин чаманам сарзаниш ба худрўйе,
Чунон, ки парваришам медиҳанд, меравим.

Мисоли дигар. Манба ул-шуаро Хусрав Деҳлавий айтур:

Дуойи умр кунандам, вале қабул мабод;
Меро чу зинда намехоҳад он, ки жони ман аст.

Мисоли дигар. Маскан ут-табъ Низомий Ироқий айтур (25^а):

Мебахши, зи рўзгор набошад таматтуи,
Онро, ки мубғалойи бути дилнавоз нест.

Мисоли дигар. Мазҳар ул-илм Носир Бухорий айтур:

Бе ў танам аз лоғари чун ришта якто шуд аст,
Эй кошки, раҳ ёфти, ин ришта дар пироханаш.

Мисоли дигар. Матлаъ ул-фазл Имод Шерозий айтур:

Ҳар суфий, ки бода нанўшид бесафост;
Ҳар оқиле, ки ишқ наварзид, жоҳил аст.

Мисоли дигар. Мажмаъ ул-ақл Саккокий Сайроний айтур:

Сарв не ҳад бирла саркашлик қилур қаддинг била?
Билгурур майдон ичинда ҳар кишининг пояси.

Мисоли дигар. Маъдан ул-латойиф Лутфийи Шоший айтур:

Қўрди кўрумчи юзида зулфу қулоқи донасин,
Зухра-у Ой аро,— деди,— ушбу неча қирон эрур.

Мисоли дигар ҳам Лутфийи Шоший айтур:

Мунажжим қошу кўзин кўруб айтур —
Ким ушбу ой бошинда фитналар бор.

Мисоли дигар мавзу из-зеҳн Хаёлий айтур:

Гуфта монёи дийдори ниқоб аст туро,
Ин гуноҳ аз тарафи туст...

МЕРОС

ШАЙХ АҲМАД ИБН ХУДОЙДОД ТАРОЗИИ

ФУНУН УЛ-БАЛОҒА⁵⁴(II) АЛ-ФАНН-УС-СОНИЙ ФИ-Л-ҚОФИЯ ВАР-РАДИФ⁵⁵ (25⁶)

Билтилким, мажмуи уламо ва фузало мазҳабинда аҳли табъга қофия илмин билмак муҳимдир. Зероки, табънинг натижаси шеърдур. Ва шеърнинг асли қофия. Ва қофиясиз шеър мумкин эрмас. Магар бир тариқа шеър бўлурким, они ҳарора дерлар, анда қофия бўлмас. Ва зурафо байтни хаймага нисбат қилибтурлар ва қофияни стунга. Яъни, стун бирла барпойдур. Ва қофия фанида уламо кўп ихтилоф қилибтурлар. Ва баъзи қарфи равийни ялғуз ва баъзи сўнгги мисрани тамом қофия санарлар ва баъзи байтнинг охир жузвин, нетокким баҳри тавилдин «мафоил»ни ва ражаздин «мустафъилун»ни ва рамалдин «фоилотун»ни. Ва лекин араб ва ажам уламосининг жумҳурининг ва Мавлоно Халилнинг⁵⁶ — раҳматиллоҳ алайҳи — иттифоқинда улдурким, сокиниким «қарфи равий»га ё «қарфи ридф»қа ёвуқтур, мо қаблунинг ҳаракати бирла охир қарфқача бир қофия тутарлар. Барчадин бу қавл ақводур.

Бас, қавл бирла қофия гоҳ бир калима бўлар. Гоҳ баъз* калима, гоҳ бир калима. Ва баъз ва гоҳ икки калима. Масалан, бир ғазалда парвар ва хокистардур ва сар ва дархур келди. Бир қофия парвар лафзидур. Ул бир калимадур. Ва бир қофия густар лафзидур. Ул баъз калимае, яъни хокистар лафзи тамом бир калимадур. Ва бу маҳалда равий «ро»дур. Ва анга ёвуқ сокин «син»дур. Ва «син»нинг мо қабли «қоф»тур. «Қоф»тин «ро»гача бир қофиядур. Ва яна бир (26^a) қофия «ди сар» лафзидур. Ул бир калима ва баъздур. Яъни, «ди» лафзи баъздур. Ва «сар» лафзи калимадур. Ва бир қофия дархур лафзидур. Ул икки калимадур. Бириси «дар» лафзидур ва бириси «хур» лафзидур.

«Ал-калимату лафзун вузиъа ли маънан мурадан» («Калима ягона бир маънога қурилган сўздир»). Ва буларнинг мисоли бу турур:

Пеша қилди шевае жавру ситам пайваста ёр,
(калима)

Гўйиё мундоғ кечадур иқтизойи рўзгор.
(калима ва баъз)

Ғояти тақрир этармен, йўқса бўлмасмен малул,
Заҳри қотил илкиндин (?) кўринур хушгувор.
(икки калима)

⁵⁴ Давоми. Боши ўтган сонда.

⁵⁵ «Ал-фанн-ус-соний фи-л-қофия вар-радиф» — «Иккинчи фан — қофия ва радиф хусусида».

⁵⁶ Мавлоно Халил — бу ўринда Шайх Аҳмад аруз фанининг асосчиси Халил ибн Аҳмад тўлиқ номи: Абу Абдураҳмон ал-Халил ибн Аҳмад ибн Амр ибн Таймир (718—792) кўзда тутмоқда. Халил ибн Аҳмаднинг аруз соҳасидаги илмий ишлари билан бир қаторда, араб тили грамматикаси, қофия назарияси бўйича яратган ишлари ҳам ғоят эътиборли бўлиб, қофия масаласида Шайх Аҳмаднинг унга суяниши бежиз эмас.

* Баъз — қисм. Сўзнинг бир бўлаги кўзда тутилади.

Бермади зўру шижоат бирла ганжи ишқ даст,
Саъй кўргузди нечаким Рустаму Исфандиёр
(баъз)

Мисоли дигари порсий. Хожа Қамоли Хўжандий айтур:

Бе ғамат шод мабод ин дили ғам парвар-и мо,
Ғам хўр, эй дил, ки ба жуз ғам набувад дар бар-и мо.
(икки калима).

Ғар ту дар мижмара-и ғам дил-и мо сўзони,
Ҳамчунон бўйи ту ёбанд зи хокистар-и мо.
(баъз калима).

Қиймати суҳбати мо дон, ки ҳамин дам бошад,
Ки барад ҳажри ту аз кўйи ту дард-и сар-и мо.
(калима ва баъз)

Мисоли дигар. Шеъри арабий айтур:

Яқулуна таҳлику асан ва таҳмил,
Алан-наҳри ҳатто бал дафъи маҳмил.

(Улимга олиб борилаётганинда қайғурмагин. Ҳатто дегинки: Асл мақсадим шу!)

Фасл. Араб уламосининг жумҳури қофияни беш қисм қилибтурлар. Аввал — мутавотир. Иккинчиси мутародиф. Учинчи — мутарокиб. Тўртинчи — мутадорик. Бешинчи (26^с) — мутаковис. Ва Ажам фузалосининг машҳури яна уч қисм зиёда қилибтурлар. Аввал — мутасови. Иккинчи — мутарожиҳ. Учинчи — мутазойид.

Мутавотир ани дерларким ул сокиниким, ҳарфи равийга ёвуқ. Андин сўнгра сабаби хафиф келур: фа вазнида. Ани⁵⁷ бир ҳаракат, бир сокин,— нетокким: ахтар ва анбар. Ё кавкаб ва мазҳаб бўлғай.

Мисол бу тариқа айтур:

Сўзидин рашк олур шаккар, юзидин ҳам чаман ва гул,
Кўзидин уфтонур наргис, субҳидин (?) тўлгонур сунбул.

Ва мунда бир қофияда «гул» лафзидур ва бир қофия «сунбул».
Мисоли дигар:

Соқий, май бирафрўз имшаб чароғи мажлис,
Хилват бисоз холи аз зоҳиди мушавваш.

Мутародиф ул бўлурким, ул сокиндин сўнгра сабаби мутавассит келур: фоа вазниға, ани — бир мутаҳаррик, икки сокин — нетокким мухтор ва ағёр ё таъбир ва тафсир бўлғай.

Мисоли бу турур:

Қамар бўлди юзунг давринда машҳур;
Қошингдан ҳам қамуғ меҳроби маъмур.

Мисоли дигар. Хоқоний айтур:

Мисли жоми порсоён ҳаст:
Лаб дар ёди мурғу бути тимор.

⁵⁷ Ани — (арабча) яъни.

Мутадорик анингтеқ бўлурким, ул сокиндин сўнгра мутаҳаррик бир сокин келур, **фаала** вазниға ани, ватади мажмуъ, нетокким: **мух-тасар** ва **муътабар** ё **мумтахан** ва **ёсуман** бўлғай. Мисоли бу турур:

Чу қаду ораз фикридин қилсам видои анжуман,
Қабримдин ўтгуси баса сарви сиҳи-ю настаран (27^а).

Мисоли дигар, Зариф уш-шуаро Хожа Камол айтур:

Чандон бигирям бар дари он бевафо шому саҳар,
Қ-аз оби чашмам оварад сарве аз он жон сар ба дар.

Мутасовий анингтеқ бўлурким, ул сокиндин сўнгра **ватади касрат** келур. Яъни, икки мутаҳаррик ва икки сокин **фаол** вазнида, нетокким **дилистон** ва **шуд ниҳон** бўлғай. Мисол:

Эй жамолингдин топибтур ҳусн ҳар дам эҳтиром,
Мубтало бўлди ғами ишқинг била ҳар хосу ом.

Мисоли дигар. Мавлоно Хоқоний айтур:

Эй пардаи муаззаму бонуйи рўзгор,
Эй пеши офтоби гарм абри соядор.

Мутарокиб ул бўлурким, ул сокиндин сўнгра уч мутаҳаррик, бир сокин келур: **фаалан** — вазниға. Яъни, фосила-и суғро, нетокким: **дил-бари ман** ва **сарв-и чаман** бўлғай. Мисоли бу:

Ёраб, эл ичинда эҳсону ато бўлди адам,
Ё магар ер юзида қолмоди ҳеч аҳли карам.

Мисоли дигар. Хожа Камол Хўжандий айтур:

Хоки пойи ту аз он рўз, ки омад ба назар,
Дийдаҳо миннати сурма накашиданд дигар.

Мутарожиҳ ул бўлурким, ул сокиндин сўнгра уч мутаҳаррик, икки сокин келур: **фаулоту** вазниға, нетокким, **нақши жаҳон** ва **боригарон** бўлғай. Мисоли бу турур (27^б):

Ол энгин босса енги бирла ўшул жавҳари жон,
Кўзларим шул дам этар ер юзини лоласитон.

Мисоли дигар. Хожа Камол Хўжандий айтур:

Мо харидем, агар фурушад дўст,
Ним нозе ба сад ҳазор ниёз.

Мутаковис анингтеқ бўлурким, ул сокиндин сўнгра **тўрт мутаҳаррик**, бир сокин келур: **фаалатун** вазнида, нетокким: **гул шакари ман** ва **бар жигари ман** бўлғай.

Мисоли бу турур:

Нисбат эмас тишинга гавҳари **Адан**;
Ҳеч ўқшамас юзунга ҳам **гули чаман**.

Мисоли дигар. Мавлоно Ироқий айтур:

Доғе ниҳад ҳусни ту бар руҳи қамар:
Оташ занад лаъли ту дар дили шакар.

Мутазойид улдурким, ул сокинди сўнгра тўрт мутаҳаррик, икки сокин келур: фаалатон вазнида, нетокким: Эй шаҳи жаҳон ва бар дили касон бўлғай.

Мисоли бу турур:

Пинҳон тутар розинги, бу дили ҳазин,
Сақлар они пайваста чун дури самин.

Мисоли дигар. Маҳмуд Форсий айтур:

Бо ин қаду рафтор, эй шаҳи жаҳон,
Жо кардан чу рух дар дили касон.

Фасл. Ажам уламосининг қошинда қофия уч нафъ бўлур. Аслий (28^а) ва маъмулий⁵⁸ шойгон⁵⁹.

Аслий улким, ҳар лафзеки, қофияда воқе бўлур, агар асл вазъи бирла келса ва ҳеч раҳгузардин анга тағйир ва табдил йўл топмагон бўлса ва ҳарфи равийси калиманинг нафсидин⁶⁰ бўлса, ул қофияни асл дерлар, нетокким: **хубоб** ва **гулоб**; **ё**: **ҳабиб** ва **рақиб**; **ё**: **хур** ва **нур**; **ё**: **гул** ва **мул** бўлғай.

Мисоли бу:

Бузулгон бу менинг кўнглумни, эй хур,
Қил эмди бир табассум бирла маъмур.

Мисоли дигар. Мавлоно Сайфиддин айтур:

Баромад нилгун абре зи рўи нилгун дарё:
Чу ройи ошиқон гардон, чу табъи бедилон шайдо.

Қофияи маъмурий улким, калимани асл вазъидин тағйир этмиш бўлсалар ва қасд бирла аслга рост қилмиш бўлсалар ва ҳарфи равийси калима нафсидин бўлмаса ва бир иллат бирла анга мулҳақ бўлгон бўлса, ул қофияни маъмулий дерлар. Яъни лафзеки, анга амал даст топмиш бўлса, бас, амали лафзга беш нарсанинг иллатидин йўл топарким, ул масдар ва мозеъ ва музориъ ва амри робитадурур. Масдар улким: **гуфтан** ва **суфтан**; **ё** нўшидан ва **жўшидан** бўлғай. Ва қофия асликим: **Адан** ва **лабан**; **саман** ва **ватандурур**.

Булар бирла бир ғазалда келмаги саҳван йўқтур. Зероки, аларнинг (28^б) охир ҳарфи калиманинг нафсидин эрмас. Масдарият иллатидин мулҳақ турур ва буларнинг охир ҳарфи аслдур ва мозийким: **дод** ва **кушод**; **ё** **кашид** ва **чашид**; **ё** **буд** ва **кушуд**; **ё** охири то бўлса, нетокким; **сохт** ва **бохт** **ё** **тофт** ва **дошт** ва **кошт** турур. Ул **бод** ва **шод** **ё** **ид** ва **чид** **ё** **кабуд** ва **удким**, аслидур, булар бирла бир ғазалда жамъ бўлмоғи айбдур. Ва буларнинг ижтимои ҳеч маҳалда жоиз эрмас.

Ва музориъким, **барад** ва **дарад** **ё** **занад** ва **танад** **ё** **мекашад** ва **мечашад** турур.

⁵⁸ Маъмул — амалдаги.

⁵⁹ Шойгон — лойиқ, сазовор.

⁶⁰ Калиманинг нафси — сўзнинг ўзи.

Булар бирла рад ва бад ё... санад ва жадким, аслидур, бир ерда раво эрмас. Ва амрким: **сиёр** ва **гузор** ё **рез** ва **ҳез** ё **сур** ва **дур** бўлғай. Ул **кор** ва **бор** ё **роз** ва **дароз** ё **тез** ва **ситез** ё **навруз** ва **ферузким**, аслидур, булар бирла бир ғазалда келса, айбтур.

Ва ул қофияларким, амрият маъниси бирла бўлса келур. Агар **фаолият** маъниси бирла бўлса, асли қофия бирла бир ерда келса, раводур, нетокким: **жонсипор** ва **раҳгузор** ё **корсоз** ва **тангудоз** ё **хунрез** ва **дилсўз** бўлғай. Ва бу қофиялардин баъзиси масдарият маъниси бирла ҳам келур, нетокким: **парҳез** ва **ситез** ё **шикоб** ва **фиреб** турур. Булар ҳам асли қофия бирла воқеъ бўлса раводур. Ба робитаким: **доност** ва **биност** (29^а) ё **жуст** (?) ва **худрост** бўлғай. Ул **рост** ва **кост** ё **дўст** ва **пўст** ё **баст** ва **маст** ё **пари** ва **сариким**, аслидур, бир ерда жойиз эрмас ва, маълумки, қофиянинг асли қофия бирла ижтимои қасидада ва маснавийда раводур. Не учун, зероки, қасиданинг ақалли йигирма байт бўлур кўп қофия керак — то бир қасида тамом бўлғай.

Бас бу сабабтин агар аслий қофия битилмаса, маъмурий қофия ҳар нечаким келтурса раводур то мақсудни интиҳога келтурғай. Ва маснавийда ҳам мақсуд қиссанинг баёнидур, сўзга қофияни келтурмак керак, бу душвордур. Вале сўзни қофияга келтурмак осон. Бас, ҳикоятқа асли қофия рост келмаса, маъмул келтурса раводур, то қиссани шарҳқа келтурғай, нетокким маликул-калом Фирдавсий айтур «Шоҳнома»синда:

Бад ў гўфт Ковус:— Қ-эй пурхирад,
Дилат яксар андешаи бад барад.

Ва бу байт то сўнгги мисраънинг қофияси маъмулийдур ва лекин ғазалда ва қитъа ва рубойда маъмулийнинг истеъмоли раво йўқтур ул жиҳаттинким, рубойи тўрт мисраедур. Уч қофия бирла тамом бўлур. Ва қитъанинг ақалли икки байттур. Икки қофия бирла тамом бўлур. Ва ғазалнинг ҳам ози беш байттур. Ва зарурат ҳолатида тўрт байт беш қофия (29^б) бирла тамом бўлур. Ҳеч муҳим эрмаским, маъмулий қофия келтургайлар. Вале устодлар ғазалда маъмулий қофиянинг бир ерида жоиз тутубтурлар ул сабабтинким, шоирга хўб маъно даст берди, асли қофияга рост келмас. Бу маҳалда маъмулий келтурса, раводурким, то ул маъно зоеъ бўлмағай. Мундин ўзга ҳеч ерда раво йўқтур.

Қофия шойгон беш нарсанин қўпар. Ул алиф (а), нун (н) жамъиндин, нетокким, **мардумон** ва **суханон** бўлғай. Ул **жон** ва **жаҳонким** аслидур, бир ғазалда келмағай — раво йўқтур.

Иккинчи ҳо ва алиф жамъидин пайдо бўлур, нетокким **сарҳо** ва **дилҳо** бўлғай. Ул **ато** ва **жудо** бирла келса, раво йўқтур.

Учинчи ё ва дол жам мухотабадин, нетокким **равид** ва **шавид** бўлғай. Ул **жовид** ва **ийд** бирла рост келмас.

Тўртинчи нун ва дол жамъи муғойибадин, нетокким **раванд** ва **баранд** бўлғай. Ул **қанд** ва **савганд** бирла бир ерда келмас.

Бешинчи ё ва мим мутакаллим маалғайрдин ҳосил бўлур, нетокким **барим** ва **хўрим** бўлғай. Ул **рим** ва **сим** бирла раво эрмас. Ва мажмуи уламо қошинда қофияи шойгон барча маҳалда айбтур.

Баъзилар зарурат ҳисобида тамом қасида ичинда бир ерда жоиз тутубтурлар — фаамо⁶¹ маснавийда ҳар неча келтургайлар, айб эрмас (30^а) ва сўнг жиҳатин ва узрин маъмули баҳсинда айттуқ. Мисолин устои шуаро Фирдавсий айтур:

Ки бишнида буд он шаҳи комрон,
Зи ахтаршиносону аз маҳ бидон.

⁶¹ Фаамо — лекин айтганларидек,

Ва жамоатининг мазҳабида улдуким, қасида ё ғазалнинг қофиясин «лузуми мо ло ялзаму» («Кераксиз нарсанинг керакли бўлиши») тариқаси бирла тамошойгон қилсалар бўлур, иллоки, бир ерда асли қофия келса, тамомин маъюб этар ва лузуми мо ялзамуни зикр қилғай. Биров мунинг мисоли:

Ба рўйи дўст, ки рўяш ба чашми ман нигарид,
Ба хок пош, ки он раҳ ба чашми ман сарид.
Ба по гузаштан аз он дар нишони бечашм аст,
Чу чашм нест шуморо, бе чашми ман гузарид.

Бу ғазалнинг қофияси тамоми жамъи мухотабадур. Агар бир ерда жовид ё бид келса эрди, тамомин фосид қилур эрди, не учун, яъни бид лафзида равий долдур. Ва калиманинг нафсидиндур ва долдин бурунги ё ридфтур ва гузарид лафзида долни равий тутса бўлмас ул жиҳаттинким, ё ва дол калиманинг нафсидин эрмас, жамъияти мухотаба иллатидин мулҳақтур. Ва мунда равий «ро»дур ва ёйи васлдур ва хуруж.

Фасл. Араб шоирларининг иттифоқи қофиянинг лавозим ва ҳудуди олти хуруф ва олти ҳаракат бўлур: хуруфи таъсис, дахил ва ридф ва равий ва васл ва хуруж (30^о).— Ва ҳаракати итлоқ ва хазу ва рас ва ишбоъ ва тавжеҳ ва нифод. Ва Ажам соҳирларининг истилоҳида хуруф тўққуз келибтурким, ул таъсис, дахил, ридф, қайд, равий, васл, хуруж, мазид, ноира бўлғай. Бу тўққуз хуруфдин асл равийдур. Ва қофиянинг равидин ўзга барча хуруфдин гузири бор, нетокким қофия шеърнинг аслидур. Қофиянинг асли равийдур. Ва бу тўққуз ҳарфдин тўрти равийдин бурун келибтур. Ва тўрти сўнгра, нетокким алат-тартиб зикр қилдуқ. Агарчи китобатта равийдин бурун ҳарф келибтур, биз асолат сабабидин равийни бурун шарҳ қилоли.

Равий ул ҳарфни айтурларким, қофиянинг бинойи анга бўлса ва калиманинг нафсидин бўлса ва ҳар ҳарфким, калиманинг нафсидин бўлмаса ва бир иллат бирла анга мулҳақ бўлса, раво эрмаским, они равий қилғойлар, нетокким бир ғазалда санам ва манам келди. «Санам»да мим аслидур. Они равий деса бўлур. Ва ғазал, шеърда вови жамъ ва алиф-и ташбеҳ ва хуруф-и ишбоғ ва пойи муаннаси муфаррад ва тойи масдар равий бўлмас ва равий гоҳ мутаҳаррик бўлур, гоҳ сокин.

Агар сокин бўлса, араб қавли бирла муқаййад дерлар, нетокким гул ва мул бўлғай. Мисоли будурур (31^а):

Суялур кўрса лабларингни шакар,
Рашк олур кўрса ой юзунгни қамар.

Бу қофияда равий «ро» дур. Мисол. Хожа Камол айтур:

Ман талаб кардам висолат рўзу шаб;
Ёфтам ийнак ба ҳукми «ман талаб».

Ва агар мутаҳҳирлик бўлса, равийи мутлақ дерлар, нетокким гуле ва булбуле бўлғай. Мисоли будур:

Эй лабингдин хижил Миср шакари;
Кўрса сени нетар фалак қамари.

Мисоли дигар. Мавлоно Умид Камолий айтур:

Зулфи нигор гуфт, ки ман аз қир чанбарам;
Шаби сурати шибҳи сифати мушкпайкарам.

Васл — араб мазҳабида мадда ва лин ҳарфидин бўлур. Яъни, алиф ва вов ва ё ва ин ва тақи ҳо ҳарфидин. Алифнинг мисоли — мисраъ:

Қафи қаблат — тафарруки, ё Сабоъо.

(Ажралишингдан олдин, эй Сабоъо, эргашгин).

Ва анинг мисоли — мисраъ:

Сақитал-гайса аййатуҳал-ҳамоно мавоё.

(Эй бойқуш, сен ифлос жойга қўндинг).

Анинг мисоли:

Ли хулутихи итлоқун бириққиҳи таҳмадо.

(Унинг тиниши тез аралашиб кетишидан).

«Ҳо»йи сокинанинг:

Саҳо ал-қаблу ан силми ва ақсара ботшаҳу.

(Тинчлик туфайли қалб соф бўлди ва туғёнлари камайди).

«Ҳо»йи мутаҳаррикнинг (мисоли) — шеър:

Аффат-ид-диёру маҳаллаҳо фа мақомаҳа.
Бимани таабули ғамлиҳо фархомаҳа.

(Мамлакатнинг маҳалла ва бошқа жойларӣ тоза бўлди — Бутун чуқурлигию баландликлари билан).

Ва Ажам қошинда улдурким, ҳар ҳарфиким равийдан сўнгра келур, они васл дерлар, нетокким: дарам ва барам бўлғай. Мисоли бу:

Эй жамолингдин хижил фирдавс боғининг гули,
Ташнадур лаълинг сифотин ичкали кавсар мули (31^о)

Ва шунда равий ломдур: Васл ёдур. Мисоли дигар. Ҳофиз Шерозий айтур — раҳимаҳуллоҳи алайҳи:

Ераб, он навгули хандон, ки супурди ба манаш,
Месупорам ба ту аз чашми ҳасуди чаманаиш.

Ва баъзилар ҳуруф таъйин қилибтурларким, ул алифи хитоб ва доли истиқболи ғоят ва ёйи истиқболи ҳозир ва дол ва нуни масдар ва то (йи) нуни масдар ва шини масдар ва ёйи масдар ва ҳойи мозий ва ҳойи изофати ҳозир ва шини изофати ғойиб ва мими нафс ва ёйи таманно ва кофи тасғир ва ройи робитатурур. Алифнинг мисоли — мисраъ:

Чашми шўхат барад ақлам, маҳвашо.

«Дол»нинг мисоли:

Қасе, ки ҳусни ту дидаст, ҳоли ман донад.

«Е»нинг мисоли

Ҳоли ман бе ту хароб аст, ту ҳам медони.

«Дол» ва «нуни масдар» ва «ло» то чанд фикри хеш кардан «то» ва «нуни масдар»:

Наёрам ҳоли бо ёр гуфтан.

«Шини масдар»:

Дилам бо дарди маҳ рӯён надорад беҳи осойиш.

«Ёйи масдар»:

Туро зебад ба олам подшоҳи.

«Ҳойи мозий»:

Ҳавоят хуш аз ақлам рабуда.

«Тойи изофат»:

Маҳ ар бандад руҳат гардад ғуломат.

«Шини изофат»:

Маро шояд барам ҳар лаҳза номаш.

«Мими нафс»:

Наёяд баҳри фикри ту дар сарам.

«Ёйи таманно»:

Ба мо кош он пари рух ёр буди.

«Қофи тасғир»:

Дилам аз даст рабуд он писарак.

«Ёйи робита»:

Дар миёни жумлаи хубон сарвари.

Агар васл била хуруж келса, син ва тойи робита ҳам келур. Ми соли будурур (32^а):

Лабат ёқуту хатат мушки ноб аст.

Бу ҳарфким, зикр қилдуқ, булардин ҳеч вайҳ бирла равий қилса бўлмас. Агар равий қилсалар, ул қофияни маъмули дерлар. Асли қофия бирла рост келмас. Ва ҳар қофияким, туркий лафзи келур, они ҳам булардин қиёс қилмоқ керак.

Хуруж улким васлдин сўнгра келур, нетокким, **хаёлот** ва **камолот** бўлғай. Мисоли:

Ол энгдин олса ногоҳ ўшул маҳ ниқобни,
Топмас фалакда ўзга киши офтобни.

Мунда равий «бо»дур. Васл — «нун» ва хуруж «ё»дур. Мисоли дигар:

Мо дарси сеҳр бар дари майхона кушодем,
Авқоти дуо дар раҳи жонона ниҳодем.

Ва агар қофия шойгандин ҳам «алиф» ва «нун» жамъни васл ва хуруж еринда қилса бўлур, нетокким: **писарон** ва **дигарон** бўлғай. Мисоли будур:

Умр бигузашт ба беҳосили булҳаваси.

Ва «ҳо» ва «алиф» жамъни ҳам васл ва хуруж қилса бўлур, нетокким: **гузарҳо** ва **назарҳо** бўлғай. Мисоли будур:

Вало дар роҳи ту бидам хатарҳо.

Ва «нун» ва «дол» жамъи муғойибани ҳам, нетокким: **гузаранд** ва **нигаранд** бўлғай.

Мисоли бу:

Хабарат нест, ки халқи зи ғамат мехезанд.

Ва «ё» ва «дол» жамъи мухотабани ҳам, нетокким: **гузарид** ва **нигарид** бўлғай. Мисоли будур:

Магузарид аз дараш, эй халқ, бурдим, гузарид.

Ва «ё» ва «мим» ҳикоятни ҳам васл ва хуруж (32^о) еринда қилса бўлур, нетокким: **дарим** ва **барим** бўлғай. Мисоли бу:

Гар пеши ту равим, ҳама жону дил барим.

Фоамо булар равий бўлмас. Агар равий қилсалар, ул кифоя маъ-
юбтур.

Мазид ул ҳарфни айтурларким, хуруждин сўнгра келса. Ва бу аҷам ихтироидур. Ва араб қавлинда қофиянинг охир ҳарфи хуруждур. Ва мазид ҳар ҳарфдин бўлур, нетокким: **баримиш** ва **даримиш** бўлғай. Мисоли бу:

Тилар кўнглум юзунг кўрса, будур онинг хаёлот;
Муяссар бўлса бу давлат, бўлур зоҳир камолоти.

Ва мунда равий «лом»дур. Ва «алиф» васлдур; ва «то» хуруждур ва «ё» мазид. Мисоли дигар: Ҳайдар Табризий айтур:

Чу бар сарви сиҳи барги гулистон;
Чу ман ҳар сў ҳазорон булбулистон.

Ва бу маҳалда равий «лом»дур, васл «син»дур, хуруж «то»дур, мазид «шин» ҳарфидур.

Ноира они айтурларким, мазиддин сўнгра келса, нетокким: **камолот** — **хаёлот** бўлғай. Мисоли бу:

Чекармен бу тамаъ бирла ҳамиша макру олингни,
Магар топқусимен бир коми дил бирла висолингни.

Мисоли дигар. Камол Хўжандий айтур:

Мухлисонро висоли туюст хаёл.
Махласи боиси хаёлот аст.

Мисоли дигар. Хожа Ҳофиз Шерозий айтур (33^a):

Мо бе ғамон масту дил аз даст додаем:
Дар роҳи ишқ жону дили худ ниҳодаем.

Ва мунда равий «дол»дур, васл «қо»дур ва хуруж «ҳамза»дур, ма-
зид «ё»дур; ноира «мим»дур. Ва ноира гоҳ икки ҳарф бўлур. Мисоли бу:

Чандон хўрим ғам, ки ба чанг оварим шон.

Ва буларнинг такрори лозимдур. Ва ул тўрт ҳарфким, равидин
бурун келур, бириси қайдтур. Ва мунунг маҳали равийдин бурундур.
Ва бу ҳар ҳарфтин бўлур. Мунунг бирла равийнинг орасинда ҳеч ҳарф
сиғмас, нетокким: **гуфт** ва **суфт** бўлғай. Мисоли бу бўлур:

Солди усрук кўзунгиз тавба-у тақвоға шикаст,
Бўлди олам юзунгиз даврида хуршидпараст.

Мисоли дигар. Камол Хўжандий айтур:

Ери мо сарви баланд аст, бигўем баланд,
Паст гуфтан сухан аз бийми рақибон то чанд.

Ва мунда равий «дол»дур. Ва «нун» қайддур. Ва мунга тақи баъ-
зилар ҳуруф таъйин қилибтурларким, ул ўн ҳарфтур: б, х, р, з, с, ш,
айи (а), ф, н, ҳ, нетокким: сабр ва абр, тахт ва бахт, дард ва мард,
дузд ва музд, паст ва маст, гашт ва дашт, мафар ва нафар, гуфт ва
суфт, банд ва қанд, маҳр ва жаҳр бўлғай.

Фааммо мунунг эътибори йўқтур. Ул сабабтин агар қофиянинг
биноси арабий лафзи бирла бўлса, ўзга ҳуруф ҳам (33^o) келур, неток-
ким: атр ва сатр, мажд-нажд, тахт ва бахт, садр ва бадр, аср ва қаср,
атр ва сатр, саъд ва раъд, ақд ва нақд, мушкил ва гил, қалб ва калб,
намак ва самак, натл ва ҳамл, фирдавс ва қавс, Вайс ва Қайс.

Бас, маълум бўлдиким, ҳуруф таъйин қилмоқ ғалаттур.

Ва асаҳ улдурким, ҳар ҳарфеким, саҳиҳдур, равийдин бурун
келур. Сокин ул қайдтур. Ва анинг қофиясин **муқайяд** ўқурлар. Ва
қайд ҳаргиз мутаҳаррик келмас. Ридф ҳам равийдин бурун келур.
Ва бу доим ҳуруфи маддин келур. Яъни, **алиф** ва **вов** ва **ё** ва бу уч
ҳарфдин ўзга ҳеч ҳарф ридф бўлмас. Нетокким: **кор** ва **бор**, **хур** ва
нур, **чин** ва **оин** бўлғай. Алифнинг мисоли:

Эй сенинги, ол энгингдин гулга ҳар дам инфиол,
Чун қаро зулфунг эрур мушки Хўтанға гўшмол.

Мисоли дигар. Хожа Ҳофиз Шерозий айтур:

Ало, эй тўтийи гўёи асрор,
Мабодо холият шаккар зи минқор.

Ва унинг мисоли бу икки навъ бўлур — маъруф ва мажҳули
маъруф:

Бузулгон бу менинг кўнглумни, эй ҳур,
Қил эмди бир табассум бирла маъмур.

Мисоли дигар. Хожа Камол айтур:

Агар ту фахр надори ба далқи гардолуд,
Аёзи хос накарди ба ҳазрати Маҳмуд.

Мажҳул:

Лабинг узраки, хаттинг қўйди сабзе,
Намакдонларға солди лабларинг шўр (34^а).

Мисоли дигар. Хожа Ҳасан айтур:

Мақун бо ошиқона зор худ зўр,
Сулаймонро чи фахр аз куштани мўр.

«Ё»нинг мисоли — бу ҳам икки навъ бўлур (Маъруф).

Эй дарифоқим, менинг ҳолимни билмади ҳабиб,
Ким нелар қилди менинг бу хаста жонимға рақиб

Мисоли дигар. Устоди Комил Фирдавсий айтур:

Ҳама сар буриданд барно-у пир,
Зану кўдаки хурд карданд асир (Мажҳул).

Эй юзунг бирла топти ҳусн боғи фарру зеб,
Бўлмағай оламда жоду кўзларингдек дилфиреб.

Мисоли дигар ҳам Фирдавсий айтур:

Сароянда з-овоз баргашт сер,
Ҳамаш лаҳни булбул ҳам овози шер.

Ва бир ғазалда маъруф ва мажҳулнинг ижтимои раво йўқтур. Ва араб шоирлари «ё»нинг мажҳулингдин «алиф»нинг амоласи бирла бир ғазалда жамъ қилурлар, нетокким «зеб» ва «ҳисоб» бўлғай.

Ва аҷам шоирларидин баъзини жоиз тутубтурлар, нетокким Мавлоно Ҳайдар айтур:

Хожа сўзини қилибон эътимод,
Кести ажуз ўз нимасидин умид.

Ва лекин яхши келмас. Магар зарурат ҳолатида ридфнинг такрори ҳам вожибтур. Ва араб қавлида (34^б) бу ғазалда аввалғи байтта ридф «вов» келса, сўнги байтта «ё» келса раводур, нетокким уд ва ийд бўлғай.

Вале аҷам қошинда бу тариқа раво эрмас. Ғазалнинг аввалинда ридф «ё» келса, охиргача «ё» қилурлар. Агар «вов» келса — алиф ва маъруф келса — маъруф ва мажҳул келса — мажҳул. Ва мунунг бирла қайднинг ижтимои порсийда олти ҳарф бирла воқеъ бўлурким, у Х, Р, С, Ш, Ф, Н турур. «Хо» алиф бирла сохт ва бохт; «хо» «вов» бирла сўхт ва дўхт; «жо» ва «ё» — рехт ва бехт; «ро» ва «алиф» — корд ва орд ва «син» ва «алиф» — рост ва кост; «син» ва «вов» — дўст ва пўст; «син» ва «ё» бист ва кист; «шин» ва алиф — дошт ва кошт; «фо» ва

«алиф» ёфт ва тофт; «фов» ва «вов» кўфт ва рўфт; «нун» ва «алиф» — бонг ва донг.

Ва бу қофияларнинг баъзиси маъмулдур. Асли қофия бирла рост келмас.

Дахил ул ҳарфни айтурларким, равий бирла таъсиснинг аросинда келур. Вале анинг такрори лозим эрмас. Аъни бир байтда ўзга ҳарф келур. Ва яна бир байтта ўзга, нетокким **тоҳир** ва **қосир** бўлғай. Мисоли бу:

Эй бўлди сенинг шонингда ҳусн этти нозил,
Йўқтур парию ҳурда бу шаклу шамойил.

Мисоли дигар. Камол айтур:

Эй зоти ту бо зуҳури олам,
Чун хилқати Мустафо-у Одам.

Мунда равий «мим»дур. Ва дахил «лом» ва «дол». Ва бу алифтин ўзга ҳар ҳарфдин бўлур. Ва бу таъсисдин бошқа келмас.

Таъсис ул ҳарфни айтурларким, қофиянинг ҳарфининг аввалинда келур. Бу тўққиз ҳуруфнинг оғози андиндур. Ва бу алифтин ўзга ҳарф бўлмас доим, нетокким: **олим** ва **ҳоким** бўлғай. Мисоли будур:

Чун сенда бор, эй ҳур, чунин шаклу шамойил;
Валлоҳки, пари кўрса, бўлур жон била мойил.

Мисоли дигар. Шайх Муслиҳиддин Саъдий айтур:

Эй рўйи ту офтоби олам,
Ангуштнамои насли одам.

Ва бу байтта таъсис «алиф»тур. «Лом» ва «дол» дахилдур. «Мим» равийдур. Ва таъсис икки навъ бўлур. Ва бир навъи улким, бир лафзда воқе бўлур. Они муттасил дерлар, нетокким оқил бўлғай. Ва бир навъ улким, икки лафзда воқеъ бўлур, нетокким дар ё дил бўлғай.

Ва мунинг қондаси улдуким, матлаъда риоят қилса. Барча байтта охирига риоят вожибдур. Ва араб шоирлари қошинда шеърнинг матлаинда таъсис агар муттасил келса, охиргача риоят қилурлар.

Ва агар мунфасил келса, риоятин лозим тутмаслар. Ва Ажам шоирларидин баъзи таъсисни, хоҳ муттасил бўлсун, хоҳ мунфасил, вожиб (35^о) тутмаслар.

Ва лекин аксар фусаҳонинг иттифоқида таъсиснинг аъмоли шарттур. Ул жиҳаттинким, шеърга зийнат бағишлар.

Фасл. Бу тўққиз ҳуруфнинг ижтимои бир қофияда кам воқеъ бўлур. Улким имкони дур, мисолин кўргузоли:

Равийи ялғуз: гул ва булбул.

Равий ва васл: гулаш ва булбулаш,

Равий ва васл ва хуруж: гулҳо ва булбулҳо.

Равий ва васл ва хуруж ва мазид: гулаташ ва булбулаташ.

Равий ва васл ва хуруж ва мазид ва ноира: гулҳояш ва булбулҳояш.

Қайд ва равий ва васл: гуфтам ва суфтам.

Қайд ва равий ва васл ва хуруж: гуфтамаш ва суфтамаш.

Қайд ва равий ва васл ва хуруж ва мазид: гуфтастам ва суфтастам.

Қайд ва равий ва васл ва хуруж ва мазид ва ноира: гуфтамашон ва суфтамашон.

Ридф ва равий: камол ва хаёл.

Ридф ва равий ва васл: **камолаш ва хаёлаш.**
Ридф ва равий ва васл ва хуруж: **камолот ва хаёлот.**
Ридф ва равий ва васл ва хуруж ва мазид ва ноира: **камолотаст**
ва **хаёлотаст.**

Таъсис ва дахил ва равий: **комил ва восил.**
Таъсис ва дахил ва равий ва васл: **комилаш ва восилаш.**
Таъсис ва дахил ва равий ва васл ва хуруж: **комилҳо ва восилҳо.**
Таъсис ва дахил ва равий ва васл ва хуруж ва мазид: **комилҳош**
ва **восилҳош.**

Таъсис ва дахил ва равий ва васл ва хуруж ва мазид ва ноира:
комилҳост ва восилҳост.

Ридф ва қайд ва равий: **сохт ва пардохт.**
Ридф ва қайд ва равий ва васл: **сохташ ва пардохташ (36^a).**
Ридф ва қайд ва равий ва васл ва хуруж: **сохтим ва пардохтим.**
Ридф ва қайд ва равий ва васл ва хуруж ва мазид: **сохтимаш ва**
пардохтимаш.

Ридф ва қайд ва равий ва васл ва хуруж ва мазид ва ноира: **сох-**
тамашон ва пардохтамашон.

Таъсис ва дахил ва қайд ва равий: **монанд ва хешованд.**
Таъсис ва дахил ва қайд ва равий ва васл: **монандаш, хешовандаш.**
Таъсис ва дахил ва қайд ва равий ва васл ва хуруж: **монандаст,**
хешовандаст.

Таъсис ва дахил ва қайд ва равий ва васл ва хуруж ва мазид:
монандаст, хешовандаст.

Таъсис ва дахил ва қайд ва равий ва васл ва хуруж ва мазид ва
ноира: **монандасташон, хешовандасташон.**

Таъсис ва дахил ва ридф ва равий: **Ҳомун ва қонун.**
Таъсис ва дахил ва ридф ва равий ва васл: **Ҳомунаш ва қонунаш.**
Таъсис ва дахил ва ридф ва равий ва васл ва хуруж: **ҳомунаст ва**
қонунаст.

Таъсис ва дахил ва ридф ва равий ва васл ва хуруж ва мазид:
Ҳомунош, қонунош.

Таъсис ва дахил ва ридф ва равий ва васл ва хуруж ва мазид ва
ноира: **Ҳомунҳост ва қонунҳост.**

Таъсис ва дахил ва ридф ва равий ва васл ва хуруж ва мазид
ва ноира: **Ҳомунҳо ва қонунҳо.**

Таъсис ва дахил ва ридф ва қайд ва равий: **омухт ва восухт.**
Таъсис ва дахил ва ридф ва қайд ва равий ва васл: **омухтам ва**
восухтам.

Таъсис ва дахил ва ридф ва қайд ва равий ва васл ва хуруж:
омухтамаш ва восухтамаш.

Таъсис ва дахил ва ридф ва қайд ва равий ва васл ва хуруж ва
мазид ва ноира: **омухтамаш (36^b) ва восухтамаш.**

Ва буларнинг жамъи бирла қофияда бас мушкилдур.
Агар воқеъ бўлса, бу тариқа бўлур. Ва лекин айбдин холи бўлмас.
Мисоли бу:

Гў он, ки то ман ин ҳунар омухтамаш,
Дар ҳар дақиқа лаҳзае восухтамаш,

Фасл. Устодлар бу тўққуз ҳуруфдин бошқа равийдин ё ридфдин
ё таъсисдин бурун бир ҳарфни илтизом қилурлар. Агарчи лозим эрмас
ва ҳар қофияда такрор қилурлар. Ва мун «лузуму мо ло ялзаму» ўқур-
лар, нетокким: **кабир ва абир бўлғай.**

Мисоли бу турур:

Сарв десам қаддини, сарв узра ким кўрди самар?
Қаддига қуллуқ учун бағлоди белга не камар.

Зулф ичинда кўргали юзунгни бурур меҳр ила
Ҳар кеча то субҳ эшикинда асас янглиғ қамар.

Ва бу рубойда равий «ро» (р) дур. Ва мунда «мим»ни илтизом қилибтур. Ва агар «мим»ни илтизом қилибтур. Ва агар «мим»ни келтурмаса ҳам, **гузар** ва **зарар** ул қофия бирла рост келур.

Мисоли дигар. Камолиддин Исмоил Исфаҳоний айтур:

Хайли баҳман расиду ботил кард
Тоби хуршиду қуввати гармо.
Обро тахтабанд кард завол,
Шоҳҳо кард жомҳо яғмо.
Гашт чун зари пухта шуълаи нор,
Гашт чу сийми хом сафҳаи мо.
Мениҳад барф аз савоиқ раъд,
Панба дар гўш саҳраи само (37^а).
Гашт мафар дил дар вилояти боғ,
Қуввати номия зи шуғли намо.
Ҳама гаштанд офтобпараст;
Сафҳойи замона-у ҳукамо.

Ва бу шеърдаким, равий «алиф»тур, ондин бурунким «мим»дур, илтизом қилибтур. Агар «мим» бўлмаса, тақи **пайдо** ва **дарё** ва **анқо** қофияси алар бирла рост келур, нетокким Хожа Камол бу қофияда кўргузур:

Жаҳони пур зи мақсудаест, роҳи равшану пайдо.
Дариго, ташна лаб хоҳим мурдан дар лаби дарё.
Мағў к-асҳоби дил рафтанду шаҳри ишқ шуд холи;
Жаҳони пурсамаш Табрези марди гў чу Мавлоно.
Гарат донишгани илми хуруфаст орзу, сўфи,
Нухуст афъоли неку кун, чи савдо з-хондани асмо.
Касе к-аз талъати хуршид жуз гарми намедонад,
Дило, махзур медораш, ки дорад дийдае аъмо.

Бу тариқани араб шуароси эънот⁶² тақи дерлар.

Фасл. Ул олти ҳаракотким, зикр қилдуқ, ул итлоқдур. Ул равийнинг ҳаракатидур, нетокким: **гулаш** ва **булбулаш**. Ва мунга ихтилоф жойиз эрмас, магар равийнинг мо баъди ҳуруфи иллатин бўлса, ул айбтур, нетокким **сархушо** ва **махвашо**.

Ва равийнинг нафсининг ихтилофин икфо ўқурлар. Бу бағоят шанеъдур*, нетокким: **ихтисот** ва **эътимод** ва **хос** ва **ос** бўлғай.

Иккинчи тавжеҳдур. Ул равийи муқаййаднинг мо қаблининг ҳаракатидур, нетокким (37^б): бар ва дар бўлғай. Ва мунунг ихтилофин **ижоза** дерлар, нетокким: **дар** ва **зар**, **махрам** ва **анжум**.

Учинчи ишбоъдур. Ул равийи мутлақнинг ҳаракатидур, нетокким: **гулаш** ва **дилаш**. Ва мунунг ихтилофин ҳам ижоза дерлар, нетокким: **дилаш** ва **гулаш** турур. Ва ижозани Ахфаш⁶³ алайҳа раҳма айб тутубтур. Ва лекин Халил раҳматуллоҳ алайҳа қавли бирла тавжеҳнинг ихтилофи айбтур. Ва ишбоънинг ихтилофи раводур, нетокким мисоле Мавлоно Жалолиддин Румий айтур — алайҳа раҳма:

Маснавийи мо дўкони ваҳдат аст.
Ҳар чи бини ғайри воҳид, он бут аст.

⁶² Эънот — қийин, мураккаб шеърин санъат.

* Шанеъ — қўпол.

⁶³ Ахфаш — машҳур араб тилшуноси.

Ҳизвундур. Ул ридфнинг моқаблининг ҳаракатидур, нетокким: **Тус** ва **кўс ё зайн ва дайн**. Ва мунинг ихтилофин иқво ўқурлар, нетокким: **дайн** ва **зайн** турур. Ва бу араб қошинда раводур. Ва ажамнинг кўп-рагининг қошинда айбдур. Фаамо баъзилар агар ридф вов бўлса, ихтилофин жоиз тутубтурлар. Мисолин Мавлоно Асадий айтибтур:

Оби ҳаёти ба лаб,— набиз бару ясор.
Маҳваши нозукмиён — туи, ки гаҳи хоб,
Ҳури беҳишти беҳ бар,— беҳишти бар ҳиёср.
Ғамзаи ту чун хаданг,— валеқ дил ошуб
Чашми ту рашки ғизол, зи наргиси ёр.
Абрўйи ту чун камон,— валеқ дилафрўз,
Рўйи ту рашки қамар,— зи тобиши бисёр,
Нўши ту андар ақиқ,— ҳаст жигарсўз,
Мушки хатат бар сарир,— хуфтаи бар димор.
Заҳри ту андар синон,— беҳ тири жигартоб,
Лаъли лабат пур шакар,— чу дўлўйи шаҳвор.

⁶⁹ Қизил Арслон — XII асрда Хуросонда ўтган подшоҳ. Машҳур форс шоири Зоҳир Фаробий (1156—1201) унга бир неча қасида бағишлаган.

Баҳри ту андӯҳи пур,— дарди ғамангиз,
Жанги ту сулҳи сипеҳр,— ва ахтари сайёр.
Васли ту бахти жавон, ба лутфи ғам анжом,
Жаври ту дори умр,— ба чораи ночор.
Чун кафи шоҳи жаҳон,— лаби ту баҳри боб,
Тиғи шаҳи баҳру бар,— раҳм бар ҳар кор.

Мунунг вазни буким муфтаилун фоилоту мафоил ва фаълот.
Иккинчи тариқаси буким:

Эй тараби инсу жон бори фидойи ту жон.
Дилбари нозукдиле. Маҳваши борикмиён.

Вазни буким: муфтаилун фоилун

Учинчи тариқаси буким:

Вафодори моҳи мани, эй писар, ба ҳар ҳол нури
диле сарбасар,
Ғаҳи бўси оби ҳаётӣ ба лаб, ғаҳи хоби ҳури
беҳишти ба бар.

Вазни буким: мафоилун муфтаилун фоилун —

Тўртинчи тариқаси буким:

Вафодор эй тараби инсу жон, ба ҳар ҳол бод
фидойи ту жон,
Ғаҳ бўс дилбари нозукдиле, ғаҳ хоби маҳваши
борикмиён.

Вазни (бу) мунунг тақи учунчининг вазни бир турур.
Бешинчи тариқаси буким:

Моҳи мани, эй писар, // Нури дили сарбасар // Оби ҳаёти
ва лаб // ҳури беҳишти ба бар.

Олтинчи тариқаси будурурким:

Моҳи мани эй писар,— ба чеҳра-у дийдор;
Нури дили сарбасар,— ба дӯзах чун нор.
Оби ҳаёти ба лаб,— набиз бару ёр.
Ҳури беҳишти ба бор,— беҳишти ба рухсор.

Еттинчи тариқаси будурким (59°):

Эй тараби инсу жон,— моҳи мани, эй писар,
Бод фидойи ту жон, нури дили сарбасар.

Саккизинчи тариқаси буким:

Муҳи мани, эй писар,— эй тараби инсу жон.
Нури дили сарбасар,— бод фидойи ту жон.

Ал-мутасалсал:

Сендек жамол мулкида йўқ шоҳи муҳташам,
Дардинг манга даводур, они бори қилма кам.
Камдур агарчи жавру жафода назирингиз,
Еткур камоле, бўлма муқассир вафода ҳам.

Ҳам ҳур мубталойи ғаминг, ҳам малойика,
 Инсу пари чу хоки раҳингдин тутар қасам.
 Замдур лабинг қошинда манга кавсаринг бале,
 Ғамдур манга беҳишти барин сенсиз, эй санам.
 Нам тутти ер юзини кўзум ёшидин тамом;
 Чун йиғларам фироқинда ҳар шому субҳидам.
 Дам урма, эй Тарозий, агар ул муттакойи ёр
 Ут ёқса бошинг устида, зинҳор урма дам.

Бу санъат анингтег бўлурким, қасидани ё ғазални бир тариқида айтурларким, охирғача байтлари бири бирига туташ бўлур. Бу икки қисм бўлур. Бириси буким, аввалги байтнинг охирини сўнгринг байтнинг аввалинда келтурурлар. Зоҳир,— нетокким кўргуздук.

Иккинчи қисми улким, сўнги байтни аввалги байтнинг қофиясининг маъносиға васл қилурлар. Мисоли дигар. Тоҳир Санжарий айтур (60°):

Эй дилбари суманбар писта даҳон-даҳон.
 Макшой лаб ба таъна бар-ин нотавон-тавон.
 Рафт аз мани заиф зи ҳижронат, эй нигор,
 Чун абри навбаҳор сиришкам равон-равон.
 Бар рўи ҳамчу зар зи ғами ёри сиймбар,
 Эй сарвқад, лоларух, дилситон-ситон.
 Жони ман ар қабул бувад, пеши хидмат аст,
 Жон чист чун зи баҳри ту хоҳам жаҳон-жаҳон.
 Ғашт оҳуйи дилам зи хаданги ду чашми ту
 К-аз вай ҳеч нуга надидан нишон-нишон.
 Доданд мар маро, ки аз ин зулфи пуршикан,
 Дорад ҳазор ҳамчу дили ман ниҳон-ниҳон.

Ал-мутаазил:

Йиғламагил юза, эй булбули зор,
 Ер юзин хушк қилур ашки баҳор.

Бу санъат анингтег бўлурким, бир лафзе келтурурларким, эъробини айтурмак била мадҳ зам бўлур, нетокким ашкнинг сокинини каср қилсалар, маъно тазалзул топар. Мисоли дигар. Рашид айтур — мисра:

Сухан ҳар сароро кунад тождор.

Агар «чим»ни сокин ўқурсалар, мақсуд ҳосил бўлур. Агар мақсур ўқусалар, тазалзул воқеъ бўлур. Мисоли дигар:

Араб фусаҳоларидин айтур.

«Расулуллоҳ каззабаҳул-аоди фа вайлун сумма вайлун лил-муказзибин» (Душманлар Расулуллоҳни ёлғончи қилдилар. Вой бўлсин ва яна вой бўлсин тухматчиларга).

Агар «муказзиб»ни «муказзаб» ўқусалар, золни мафтух қилиб, зам бўлур.

Ривоят қилурларким, бир кимарса Расул алайҳис-салом вақтида бу оятни (60°) ўқур эрдиким: «Инналлоҳу бариун мин ал-мушрикин ва Расулаҳу» («Албатта, Оллоҳ безордур мушриклардан ва Расули ҳам). «Лом»ни мафтух («Расулоҳу») ўқуди эрса, Расул алайҳис-салом амирал-мўминин Алиға,— разияллоҳи анҳу,— буюрдиким: «Унху, ё Алийи Муртазо» (Эй Али, наҳв билан шуғуллан!).

Али наҳв (грамматика) илмин андин сўнгра пайдо қилди ва мунда «лом»ни мафтуҳ ўқуса, хавфи куфрдур.

Ал-муҳтамили ли-зиддайн:

Сенинг бирла эрур зиндон гулистон,
Бўлур, сен бўлмасанг бўстон зиндон.

Бу санъат анингтег бўлурким, агар мадҳқа эҳтимол қилсалар, мадҳ ҳосил бўлур. Агар ҳажвга ҳамл қилсалар, ҳажв ва муни зулваж-ҳайн тақи дерлар.

Мисоли дигар. Рашид айтур:

Эй сарвари хўбони жаҳони жовид,
Пеши даҳанат зарра намояд хуршид.

Унсурий айтур:

Эй хожа, зиёд шавад зи рўйи ту зулм,
Бо талъати ту сур намояд мотам.

Мисоли дигар. Саккокий айтур:

Атлас эрур сақоллари, барча бурутлари насиж,
Гарчики дурру донадур — оғзини очса тўдаси.

Ал-муважжаҳ:

Ҳар лаҳза хаста жонима ғамзанг бало қилур,
Андоғки, бу кўнгулни қошинг мубтало қилур.

Бу санъат анингдек бўлурким, маҳбубни ё мамдуҳни бир тариқа сифат бирла зикр қилиб, яна бир турлук сифатини анга тамсил қилурлар. Мисол. Рашид айтур (61^а):

Он кунад тиғи ту ба жойи аду;
Гаҳ кунад дасти ту ба кони гуҳар.

Мисоли дигар. Муҳаммад Ғанжавий айтур:

Он кунад кўшиши ту бар аъдо,
Гаҳ кунад бахшиши ту бар динор.

Ал-мукаррар. Мукаррар они айтурларким, бир лафз икки ерда такрор қилурлар. Бу икки қисм бўлур. Бириси мукаррари малиҳ, бириси мукаррари қабиҳ. Ал мукаррари малиҳ:

Замон-замон қилурам фурқатинда нола-у оҳ,
Ажаб-ажабки, анинг кўнглига асар қилмас.

Давоми бор.

МЕРОС

ШАЙХ АҲМАД ИБН ХУДОЙДОД ТАРОЗИЙ
ФУНУН УЛ-БАЛОҒА*

Бу анингтеқ бўлурким, ул лафзни бир тавр муқаррар қилурларким, малиҳ бўлғай. Мисоли дигар. Рашид айтур:

Борони қатра-қатра ҳамеборат абрвор,
Ҳар рўз хира-хира аз ин чашми ашқбор.
З-он қатра-қатра қатра борон шуда хижил,
З-он хира-хира хира дили ман зи ҳажри ёр.

Ал-муқаррари қабиҳ мисоли:

Парда олсанг оразингдин ногихон,
Пардадин чиқсанг, қамар шайдо бўлур.

Бу анингтеқ бўлурким, ул лафзниким муқаррардур, ножойгоҳ келтурсалар, қабиҳ бўлур. Бу агарчи ақсоми саноаттиндур, фааммо айбдин холи эрмас. Мисол. Бисотий айтур:

Ба рўят халқ ҳайрон аст, эй моҳ,
Зи рўят зарду ларзон аст хуршед.

Ал-мувассал (мавсил):

Ишқинг ғами мени хаста қилса,
Лаълинг майи маст қилмағайму? (61^о).

Бу санъат анингтеқ бўлурким, анингтеқ ҳарфларни таркиб қилурларким, тамомин пайваста битиса бўлғай, нетокким бу байтни битиса, мундоғ бўлурким**.

Мисоли дигар. Рашидиддин Ватвот айтур:

Баски, ғами ишқ суубат аст.

Мисоли дигар. Муҳаммад Ганжавий айтур:

Тани айшам наҳиф гашт ба ғами гул;
Бахтам нуҳуфта гашт ба ҳажр.

Ал-муқаттаъ. Мисраъ:

Дарди даври дарди зард, эй дил, зор.

Бу анингтеқ бўлурким, шеъре айтурларким, ҳеч ҳарфи китобатта бир-бирига туташмас. Мисоли дигар. Муҳаммад Ганжавий айтур:

Зору зардам зи дарди он дилдор

* Давоми. Боши ўтган сонларда.

** Техник жиҳатдан араб ёзувидаги маттни бериш имкони бўлмади.

Дарди дилдор зор дораду зард.

Мисоли дигар. Бу заиф айтур:

Зи зарди рўйи ў дорам рухи зард.

Зи дардаш аз даруни дил равад дур.

Мисоли дигар. Муҳаммад Ганжавий айтур:

Зору зардам зи дарди дурийи у.

Дар довари вай зард дораду зор.

Ал-мушажжар (62^a).

	Сен ўл ғироқ	Анга маълум эмас	Қулунгга бир иноят қилмадинг	Сенинг ойтек юзунгдин моҳитобондур хижли
--	--------------	------------------	------------------------------	--

Эй дарифоким, менинг ҳолимни билмади ҳабиб —

Ўзи	Сархуш қилмадинг	Қоми дидимни бермадинг	Бир сўзимни анга билимадим санга
Қулунгга ғироқ	Жонимга ғам раҳм айламас	Нек манга ҳолимни хэргиз билмадинг	Шекар булди сенинг лаълингдин мўғорил

Ким, нелар қилди бу хаста жонимга рақиб.

Кўзи	Жонимга ғам билмадинг	Заиф жонимга душман кўрмадинг	Кўрдум гамингдин раҳм қилмадинг манга
------	-----------------------	-------------------------------	---------------------------------------

Бу санъат анингтег бўлурким, шеъре айтурларким, агар битиса-лар, ёғоч (дарахт) суратида бўлур.

Ал-мураббаъ анингтег бўлурким, ҳам узунни бирла ўқурлар, ҳам пинҳоний бирла ўқурлар, нетокким мисолин келтурдук. Мисоли дигар. Унсурий айтур (62^о):

Текорур кўнгулга агарчи жафонгиз, Кўнгилга жафонгиз кўрунмас вафодур. Агарчи кўрунмас ва лекин рақибинг, Жафонгиз вафодур, рақибинг балодур.	Аз ғолия/сад силсила дорад дилбар Сад силсила бод ораз равшан чу қамар. Дорад равшан жаҳоним он лаб чу шакар. Дилбар/чу қамар/лаб чу шакар/, дил чу ҳажар.
---	---

Мисоли дигар. Рашидиддин Ватвот айтур:

Аз фурқати/он дилбар/ман доим/беморам,
Он дилбар,/к-аз ишқам/бо дардам/пиндорад.
Ман доим/ба дардам/бас мунис/бе ёрам.
Беорам/бедорад/бе ёрам/ғам дорад.

Ал-муламмаъ:

Ба худоки, хасталарға юзунгиз ғамидин ўлмак,
Ду ҳазор бора хуштар зи ҳаёти жовидони.

Бу санъат анингтег бўлурким, шеъре айтурларким, бир мисраи бир тил бирла бўлур, бир мисраи яна бир тил бирла. Мисоли дигар. Муҳаммад Ганжавий айтур:

Бу ҳусну малоҳатки, санга жамъ бўлубтур.
Гар ноз куни в-ар накуни, дил ба... (9).

Мисоли дигар. Хожа Исмаи айтур:

Сўхт дар оташам. Чи мегўйи?
Кам таҳаррақтани би ҳазан-нор.

Ал-мужаннада:

Кўзунг ҳар дам қилур кўнглумни маҳрум,
Сўзунг ҳар лаҳза ақлимни мушавваш (63^а).

Бу санъат анингтег бўлурким, шеърни бир ҳарфдин таҳрир қилурларким, ул ҳарф сўз ичинда кўпрак воқеъ бўлур, нетокким бу байтни «алиф»тин таҳрир қилибтур. Мисоли дигар. Мужириддин Байлақоний «алифтин» мужаррад:

Ва бу санъатни ҳазф тақи ўқурлар. Ояти «Қалом»дин: «Олиҳакум олиҳун воҳидун. Ло илоҳа илла ҳува». Ва бу нуқталиқ ҳарфтин мужаррадтур. Мисоли дигар. Калимаи таййиба:

Мисоли дигар. Рашид Ватвот айтур — нуқтадин мужаррад:

Мисоли дигар. Муҳаммад Ганжавий айтур:

Хусрави мулкбахши кишваргир,
Ки баъдаш зи халқ нест-назир.

Ал-муваишшаҳ:

Меҳрингни тутар жон ичинда кўнглум,—
Андоғки, жавоҳир эрур ул кон аросинда.
Юзунг ғамидин ҳар кеча қон йиғламагимдин
То субҳ узармен*, санам, қон аросинда.
Ранжур бўлуб, келмади мушк ўзга Хўтандин,
Зулфунг сифатин ёзғоли девон аросинда.
Гар текса ўқунг хаста юракимга,— куёрмен,
Куйган Мирак ўқ бу дили бирён аросинда.

Бу санъат ул бўлурким, шеърнинг аввалги ҳарфларини териб олсалар ё ўртадоғи ҳарфларини олиб, жамъ қилсалар, «Мирак» бўлур. Мисоли дигар. Мунунг бир мисраининг ҳарфларини олсалар, «Муҳаммад» бўлур:

Маъшуқа дилам ба тири андуҳ нахуст;
Мискин дили ман ба пойи меҳнат шудасть.
Ҳайрон шудаму касам намегирад даст,
Дасти ғами дўст пушти ман хирад шикасть.

Мисоли дигар. Тожиддин Ҳожи айтур ва бу қасидадин тўрт байти зайни рубоий қўяр (?):

Эй рўйи ту аз қамар некўтар,
Сад бор хатти ту рашки анбар.
В-эй жисми раҳи зи хандаи ту,—
Дар бор шуда чу дуржи гавҳар.
Дасти ситамат қазо набиҳад;
Ҳаргиз чу жафойи туст бе мар.
Боғи ғами ту қадр надорад,
Ночор, ки нест чун ту дигар.

Ва бу қасидадин бошдин-оёқи мунунгтек турур.

Ал-муаммо:

«Уқубат»ни ниҳоятсиз қилур ул бевафо бизга,
Агарчи «ё» қилур бар сар бу ҳижрон ўти жонимға.

Бу санъат анингтек бўлурким, байт ичинда кишининг отин ёшурлар — важҳ бирла ҳосил бўлур. Бу байттин «яъқуб» (يعقوب) пайдо бўлурким (64^a), ондин тасҳиф бирла ё «қалб», ё жумал ҳисоби, ё ўзгача.

Мисоли Хожа Қамол айтур ва мундин «Шамс» ҳосил бўлур:

Агар зи шамъи жамоли ту дида баргирам,
Сари синони ту бодо ба жои он дида.

Мисоли дигар. Носир айтур — «Носир» (نَاصِر) исми пайдо бўлур:

Сари сўфий бибур, дар оташ андоз,
Ки дигар айби риндонро нағўяд.

Мисоли дигар. Ажам зарифларидин айтурлар,
Мундин «Умр» (عَمْر) пайдо бўлур — муаммо:

Аморидин чиқ, эй ҳусниға мағрур,
Мени манъ этгу (в) чиларни уёлдур.

* Узармен — сузармен маъносида (63^o).

Бу агарчи саноъеи жанбидиндур, фааммо бу бир алоҳида илм-
дурким, маҳаллида келтургаймиз.

Ал-муғолат:

Гар лаби лаълинг шакардур, неши аччиғдур сўзунг
В-ар сочинг ялдо тунн бўлса, нағу тундур узун.

Бу санъат анингтек бўлурким, бир нарсани васф қилгондин сўнг-
ра бир лафзе келтурурким, мустамеъга тасаввур бўлурким, ул васф-
дин магар ёнди вале таҳқиқ қилса маълум бўлурким, муғолат кўр-
гузубтур — ҳамул васф то мустақимдур. Мисол. Рашид айтур:

Гар ангубинлаби, сухани ту чарост талх?
В-ар ё симинбари, ту ба дил чунки оҳани.

Мисоли дигар. Мавлоно Шараф айтур (64⁶):

Гар нури маҳу равшанийи шамъи турост,
Ин қоҳишу сўзиши ман аз баҳри чарост?

Ал-луғз:

Недур ул лаълики, пайдо бўлур андин гуҳар?—
Гоҳ пайдо бўлур анда маю гаҳ ширу шакар.

Бу анингтек бўлурким, бир нарсанинг отин ва ҳақиқатин ёшуруб,
мушаббаҳ(ун) биҳлафзе бирла савол қилурлар. Мисоли дигар. Хожа
Салмон айтур:

Он чист, ки сад ман асту аз як ман кам?
Сармоёи давлат асту пирояи ғам.

Бу шеърда ёй (камон)ни ёшурубтур. Мисоли дигар. Рашидиддин
Ватвот айтур:

Ажойиб сурате дидам, ки шаш пову ду сум дорад;
Ажойибтар аз он дидам миёни пушт дум дорад.

Ва мунда тарозу муродтур.

Ал-рақто — мисраъ:

Мисли ғамза чу жаст, чобук йўқ.

Бу санъат анингтек бўлурким, шеъре айтурлар, бир ҳарфи нуқ-
талиқдур, бир ҳарфи нуқтасиз.

Мисоли дигар. Рашид айтур — мисраъ:

Ғамзаи шўхи он санам хаста ба ҳазли жони ман.

Ал-хайфо — мисраъ:

Мамолик зийнатидур тиф.

Бу анингтек бўлурким, шеъре айтурлар — бир калимаси тамом
нуқталиқ, бир калимаси тамом нуқтасиз. Мисоли дигар. Рашид айтур:

Зайни олам шуд ў бахшиши мол;
Тиғи ў зийнати мамолик шуд.

Ал бароати истиҳлол (65^a):

Эй фалак, саргашталиқдин холи бўлса бир замон,—
Қим сенинг дардингда ҳеч ким топмади ғамдин омон.

Бу санъат анингтеқ бўлурким, шоир ё муаллиф қасидасин ё нус-
хасин не маъноға тартиб қилур бўлса, матлағинда ё фотиҳасинда
иборате талаффуз қилурким, ул ибораттин ғараз маълум бўлур,
нетокким бу матлағ зоҳир бўлурким, бу қасидаи марсиядур ё шикоят
рўзгор. Мисоли дигар. Шайх Низомий айтур:

Зи сад шамшерзани ройи қавий беҳ,
Зи сад афсар кулоҳи хусравий беҳ.

Бу байтин барчаға маълум бўлурким, бу ҳикоятнинг мазмуни
улким, ул ишким тадбир ва рой бирла кифоят бўлур, қилич бирла
бўлмас. Ва бу санъатни аввалғи фанда зикр қилиб эрдук.

Ал-радд-ул-матлағ. Мисоли бу:

Кел, эй соқий, аёқ тут, бўлма ғофил,
Чу келди ёр-у, хуррам бўлди маҳфил.
Май ичгин, зоҳидо, бор эрса ақлинг,
Мунунгдек кунда сабр эткайму ғофил.
Унар гуллар, бўлур жаннатдин ортуқ,
Қаю ердаким ул қилса манзил.
Қуёш ўзин санга ўхшотса, тонг йўқ
Вале ой ўхшағай юзунга мушкул (65^b).
Тарозий қазғуда борди илиқтин;
Кел, эй соқий, аёқ тут, бўлма ғофил.

Бу санъат анингтеқ бўлурким, шеърнинг матлағини рад қилур-
лар. Бу уч навъ бўлур. Бири улким, матлағнинг аввалғи мисраини
тамом мақтағда рад қилурлар, нетокким зикр қилдуқ. Мисоли дигар.
Хожа Ҳофиз айтур:

Эй сабо, накҳате аз кўйи фалони ба ман ор,
Зору бемори ғамам, роҳати жоне ба ман ор!
Қалби беҳосили моро бизан иксир мурод;
Яъне аз хоки дари дўст нишоне ба ман ор!
Соқийё, ишрати имрўз ба фардо мафиган,
Ё зи девони қазо хатти амони ба ман ор!
Дилам аз даст бишуд дўш, чу Ҳофиз мехонд;
Эй сабо, накҳате аз кўйи фалони ба ман ор!

Иккинчи навъи улким, аввалғи мисрағнинг қофиясини мақтағ-
нинг охирида рад қилурлар. Мисолин Камол Хўжандий айтур:

Бода, ки нест аз сари кўи ту, нест бод
В-ар ҳасту нест, ҳамдами бўи ту, нест бод.
То ҳаст дар сабо асари ҳастиеву нест,
Ошuftан салосили мўи ту нест бод.
Ҳар кас, ки ёфт бўи ту, он гаҳ зи шавқи он,
Чун бод нест дар такупўи ту, нест бод.
Рафтам ба боғ бетуву гуфтам ба боғбон:

Ҳар гул, ки ҳаст, бар лаби жӯи ту, нест бод (66^а).
Гар гӯням, Қамол, зи ман ҳожате бихоҳ,
Гӯям: рақиб аз сари кӯи ту нест бод.

Учинчи навъи улким, аввалги мисраънинг қофиясини иккинчи байт
ё учинчи байтта рад қилурлар. Мисоли дигар. Ҳасан айтур:

Эй зи жоми лабат жаҳоне маст.
Рафтам аз даст агар нагири даст.
Доштам дил чу шишаи софий.
Чашми майгуни ту ба мақсад шикаст.
Чашмаст аз даври зулфат огаҳ нест;
Ҳоли шабро хабар надорад маст.

Радд-ул-ажз асос-садр. Бу анингтег бўлурким, байтнинг қофия-
сини садрда рад қилурлар. Бу олти навъ бўлур. Аввалги навъи будур:

Тортадур ҳар лаҳза жонимни шакартег лабларинг,
Эй бегим, сўрсам мен ондинким, нағу жон **тортадур**.

Бу анингтег бўлурким, ул лафзеким байтнинг охириндадур, они
бетағйиря сураат ва маъно байтнинг аввалинда келтурурлар, нетокким
юқори келибтур. Фааммо бу байтнинг уч маъноси бор, бир важҳ
бирла аввалги навъ ҳосил бўлур. Мисоли дигар. Жалолий айтур:

Шайдо дебон алигдин чун мени кеторурсен;
Мендин батар ул юзга чин зулфунг эрур **шайдо**.

Мисоли дигар. Шайдо айтур (66^б):

Қарор аз дили ман рабуд он нигор;
Бад-он анбарин турраи **беқарор**.
Нигораст рухсораи ман ба хун,—
Зи ҳижрони рухсораи он **нигор**.
Қанори ман аз дўст то шуд тиҳи,
Маро пур шуд аз хуни дида **канор**.
Хумор аст дар сайр маро бешароб,
Дар андуҳи он наргиси пурхумор.

Мисоли дигар. Расул алайҳиссалом ҳадисидин:

«Талаба мулкаҳум фасалаба мо талаба ва қаҳаба мо лаҳум, фа-
васаба монаҳаба».

(Мулқларни (у) талаб қилди, бас, талаб қилган нарсаларини тор-
тиб олди ва молларини талади ва тарқатиб юборди).

Иккинчи навъи:

Қарор жондин олур кўзларинг, кўнгулдин сабр:
Нағу олур, чу йўқ эрмиш арода шарту **қарор**.

Бу ул бўлурким, икки лафзким байтнинг аввал ва охиринда келур,
сураатта мувофиқ бўлур, маънода муҳолиф, нетокким келибтур.

Мисоли дигар. Шайдо айтур:

Ҳаёт нест, ки дори зи даҳр чашми ҳаёт;
Вафот н-ояд аз ин рўзгор жуз гаҳи **вафот**.

Салот менаранд ор ба хавонат мехонанд (?),
Ту боз монда бад-ин мухтасар зи савму салот.

Мисоли дигар. Хожа Камол Хўжандий айтур:

Ман талаб кардам висолаш рўзу шаб,
Ефтам ийнак ба ҳукми «ман талаб».

Мисоли дигар. Урбоний гўяд:

Кофирун — неъмат к-ал-кофир.
(Неъматга шукр қилмаслик кофирликдур).

Учинчи навъи:

Минг Қаъбани иморат қилғунча бўлур эрмиш (67^a),—
Тенгри учун кишиким қилса кўнгул иморат.

Бу анингтеқ бўлурким, калимаеки, байтнинг охирида келур, они
бетағйири сурат ва маъно аввалғи мисраънинг ҳашвинда келтурурлар.
Мисоли. Шайх Низомий айтур:

Чунки **Ҳомон** зи дасти бадхоҳон
Раст чун ман зи қиссаи **Ҳомон**.

Мисол. Жалолоий айтур:

Ул ҳарамни жаннати аъло била арз этсалар,
Жаннати аъло керакмастур,— керактур **ул ҳарам**.

Мисори дигар. Носир айтур:

То дар танаш менигарам аз жону ман нозуктар аст;
Ман жон ба меҳнат медиҳам,— гар жони ман бошад танаш.

Тўртинчи навъи:

Агар бори — ўқ бўлса киприкларинг,
Тегар барчаси хаста жонимға — ўқ.

Бу ул бўлурким, ул икки калимаки, байтнинг зарби била ҳаш-
винда келур, суратта муттафиқ бўлур ва маънода мухталиф. Мисол.
Шайдо айтур:

Каримо, бидеҳ **доди** ман аз фалак,—
Ки изад туро ҳар чи боисти **дод**.

Мисоли дигар. Амлаҳи мутакаллимин Шайх Саъдий айтур:

Эй мурғ, агар пари ба сари кўн он санам,
Пайғоми дўстон бирасони бад-он пари.
Он Муштари ҳисол, ки аз мо ҳикоят
Пурсад, жавоб деҳ, ки ба жоянд Муштари.

Мисол. Азҳарий айтур:

Дарди сари хумори маро кушт, соқие,
Бархезу шишаи майи соф аз сари хум ор (67^c).

Бешинчи навъи:

Зорлиқ бирла тилармен васлинги,
Чун бўлубтурмен сенинг ишқингда зор.

Бу ул бўлурким, аввал ва охирда икки лафз келтурурларким, иккаласи бир калмадин биайниҳ муштақ бўлур ва асл маънода муттафиқ, нетокким «зори» ва «зор» — бу икки қисм бўлур. Аввалги қисми улким, бири байтнинг садринда келур, бири зарбинда, нетокким юқори келибтур. Мисоли дигар. Рашид айтур:

Биё, зарди маро беҳеч ҳужжат,
Зи ман ҳаргиз туро нобуда озор.

Иккинчи қисми улким, ул икки калма, бири байтнинг охиринда келур, бири аввалги мисраънинг ҳашвинда. Мисол:

Нигоро, сен мени андуҳ қилма дам-бадам зинҳор,
Ки бу чархи фалактин худ тегар мардумга минг озор.

Мисоли дигар. Муиззий айтур:

Амир агар маро мафарри дил карди,
Саранжом ҳама уммоли азл аст.

Олтинчи навъи:

Холи эрмас, билурмен, эй дилбар,
Лолагун чеҳранг узра ҳинду хол.

Бу тақи бешинчи навънинг бўлур. Фааммо, ул икки лафз. Бири-биридан асл маънода мухталиф бўлур. Бу ҳам икки қисмдур. Бириси улким, байтнинг садри била ажзинда келур, нетокким кўргуздук. Мисоли дигар. Рашид айтур (68^а):

Нолам аз ишқи он санам шабу рўз
Инак аз нола гаштаам чун нол.

Мисоли дигар. Ганжавий айтур:

Нозад аз хидмати ту берун сар,
Гарчи бишкофияш ба найзаи ноз.

Иккинчи қисми улким, ул икки калмаким, зикр қилдук, бири байтнинг охиринда келур, бири ҳашвада. Мисоли будур:

Чун санга йўқтур назир очунда, эй ёри азиз,
Ҳусну лутфу хулқ ичинда, ошиқингга қил назар.

Мисоли дигар. (Муҳаммад) Ганжавий айтур:

Душманонро ба доварият хилоф,
Бо қазоҳойи гунбади даввор.

Ал-лафф в-ан-нашр. Бу санъат анингтеқ бўлурким, шеър ичинда норасолар зикр қилурлар, яна анинг муқобаласинда норасолар келтурурларким, ул норасоларга мушобиҳ ва муносиб бўлғай. Бу тақи

икки навъ бўлур: лафф ва нашри мураттаб ва лаффи нашри мушав-
ваш. Лафф ва нашри мураттаб будур:

Зулфу юзунг фироқида шому саҳар эрур —
Бу оҳ бодпойи фалак бирла ҳаминон.

Бу анингтеқ бўлурким, тартиб бирла келтурурлар, нетокким зулф
бирла юзни зикр қилди, **зулфнинг** муқобаласинда **шом** келтурди, **юз-**
нинг муқобаласинда **саҳар** келтурди.

Мисоли дигар. Хожа Камол айтур:

Дину дунё фишонад бар ту Камол,
Ки ҳамин дошт аз қадлилу касир (68^о).

Мисоли дигар. Маҳмуд Нишопурий айтур:

Офтоб аст сиҳи сарви асир,
Рўю қаду хатти он бадри мунир.

Мисоли дигар. Шарафиддин Яздий айтур:

Зи хуни далерону гарди сипоҳ
Замин гашт сурху ҳаво шуд сиёҳ.

Мисоли дигар будур:

Қомату зулфу кўзунгдин мутгасил
Наргису сабза, бинафша мунфаил.

Мушавваш улким, тартиб риоят қилмаслар, нетокким юқориғи
байтга «наргис» кўзунг мушобихидур, қоматнинг муқобаласида келиб-
тур ва «сарв» зулф муқобаласинда келибтур ва «бинафша» кўз муқо-
баласинда. Агарчи бу тариқа ҳам санъатдур, фаамо мураттабнинг пояси
мундин баландтур. Мисоли дигар. Салмон айтур:

Зи савдойи руху зулфаш ғаме дорам шабу рўзе,
Маро субҳи висоли ў намегардад шаби рўзе.

Мисоли дигар. Хожа Камол айтур:

Дил аз руҳат муқайяди зулфи мушавваш аст,
Дуде, ки дар кабобе бипечад зи оташ аст.

Ин байт ҳам ташбеҳул-измор аст.

Мисоли дигар ҳам Камол айтур:

Дар ҳар сафина кони хатту лаб кардаем нақш
Авроқи он ба сабзию сурхи мунаққаш аст.

Ал-радд в-ал-акс. Мисоли (69^а):

Жону кўнгул марҳами лаъли лабинг ёдидур,
Лаъли лабинг ёдидур жону кўнгул марҳами.

Бу ул бўлурким, аввалғи мисраъни сўнгғи мисраъда бо сукуна
қилурлар. Мисол Носир айтур:

Аз лаби жонони ман зинда бувад жони ман,
Зинда бувад жони ман аз лаби жонони ман.

Ин дили ҳайрони ман ошиқи шайдои туст,
Ошиқи шайдои туст ин дили ҳайрони ман.
Булбули бўстони ман, бонги саги кӯи туст;
Бонги саги кӯи туст булбули бўстони ман.
Ин ҳама афғони ман аз ҳаваси рӯи туст;
Аз ҳаваси рӯи туст ин ҳама афғони ман.

Мисоли дигар. Гулшаний айтур:

Соқни симинбадан, соғари май деҳ ба ман,
Соғари май деҳ ба ман, соқни симинбадан.

Ал-ҳашвиёт. Бу тақи уч навъ бўлур: ҳашви малиҳ, ҳашви қабих, ҳашви мутавассит.

Ал-ҳашв-ул малиҳ:

Боғи ҳуснунг тоза бўлсун то абад,
Сақласун тенгри ямон кўздни йироқ.

Бу анингтеқ бўлурким, байт ичинда лафзе келтурурларким, ул лафздин байтқа оройиш ҳосил бўлур. Мисоли дигар. Рашид айтур:

Меҳнати ин замона бефарёд
Дур аз ту жинонам, ки бадандеши ту бод.

Ул «дур» лафзи малиҳдир.

Ал-ҳашв-ул-қабих мисоли:

Юздин ниқоб олиб бирор гар ташқари чиқсанг басе,
Ўзин булут ичра қамар пўшида-у пинҳон қилур (69^с).

Бир ул бўлурким, лафзе келтурурларким, байтни фо... (?) қилур. Мисол. Рашид айтур:

Азбаски, бори миннати ту бар танам ниҳод,
Дар зери миннати ту ниҳон ҳамчу мустарам.

Ва мунда ул «ниҳон» лафзи қабихдур.

Ал-ҳашв-ул-мутавассит:

Фироқинг ўтидин, эй дилрабойи сийминтан,
Юракта қайнади қону кўзумда қолмади ёш.

Бу улдурким, шеър ичинда алфозе келтурурларким, на оройиш-тур, на фасод. Мисоли дигар. Муҳаммад Ганжавий айтур:

Лек лутфи ту, эй ҳумоюнрой,
Ба ҳунар дур бароварад аз кон.

Ал-ишжозъ. Бу санъат тақи уч навъ бўлур: сажъ-ул-мувозана, сажъ-ул-мутавозий, сажъ-ул-мутраф.

Сажъ-ул-мувозана:

Ҳар саҳар, эй юзунг кўруб, хаста жоним етар фараҳ;
Ҳар кеча ёдингиз била хаста кўнгул қилур калак.

Бу санъат анингтеқ бўлурким, сўнгги мисраънинг алфози аввалги мисраънинг лафзлари бирла вазнда мувофиқ бўлур ва ҳуруфта йўқ. Мисоли дигар. Ояти «Қалом»да:

«Атайна ҳум ул-китобал-мустабин ва ҳадайнаҳум ас-сиротал мустақима».

(Биз уларга тўғри равшан баён қилувчи китоб келтирдик. Биз уларга тўғри йўлни бердик).

Мисоли. Шараф Яздий айтур: «Зи гарди гардон шуда мулавван замин; зи наъли аспон ҳомун шуда ба шакли қамар, ба тийра гардон саройи чашм ба даскалони кўр; зи наъра кардан ялон гўш хоксоронгар».

Мисоли дигар:

Зи роҳи маркабат наргис ба чашмон хор мечинад,
Зи боди доманат сунбул ба ораз гарди буз дояд? (70^а).
Хуш он даме, ки аз хок сари кўйи бархезад.
Хуш он жоне, к-аз анфоси хуш у ҳам биёсояд.

Мисоли дигар. Хожа Камол айтур:

Бо ғами ишқи ту дил кист, ки маҳрам бошад,
Бо лаби лаъли ту жон чист, ки ҳамдам бошад.
Ал-сажъ-ул-мутавозий. Мисоли:

Кўзунг ҳар дам қилур кўнглумни озор,
Сўзунг ҳар дам қилур жоним уза нор.

Бу анингтеқ бўлурким, сўнгги мисраънинг калимоти аввалги мисраънинг калимоти бирла ҳам вазнда мувофиқ бўлур, ҳам ҳуруфта. Ва гоҳи бўлурким, икки байт орасинда воқеъ бўлур Мисолин Рашид айтур:

Он, ки моли хазойини гети
Ҳаст бо дасти жуди ў бисёр.
Ранги кашафи сарири гардун
Нест дар пеши табъи ў душвор.

Мисоли дигар. Хожа Салмон айтур:

Ҳаёли оразат об аст, аз он дар дида мегардад,
Ниҳоли қоматат сарв аст, аз он дар бар намеояд.

Ин навъи аввал аст.

Мисоли дигар. Араб фусаҳоси айтур:

«Олло ҳумма аъти муттафиқан халафан ва аъти мумассикан талафан».

(Эй Худо, ўзимга мос ўринбосар бергин ва мумсикка ўлим ато қил).

Мисоли дигар. Умид Камелий айтур:

Таркибам аз шаб аст, зи рўз аст маркабам,
Болинам аз гул аст, зи лоласт бистарам.

Мисоли дигар. Ояти «Калом»дин:

«Вал-аъдияти забҳан фалмурияти қадҳан фаасарна биҳи нақъан фивасатна биҳи жамъан».

(«Ҳарсиллаб чопадиган, чакмоқлар чақадиган, тэнг пайтида бостириб борадиган, бас ўшанда чанг-тўзон кўтариб, шу билан душман жамоасининг ўртасига кириб келадиган отларга қасам).

Ал-сажъ-ут-тараф (70^о).

Жонки, гулгун юзунгадур Мажнун.
Қил они шод, эй бўйи шамшод.

Бу анингтеқ бўлурким, байт ичинда икки лафз келтурурларким, бири охир ҳарф бирла мувофиқ бўлур, вазни адад бирла йўқ. Ва равийдурким, бири-биридин ҳуруфи кўпрақ бўлса, ё бўлмаса.

Мисоли дигар. «Қаломи мажид»тин:

«Малакум лаяржуна лиллаҳи вақора ва қад халақақум атвора». (Сизларга не бўлдики, Оллоҳдан (тинчлик ва хотиржамлик)ни умид билан сўрайсизлар? Ваҳоланки, сизларни у турли тоифа (табиатли) қилиб яратган).

Мисоли дигар. Маҳмуд Ганжавий айтур.

Орадат фатҳ дар макон имкон.
Деҳадат кўҳ барқарор қарор.

Мисоли дигар. Наср: Фалон касро карам бисёр асту ҳунар бешумор.

Ас-сеҳр-ул-ҳилол. Бу санъат анингтеқ бўлурким, аввалги мисраъни сўнгги мисраъга мавқуф ва мавсуф қилурлар. Бу тақи икки навъ бўлур. Аввалги навъи будур:

Юзунг уза сеҳрки, сабо қилди тор-тор,
Зулфунгни кўрди жону кўнгул бўлди беқарор.

Бу анингтеқ бўлурким, аввалги мисраъ мавқуф бўлур, сўнгги мисраъни ўқумоғунча тамом бўлмас. Мисоли дигар. Салмон айтур:

Бар рўи ҳар ду олам будем баста маҳкам
Дарҳои дил, надонам, ишқ аз кужо даромад.

Мисоли дигар. Муҳаммад Темур Буғо айтур:

Гар шабе бўлса муяссар то саҳар,
Ул жамоли чун ду ҳафта ой ила.
Ул шароби лаълдин ичган киши
Мумкин эрмас то қиёмат ойило (71^а).

Иккинчи навъи:

Меҳр йиғлар ғамингда қон ҳар шом,
Қўк этокинда зоҳир ул асаре.

Бу анингтеқ бўлурким, аввалги мисраънинг охирида лафзе келтурурларким, лафз аввалги мисрани тамом қилур. Ва иккинчи мисраъга тақи парвариш берур. Яъни икки тарафни парвариш қилур. Мисоли дигар. Салмон айтур:

Зи чашмаш гўша гир, эй дил, ки бошад айни ҳушёри,
Гирифти гўша аз масти, ки тираш дар камон бошад.

Мисоли дигар. Салмон айтур:

Соқии мажлис, бидеҳ бода, ки хоҳам рафт,
-Мо ба ҳавои лабаш бар сари май чун хубоб.

Мисоли дигар. Фирдавсий айтур Бижаннинг чоҳқа тушган қисса-синда:

Туро баста монам дар ин чоҳ пой,
Ба рахш андароям, бароям зи жой.

Ва бу гоҳ икки байт аросинда воқеъ бўлур ва гоҳе бир мисраъ ичинда тушар.

Ас-сиёқ-ул-аъжож:

Боғишлоди ҳар бирига бедариг —
Уқу ё-ву гурзу табарзину тиг.

Бу анингтеқ бўлурким, шеър ичинда бир неча нарсанинг ададини сиёқа бирла зикр қилурлар. Мисоли дигар. Фирдавсий айтур:

Ба турон набошад чу ту кас ба жоҳ,
Ба тигу ба муҳру ба тахту кулоҳ.

Мисол. Фирдавсий айтур:

Ҳама дашт пур оҳану сийму зар;
Синону ситому силоҳу камар (71^о).

Мисоли дигар. Муҳаммад Ганжавий айтур:

Даст бар дастгоҳ арзи мунир
Ба сахоу вафоу адлу иёр.

Мисоли дигар. Рашидиддин Ватвот айтур:

Аспу камару тиг бидеҳ кард қиймат,
Тахту сипаҳу тож бад-ў ёбад миқдор.

Ас-савол-ул-жавоб. Мисоли:

Дедимки:— «Хусн элидин не учун вафо келмас?»
Аюрки:— «Хусну вафо бирла муттафиқ бўлмас».

Бу анингтеқ бўлурким, бир мисраъки савол тариқи бирла айтурлар, бир мисраъни жавоб тариқаси бирла келтурурлар. Мисоли дигар. Рашид Ватвот айтур:

Гуфтам: «Маро се бўса деҳ, эй моҳи дилситон».
Гуфто, ки: «Моҳ бўса киро дод дар жаҳон».

Мисол. Носир айтур:

Гуфтамаш: «Дасти ману домани ту рўзи жазо».
Гуфт: «Ошиқ магар андар ғами фардост ҳануз».

Мисоли дигар. Хожа Салмон айтур:

Дўш гуфтам, ки «Ғамат жони маро дод ба бод».
Гуфт: «К-эй сода, ҳанузат ғами жон медорад».

Ал-жамъ-ул-муфрад. Мисол:

Зулф эрур хуснунгга ошиқ мен бикин,
Ложарам, бир дам қарори йўқтурур (72^а).

Бу анингтег бўлурким, икки нарсани бир санъатга жамъ қилурлар. Бу икки навъ бўлур. Бири — музҳар, бири — музмар.

Музҳар улким, зикр қилдуқ, нетокким зулфни ва ўзини беқарорлик сифатида жамъ қилибтур. Ва мунда жомеъ «беқарорлик»тур ва музҳардур. Мисоли, Рашид Ватвот айтур:

Осмон бар ту ошиқ аст чу ман,
Ложарам, ҳамчу манаш нест қарор.

Музмар:

Ғунча оғзингға мунобеҳдур вале
Мен бикин доим гирибон чокдур.

Бу анингтег бўлурким, икки нарсани бир санъатда жамъ қилур. Замир бирла анинг зикрини сареъ қилмаслар. Мисоли. Рашид Ватвот айтур:

Моҳ гоҳе чу рӯи ёри ман аст,
Гаҳ чу ман кў зи пушт зору низор (Ат-таъриф).

Ат-таъриф-ул-муфрад:

Эмастур сарв қаддингға мушобиҳ;
Неси ўхшар санга ул беқадамнинг.

Бу ул бўлурким, икки нарсани бир санъатта жамъ қилмасдик бурун фарқ қилурлар. Мисол. Рашид айтур:

Абр чун ту, кай аст то дони,
Зар кужо борад абри найсони.

Мисоли дигар. Ганжавий айтур:

Боди субҳаст, бўи зулфаш не,
Набуд боди субҳи анбарбор.

Мисол. Хоразмий айтур:

Чи монад бо лаби ҳар лаъли ёқут?
На дар ҳар хотами мебошад эъжоз.

Ал-тақсим-ул-муфрад:

Узору лаъли лабу зулфунг, эй маҳи анвар,
Эрур бири гулу бири мулу бири анбар.

Анингтег бўлурким, аввалги мисраъда ҳар бирини қисмат қилиб, бир қоида бирла зикр қилурлар. Мисоли дигар. Муҳаммад Ганжавий айтур:

Ҳаст хатташ фарози орази ў.
Он яке бадру он яке гулзор.

Мисоли дигар. Рашид Ватвот айтур:

Руҳону оразу зулфайни он бути дилбар —
Яке гуласту дувум лолау сеййум — анбар.

Мисоли Жалолий айтур:

Эрур қаддинг била тишинг, лабинг, аё дилбар,
Бири санубару бири дуру бири шаккар.

Ал-жамъ маат-тафриқ:

Зулфинг эрур мен киби ошуфтаҳол.—
Ул сабодин, мен жамолинг шавқидин.

Бу ул бўлурким, бир санъатта икки нарсани жамъ қилурлар ва яна фарқ этарлар. Ва мунда зулф бирла ўзини ошуфталиқ сифати бирла жам қилди, тақи фарқ қилдиким, бири сабодин, бири шавқдин ошуфта бўлмиш.

Мисоли дигар. Рашид Ватвот айтур:

Ману ту — ҳар ду чун гули зардем,
Чи ман аз рангаму ту аз бўе.

Мисоли дигар:

Ману зулфайни ў — нигунсорем;
Чунки ў пургуласту ман пурхор.

Ал-жамъ-ул-маат-тақсим (73)

Етар ҳар лаҳза зулфу холингдан —
Кўнгулга меҳнату жонимга андуҳ.

Бу анингтеқ бўлурким, бир мисраъда нарсаларни жамъ қилиб, бир мисраъда қисмат қилурлар, нетокким аввалғи мисраъда икки нарсани жамъ қилди еткурмақликда. Ва тақи ул еткурмақни сўнгғи мисраъда қисмат қилди. Мисол. Рашид айтур:

Ду чизро ҳаракоташ ҳаме чиз деҳад:
Улумро даражоту нудумро аҳком.

Мисоли дигар. Муиззий айтур:

Ба мулк дар зи ду чизи ту дур бод ду чиз:
Зи неъматини ту фано-у зи давлатини ту завол.

Ва мунда икки нарсани жамъ қилди йироқ бўлмоғлиқтин ва яно қисмат қилдиким, ҳар бир нарса недин йироқ бўлмоқни.

Мисоли дигар. Муҳаммад Ганжавий айтур:

Ғами ду чиз маро ду чиз супурд:
Дидаро обу синаро зи нигор.

Ал-жам маат-тафриқ ат-тақсим:

Сари зулфунг жамолингга менингтеқ,—
Эрур ошуфта-у пайдо-ву дилреш.
Вале ул гулда ағнар, ман тиконда;
Анга доим эрур нўшу манга неш.

Бу анингтеқ бўлурким, ул икки нарсани жамъ қилурлар ва яна фарқ қилурлар ва яна қисмат қилур. Бу уч ҳолнинг жамъи бас муш-

килтурур, нетокким ўзини (73⁶) маҳбуб зулфи бирла ошуфта ва шайдо-
лиқта жамъ қилди ва фарқ қилдиким, зулф гулда, агёр ўзини тиконда
ва қисмат қилдиким, анга нўштур, мунга неш.

Мисоли дигар. Рашидиддин Ватвот айтур:

Он ки туро банд кард, бандаатро низ —
Банд бикардаст не падиду не пинҳон.
Банди ту аз оҳан аст, банди ман аз ғам;
Банди ту бар пой-у банди бандаат бар жон.

Мисоли дигар. Муҳаммад Ганжавий айтур:

Ҳамчу чашм тавонгар аст лабаш;
Ин ба обу он ба лўлуи шаҳвор.
Оби ин тира, дурри он равшан,
Ин гаҳ гирияи он, гаҳ гуфтор.

Ал-калом-ул-жомеъ. Мисоли:

Тарозий, қилма дунёдин шикоят,
Канаф бирла урушмоқ сирфа қилмас.

Бу анингтег бўлурким, шоир байтларни панд ва насиҳат бирла
оройиш қилур ё фалактин, ё замондин шикоят қилур. Мисоли дигар.
Муҳаммад Ганжавий айтур:

Мўям аз ғам сафид гашт чу шир,
Дил зи меҳнат сиёҳ гашт чу қир.
Ин зи акси бало гирифта хизоб
В-он зи роҳи хато гирифта қарор (74^a)

Ал-ҳусн-ул-матлаъ:

Эй сабо, ул ой юзидин олса бир соат ниқоб,
Тоб олиб тўфонидин, бўлғай пушаймон офтоб.

Бу анингтег бўлурким, саъй қилурларким, шеърнинг матлаи хўб
тариқ бирла битилса.

Мисоли дигар. Хожа Камол айтур:

Зоҳидон камтар шуносанд, он чи моро дар сар аст,
Фикри зоҳид дигару савдои ошиқ дигар аст.

Ва мунунг шарҳи аввални фанда ўтубтур.

Ал-ҳусн-ул-тахаллус:

Савдойидур магар сари зулфунги, зулм этар,
Бандсен(?) доду адл била, хусрави жаҳон.
Маъмурдур бошдин-аёқ ер юзи тамом,
Султони бару баҳр Улуғбек Қўрагон.

Бу санъат анингтег бўлурким, шоир... мамлуҳнунг.... қа бирла
интиқол қилур.

Мисоли дигар. Рашид Ватвот айтур:

Чу шохи гул ба даҳ ангушт хост к-аз димоғ,
Зи барги лола ба каф кард гулистон оташ.

Ажаб чу лола санои адади шоҳ нагуфт,
Дуо, ки кард, ки бодош ҳар даҳон оташ.

Ал-хусн-ул-таълил:

Фалакнинг зуғмина ким зулм айлар,
Қилур Султон Улугбек адлу эҳсон (74^с).

Бу анингтеқ бўлурким, мамдуҳнинг яхши хислатлариға жаҳд этар,
аъни (яъни) фалакнинг зулмининг иллатин... адл қилур. Мисол. Му-
ҳаммад Ганжавий айтур:

Рағми дарё, ки бухл маварзад,
У кунад мол бар замона нисор.

Ал-хусн-ул-талаб:

Гирдоби ғамда қолди маишат сафинаси,
Лутфунг не бўлғай анга, ой бўлса бодбон.

Бу анингтеқ бўлурким, шоир мамдуҳдин хўб тариқ бирла нарса
илтимос қилур. Мисоли дигар. Ганжавий айтур:

Хисраво, бо замона дарҳам,
Ки ба ғам мегузорам ҳамвор.
Чи буд к-аз миёна бардорад
Аз миёни ману замона ғубор.

Буларнинг зикри аввалғи фанда келибтур.

Ал-хусн-ул-мақтаъ. Мисоли:

Оламда ногоҳ ёзу кузу қишу ёйнинг
Даврони эътидол уза бўлса жовидон.
Етсун камола умрунг, эй шоҳ, етмасун —
Умрунг баҳори доманиға дасти ҳар хазон.

Бу анингтеқ бўлурким, шеърни яхши тавр била тамом қилурлар.
Мисоли. Салмон айтур:

То об даргузар буду бод дар масир,—
То норро жарар буду хокро қарор,—
Бодо ҳамиша моҳу жалоли ту бар мазид,
Бодо мудом давлату умри ту пойдор.

Билким, мунча саноеъким, зикр қилдук, барчаси асл (аҳли) бадеъ
қошинда машҳур (75^а) ва мўътабардур ва мундин бошқа бир неча
санъатким, мутааххирлар қошинда урф бўлур эрди, они тақи баён қи-
лоли, то шеърнинг ҳеч дақиқаси бу нусхадин муҳмал қолмағай. Ул
санъатлар будурур: бадеҳа, назар, салис, ғазал, саҳли мумтанеъ ному-
таноҳий бадеҳа. Бадеҳа:

Мени ўлтургил, эй сарви раъно,
Қилурмен ҳар замон юз шева ангиз.

Бу анингтеқ бўлурким, шеърни фикрсиэ, тааммулсиэ айтмоқни
бадеҳа ўқурлар. Назар:

Душман мени ўлтурмади-ю мен дедим: -ўлтур!
Душман сўзини эшитиб, ўлтурмадинг, эй дўст.

Бу ул бўлурким, шеър ичинда маъно қасд қилурларким, тааммул-
сиз тобса бўлмас. Мисоли бадеҳа. Камол айтур:

Мо чу қатъи назар аз рӯи неку натвонем,
Дил ба беҳудан бадгӯи чаро ранжонем.

Мисоли дигар ҳам ул айтур:

Ту душмани дўстии мапу дўсти душман.
Ту они дар вафо, ман инак, эй дўст.

Солис:

Ул азал субҳиндаким, изҳори қудрат қилдилар,
Нетонг, не мазҳари ҳусну малоҳат қилдилар.

Бу анингтеқ бўлурким, шеърнинг алфози андоғ керакким, эшит-
макка лазизу хушоянда бўлса. Мисоли дигар. Хусрав айтур:

Ба риндию ба шўхию ба сад ноз
Дил аз мо бурд, акнун порсо шуд (75^б).

Ғазал:

Муайян кўзларинг айни балодур,
Муаттар зулфунгиз мушки Хитодур.

Бу анингтеқ бўлурким, шеърнинг алфози маҳкам ва устувор бўл-
са. Мисол. Рашид айтур:

Боди мурассаъ бисўхт мурғи муламмаъ бадан,
Ашк Зулайҳо бирехт, Юсуф гул хирман.

Саҳли мумтанеъ. Мисоли:

Қошинг меҳробтур, жоно, жамолинг қиблаи олам,
Сочинг куфру кўзунг кофир, юзунг нури эрур иймон.

Бу ул бўлурким, шеър айтурларким, ўқумоққа осон бўлур, фааммо
айтмоққа душвор.

Мисоли саҳли мумтанеъ:

Баромад нилгун изи зи рӯи нилгун дар мо,
Чу ройи ошиқон гардон, чу табъи бедилон шайдо.

Номутаноҳий ул бўлурким, байте айтурларким, ҳар неча ўқуса-
лар, ҳеч тугонмас. Мисоли дигар. Носир Хусрав айтур:

Чун тири камон орад агар он шаҳи феруз,
Ҳар кўшаки бечора аз ин «дор», бад-он «дур».
Аз он «дур» у бад-ин «дор», аз ин «дор» у бад-он «дур»
Аз он «дур»и бад-ин «дор», аз ин «дор»и бад-он «дур».
Аз он «дур»и бад-ин «дор», аз ин «дор»и бад-он «дур»,
Аз он «дур»и бад-он «дор», аз ин «дор»и бад-он «дур».
Ўқуса ҳад ва имкони бор, ҳаргиз тамом бўлмас (76^а).

Давоми бор.

МЕРОС

ШАЙХ АҲМАД ИБН ХУДОЙДОД ТАРОЗИЙ

ФУНУН УЛ-БАЛОҒА

IV. АЛ-ФАҢН-УР-РОБИЪ ФИ АВЗОН-УШ-ШЕЪР¹

Билгилким, араб уламосининг иттифоқи бирла баҳр ўн олти келибтур. Ажам уламоси сўнгра орий туруб, йигирма тўрт қилибтурлар, фааммо бу заиф тиладиким, ул азизларнинг пайдо қилгон баҳрларини қаламга келтурса ва туркий иборат бирла баён айлаб, ҳар вазнга туркий байттин мисол келтурса.

Бу ҳавастин кўп нусхаларни мутолаа қилди, нетокким «Арузи Қустос»² ва «Арузи Ундулусий»³ ва «Меъёр-ул-ашъор»⁴ ва бу тариқа нусхаларнинг баҳрларинда кўп ғаввослиқ қилдуқ. Эrsa мулоҳаза андоғ туштиким, бу илмда уламо ихтилофи бaсе қилибтурлар. Баъзилар ўкеутубтурлар. Ва ул қоидаларким, уламоий салаф қўюбтурлар, аларнинг қондаси бирла амал қилсалар, ўн олти баҳр пайдо бўлурға мақдури бор. Ул сабабтин бу заиф ҳам андоғ ихтиёр қилдиким, бу баҳрларға аввал ўн олти баҳрким, мумкин-ул-вужудтур, изофат қилиб, тамомин қирқ баҳр уза муқаррар айлаб ва ул ўн олти баҳрким, мутақаддимлар таркиб қилибтурлар, бурун они кўргузуб, ондин сўнгра мутааххирлар пайдо қилгонни тақи (76^о) эмди зиёда бўлгон баҳрларни барчани бир силк узра тортиб, мушарраҳ ва мунаққаҳ баён айлаб ва бу қирқ баҳрдин нечаси хосдур ва неча баҳрнинг асли зиҳофтин қўпор ва ҳар баҳрнинг муштарақ шўъбаси нечадур ва хос шўъбаси қайсидур — мажмуини собит қилиб, шарҳ қилсаким, барчаси ўқуғон кишиларға маълум бўлса. Ва биллоҳ — ул-авн ва-т-тавфиқ.

Фасл. Билгилким, баҳрнинг биноси аркон узадур. Ва аркон аслдин жўлар. Ва аруз аҳлининг истилоҳи бирла асл олти келибтур. Они *усули ситта* ўқурлар. Ондин иккисини *сабаб* дерлар. Ва иккисин *ватад* ўқурлар. Ва иккисини *фосила*. Аммо икки сабабтин бирисин *сабаби ҳафиф* дерлар. Ул икки ҳарф бўлар. Бирисин мутаҳаррик, иккинчиси сокин, нетокким: *фо, мо, си*. Иккаласи мутаҳаррик, нетокким *ала* бўлғай. Ва иккиси ватаднинг бирисин *ватади мажмуъ* ўқурлар. Ул уч ҳарф бўлур. Иккиси мутаҳаррик, бириси сокин, нетокким: *фаал* бўлғай. Ва бириси *ватади мафруқ* дерлар. Ул ҳам уч ҳарф бўлур. Аввал ва охири мутаҳаррик. Уртаси сокин, нетокким: *лот* бўлғай. Ва икки фосиланинг бирисин (77^а) *фосилаи суғро дерлар*. Ул тўрт ҳарф бўлур. Уч ҳарфи мутаҳаррик, бириси сокин, нетокким: *мутафо* бўлғай. Ва бирсин *фосилаи кубро* ўқирлар. Ул беш ҳарф бўлур. Тўрти мутаҳаррик, бириси сокин, нетокким: *фаалатун* бўлғай.

¹ Ал-фанн-ур-робеъ фи авзон-уш-шеър — тўртинчи фан шеър вазнлари хусусида.

² Арузи Қустос — Аниқ мезон. Маҳмуд Замахшарийнинг аруз ҳақидаги асари. Тўла номи: Ал-Қустос ал-мустақим фи илм ил-аруз.

³ Арузи Ундулусий — Аруз ҳақида испаниялик олимлар яратган илмий тадқиқот номи. Муаллифнинг номи ҳозирча бизга ноаниқ.

⁴ Меъёр ул-ашъор — машҳур олим ва шоир Носириддин Тусийнинг (1201—1274) аруз ва қофия ҳақидаги асари номи.

Ва бу олти аслни устозлар тартиб бирла зобита қилибтурлар. Ул будурур: лам сабаби ҳафиф; ар (ватад); Али (мажмуъ), рааса (тафруқ); жабала суғро: самака (кубро).

Фасл. Бу олти аслдин саккиз аркон пайдо бўлурким, они аруз аҳли ажзойи афойил ва тафойил ўқурлар. Ва рукни гоҳи жузв дерлар, гоҳи рукн. Ул саккиз рукнунг феҳрести будур: фаулун, фоилун, мафоилун, фоилатун, мустафъилун, мафоилатун, мутафоилун, мафъулоту.

Бу саккиз рукндин иккисини хумосий дерлар. Ҳар бириси беш ҳарфтин бўлур. Ва олтин жузвин айюн дерлар. Еттироқ ҳарф бўлур. Бу саккиз рукн ул усули ситтадин бу тариқа қўборким, *фаулун* мулоҳаза қилсанг, ватади мажмуъ бирла сабаби ҳафифтан мураккабтур. «Фау» — ватади мажмуъ, «лан» — сабаби ҳафиф ва «фаулун» ҳам сабаби ҳафиф бирла ватади мажмуъдин мураккабтур.

Фо сиб алан ватад. Бу икки жузв бири бирининг ухтидур⁵, ул важҳдинким, иккаласининг таркиби мувофиқтур (77°).

Мафойилун ҳам бир ватади мажмуъ бирла икки сабаби ҳафифтин мураккабтур. «Мафо» ватади айюн, «ийлун» — икки сабаб ва фоилотун ҳам икки сабаб, бир ватадтин мураккабтур, нетокким «фо» бир сабаб, «ило» ватад, «тун» бир сабаб.

Ва *мустафъилун* икки сабаби ҳафиф, бир ватади мажмуъдин мураккаб. «Мустаф» икки сабаб ва «илун» ватад. Булар барча бири бирининг ухтидур.

Ва *мафоилатун* ватади мажмуъ бирла фосилаи суғродин мураккабтур. «Мафо» ватад, «илатун» фосила.

Ва *мутафоилун* ҳам фосилаи суғро бирла ватади мажмуъдин мураккаб бўлур. Икки жузв бири бирининг ухтидур.

Фааммо. Мафъулоту ялғуз икки сабаби ҳафиф бирла ватади мафруқтин мураккабтур.

«Лот» — Ватади мафруқ. Ва мунунг ухти йўқтур, — магар бир важҳдин «фоилотун» анинг ухти бўлур, зероки, «фоъ» ватади мафруқ, «ло тун» икки сабаб ва фоилун ҳам бу жиҳаттин анинг ухтидур. Ва мустафъилун тақи бу сабабтин анинг ухти бўла билур: мус тафъилун — ватади ирода.

Фасл. Билгилким, бу саккиз рукни аркони солима дерлар. Ва ҳар солимдин музоҳифлар қўпор. Солим они айтурларким, дуруст бўлса, нетокким асл вазъидур.

Ва зиҳоф улдурким, солимни бир иллат ва жиҳат бирла ўқутуб ё ўлтуруб, тағйир ва табдил қилурлар. Ва бу баҳрларким пайдо бўлуртур, барчаси бу саккиз аркони солимадин қўпубтур. Ва не тариқа қўпор ани кўргузоли. Ва баҳрларнинг отин ва вазнин ҳам баён қилоли.

Билким, бу баҳрлар икки қисмдур (78°). Бириси улким, баҳрнинг тамомин бошдин-аёқ бир жузвдин таркиб этарлар, нетокким ҳар мисраи тўрт қатла:

фаулун фаулун фаулун фаулун
келур, они муттафиқ-ул-ажзо ўқурлар, нетокким бир мисраи тўрт қатла

фаулун мафойилун фаулун мафойилун
келур, — мун мухталиф-ул-ажзо дерлар. Ва шарт улдурким, ул икки жузвниким, таркиб этиб, баҳр қилурлар, бири бирининг ухти керак. Агар бегона бўлса, бу тоифанинг қошинда раво эрмас.

Фи асмор-ул-буҳур: мутақориб, мутадорик, ҳазаж, рамал, ражаз, вофир, комил, сақил, муқорин, мувофиқ, тавил, жазил, фарид, мазид, мутарокиб, мутадовил, муталойим, мутанофир, жадид, мадид, муҳит, басит, музореъ, мушокил, саҳиҳ, сариҳ, хафиф, мужаннас, ажиб, га-

⁵ Ухти — (арабча) опа-сингил.

риб, мунтахаб, муқтазаб, музҳар, музмар, мунсариж, мундариж, сареъ, бадеъ, қариб, салиб.

*Фи авзон-ул-бухур*⁶. Биз ул муттафиқ-ул ажзони кўргузуб, андин мухталиф-ул-арконни келтурули ва ибтидо «фаулун»дин қилоликим, ул барчадин садрдур. Ва барча баҳрларнинг тартибин бу қоида бирла риоят қилоли.

Билгилким, ҳар баҳр уч мартабадур: аъло ва авсат ва адно. Аъло саккиз жузвдир. Они *мусамман-ул-аркон* ўқурлар. Ва авсати олти жузвдур. Они *мусаддас-ул-ажзо* дерлар (78⁶). Ва адноси тўрт рукндур. Они *мураббаъ-ул-ажзо* атарлар. Биз ҳар жузвдин бир мисраинг мезонин битили. Ва биллоҳ-ул-авн ат-тавфиқ. Ҳаза муттафиқ-ул-ажзо:

Мутақориб — фаулун фаулун фаулун фаулун
Мутадорик — фоилун фоилун фоилун фоилун
Ҳазаж — мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун
Рамал — фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун
Ражаз — мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун
Вофир — мафоилатун мафоилатун мафоилатун мафоилатун
Комил — мутафоилун мутафоилун мутафоилун мутафоилун
Сақил — мафъулоту мафъулоту мафъулоту мафъулоту.

Ҳаза мухталиф-ул-ажзо:

Муқорин — фаулун фоилун фаулун фоилун
Мувофиқ — фоилун фаулун фоилун фаулун
Тавил (79) — мафойилун фаулун мафойилун фаулун
Жазил — фаулун мафойилун фаулун мафойилун
Фарид — фаулун фоилотун фаулун фоилотун
Мазид — фоилотун фаулун фоилотун фоилотун
Мутарокиб — мустафъилун фаулун мустафъилун фаулун.
Мутадовил — фаулун мустафъилун фалун мустафъилун
Муталойим — мафойилун фаулун мафойилун фоилун
Мутановир — фоилун мафойилун фоилун мафойилун
Жадид — фоилун фоилотун фоилун фоилотун
Мадид — фоилотун фоилун фоилотун фоилун
Муҳит — фоилун мустафъилун фоилун мустафъилун
Басит — мустафъилун фоилун мустафъилун фоилун
Музорей — мафойилун фоилотун мафойилун фоилотун
Мушокил — фоилотун мафойилун фоилотун мафойилун
Саҳиҳ (79⁶) — мафойилун мустафъилун мафойилун мустафъилун
Сариҳ — мустафъилун мафойилун мустафъилун мафойилун
Хафиф — фоилотун мустафъилун фоилотун мустафъилун
Мужтасс — мустафъилун фоилотун мустафъилун фоилотун
Ажиб — мафоилун мутафоилун мафоилун мутафоилун
Ғариб — мутафоилун мафоилун мутафоилун мафоилун
Мунтахаб — фоилотун мафъулоту фоилун мафъулоту
Муқтазаб — мафъулоту фоилун мафъулоту фоилун
Музҳар — фоилотун мафъулоту фоилотун мафъулоту
Музмар — мафъулоту фоилотун мафъулоту фоилотун
Мунсарей — мустафъилун мафъулоту мустафъилун мафъулоту
Мундараж — мафъулоту мустафъилун мафъулоту мустафъилун
Бу тўрт баҳр асда мусаддас-ул-аркон келибтур:
Сареъ — мустафъилун мустафъилун мафъулоту
Бадеъ — мафъулоту мустафъилун мустафъилун
Қариб — мафойилун мафойилун фоилотун
Салиб — фоилотун мафойилун мафойилун

⁶ Фи авзон ул-бухур — Баҳрларнинг вазнлари хусусида.

Билгилким, бу ўттуз икки баҳрким, мухталиф-ул-ажзодур, ҳар икки баҳр бири-бирининг аксидур ва қирқ баҳрдин ул ўн олти баҳрким таркиб қилибтурлар — будур: тавил, мадид, басит, вофир, комил, рамал, ражаз, ҳажаз, сареъ, мунсариҳ ҳафиф, музореъ, муқтазаб, мужтасс, мутақориб, мутадорик.

Фасл. Бу саккиз аркон олти аслдин не тавр пайдо бўлди — билдинг. Ва баҳрлар бу саккиз аркони солимадин не тариқа таркиб топти — они ҳам маълум қилдинг.

Эмди ҳар рукни солимдин неча музаҳиф қўпор ва ҳар баҳрдин неча шўъба ҳосил бўлур — барчасини баён қилиб, ҳар бирининг мисолин ва шоҳидин келтуроли.

Билгилким, аруз аҳлининг истилоҳи бирла ўтуз беш зиҳаф келибтурким, бу саккиз аркони солимнинг нафсида амал қилурлар. Ва ҳар рукн тағйир ва табдил қилурлар ва бу зиҳафларнинг маънийи луғавийсин шарҳ қилсоқ, баҳс ўзга ерга тушар, сўз мутававал бўлур.

Эмди маъно истилоҳисини баён қилоли ва зиҳофнинг баёни (80^б) бутурур: «Қабз» жузви солимдин бешинчи сокинин соқит қилмоқ. «Қаср» сабаби ҳафифнинг сокинин исқот қилиб, ҳаракатин таскин қилмоқтурур. «Ҳазф» — сабаби ҳафифнинг тамомин соқит қилмоқтурур. «Салм» аввалги ҳаракатни соқит қилмоқтурур. Хумосийда сарм салм бирла қабзнинг ижтимоидур. Бир ҳазф қилгондин сўнгра қатъни айтурлар. «Қатъ» ватаднинг сокинин исқот қилиб, мутаҳаррикин таскин қилмоқтурур. «Хабн» иккинчи сокинининг исқотидур. «Қаф» бешинчи сокинининг исқотидур. «Харм» аввалги мутаҳаррикни соқит қилмоқтурур.

